

Узб.2 81  
49  
9-23

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ  
МАСАЛАЛАРИ

TOSHDO'TAU



0000002759

Тошкент - 2006

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

~~Ўзбек филология  
факултети  
ОҚУВ ЗА~~

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ  
МАСАЛАЛАРИ  
(Илмий мақолалар тўплами)

~~Ўзбек филология  
факултети  
KUTUBXONASI~~

~~2011~~

Тошкент - 2006

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
TOSKENT  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тилшунослик масалаларига багишланган ушбу тўпламга турли мавзуларга оид мақолалар киритилган. Тўпламда аждодларимиз Алишер Навоий, Рабъузий, Гулханий ижодларининг баъзи бир хусусиятлари таҳлили берилган мақолалар мавжуд. Шунингдек, мақолаларда тил бирликларининг Узига хос хусусиятлари (фeъл шакллари, боғловчилар, гап булакларининг қўлланиши), киёсий таҳлил, матбуот тилига оид масалалар тадқиқ этилган. Шу билан бирга ҳолат валентлиги, пропозитив мурожаат бирликлари, грамматикамиздаги айрим муаммолар, топонимлар этимологияси, такрорнинг қўлланишига оид баъзи бир фикрлар келтирилади.

Ушбу тўплам филология масалалари билан кизикадиган шахсларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: фил.ф.док., проф. Р.Сайфуллаева

Тақризчилар: фил.ф.док., проф.Р.Расулов  
фил.ф.док.Х.Шамсиддинов

Нашр учун масъул: фил.ф.номз.,доц.М.Нариманова,  
фил.ф.номз.,доц.В.Каримжонова

## ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА ГАП БОШ БЎЛАКЛАРИНИНГ КЕНГАЙИШ ИМКОНИАТЛАРИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ

Қўн тиллардаги каби Ўзбек тилида ҳам содда гапнинг сўз гапдан бошлаб, жуда мураккаб ва турли-туман (чексиз ҳолатдаги) кўринишлари, моделлари (андозалари) мавжуд. Содда гапнинг энг мураккаб ҳолдаги кўриниши ҳам, барибир, тилшуносликдаги талқинларга кўра, икки қисмга ажратилади (бунда икки бош бўлакли гап назарда тутилса ҳам, аслида, бир бош бўлакли гаплар ҳам ана шу икки қисмнинг мавжуд эканлигини назарда тутган ҳолда баҳоланаверади): а) эга таркиби; б) кесим таркиби. Масалан, Абдулла ўқияпти; ўқияпти; Абдулла. Тўлиқсиз кўринишдаги гапларда, ҳатто, «Китобни» шаклидаги гап ҳам ана шу икки қисмнинг бирига тегишли бўлади (бу ўринда у кесим таркиби ихтиёридадир (Китобни ўқиди каби)).

Кейинги қарашларга кўра эса, яна ўша содда гап икки қисмга ажратилади: а) тема; б) рема. Йиғиқ содда гап шаклида (Абдулла ўқияпти) тема «Абдулла» сўзи билан ифодаланган ва у эгага тенгдир. Рема эса ўқияпти сўзи билан ифодаланган ва у кесимга тенгдир. Содда ёйиқ гапнинг оддий бир шаклида «Талаба Абдулла китобни тез ўқияпти» тема талаба Абдулла сўз бирикмаси билан ифодаланган ва у аниқловчи+эга бирикувига тенгдир. Рема эса «китобни», «тез», «ўқияпти» сўзлари билан ифодаланган ва у воситасиз тўлдирувчи, тарз ҳоли ҳамда кесим бирикувига тенгдир.

И.И.Ковтунованинг таъкидлашича, гаплар: «синтактик жиҳатдан ёйиқ гап (синтаксически распространенное предложение) эга гуруҳига (группу подлежащего\_ - эга ва уни кенгайтирувчи сўзлар ва кесим гуруҳига (группу сказуемого) - кесим ва уни кенгайтирувчи сўзлар каби икки қисмга, гуруҳга ажратилади. Эга гуруҳи эга ва у билан бириқиб, унинг бирор хусусиятини ифодалаш учун хизмат қилган, одатда, кенгайган ҳолатда, аниқловчили бирикма кўринишида бўлган қисм бўлса, кесим гуруҳи кесим, тўлдирувчи, хол ҳамда уларнинг кенгайган ҳолатида объектли ёки релятив, шунингдек, аниқловчили бирикмалар бирикувлари кўринишида бўлган қисмдир: «Ақли бола қизиқарли китобларни кўп ўқийди» = «Ақли бола» - эга гуруҳи; «қизиқарли китобларни кўп ўқийди» - кесим гуруҳи (биринчи қисм - тема; иккинчи қисм - рема).

Мураккаблашган содда гаплар ҳақида гапирилганда одатда, аслида ана шу икки қисмнинг кенгайишидан ҳосил бўлган синтактик конструкциялар (қурилмалар) кўзда турилади, яъни содда гапдаги тема ва рема қисмлари кенгайиши шу содда гапни мураккаблашган содда гапга айлантиради. Содда гапнинг мураккаблашган содда гапга айланишини белгиловчи аниқ

бир ўлчов, метёр ёки қандайдир аниқ чегара, тамойил йўқ. Яъни содда гап таркибида фақат бош бўлақларнинг мавжудлигига кўра содда йиғиқ гап деб белгиланса, унинг таркибида иккинчи даражали бўлақларнинг (тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол) мавжудлигига кўра содда ёйиқ гап деб белгиланади. Бунда иккинчи даражани бўлақларнинг биттаси иштирок этадими, бир нечтаси - ҳаммаси иштирок этадими, фарқланган эмас: Мен хатни юбордим - содда ёйиқ гап; Мен хатни Тошкентга ўз вақтида юбордим - содда ёйиқ гап; Мен конвертга солинган хатни почта орқали Тошкентга ўз вақтида юбордим - содда ёйиқ гап... Қўринадики, содда йиғиқ гап билан содда ёйиқ гапнинг асосий фарқи бирида фақат бош бўлақларнинг иштирок этган ҳолати бўлса, иккинчисида иккинчи даражали бўлақ ҳам иштирок этиши, ҳолосдир. Ваҳоланки, иккинчи даражали бўлақларнинг иштирок этиш даражаси ниҳоятда турлитумандир. Бундан ташқари гапнинг бош бўлақлари уюшиб келган ҳолатлар (Карим, Салим, Салималар овқатланыптилар). Салим овқатланди, дам олди, кетди), улар изоҳланган ҳолатлар (Салим - кеча йўлда қўшилган бола - келмади; Абдулла ухламади - умуман кўз юммади) ҳам борки, уларнинг гапнинг йиғиқ ёки ёйиқлигига таъсир этиш масаласи мавҳумдир. Мураккаблашган содда гап тушунчаси қайси грамматик-синтактик қурилмага нисбатан белгиланади-ю, нималарнинг гап структурасида, қанча миқдорда, қандай иштирок этиш асосида баҳоланади? Мураккаблашган содда гапларни алоҳида тадқиқ этган Ҳ.Болтабоева мураккаблашган содда гап тушунчасини, асосан, гап таркибида синтактик бўлақларнинг мавжуд бўлиши ёки мавжуд бўлмаслигига қараб белгилайди ва синтактик бўлақларга: а) ажратилган бўлақлар; б) ундалмалар; в) кириш бўлақларни киритади. Бундан шундай хулоса чиқадики, демак, содда гап таркибида ана шу синтагматик бўлақлар иштирок этса, бундай гап мураккаблашган содда гап бўлади. Ваҳоланки, синтагматик бўлақ таркибида ҳам (юқоридаги каби изоҳланса) алоҳида синтагмалар мавжуд бўлиши мумкин.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, рус тилшунослигида ҳам гуркологияда ва ўзбек тилшунослигида ҳам мураккаблашган гапларга асосан, таркибида ажратилган бўлақлари мавжуд бўлган гаплар киритилиб, уларнинг содда гап ёки қўшма гап эканлигини аниқлашга, ойдинлаштиришга уринишлар бўлган. Озарбайжон тилшуноси Э.Х.Тоғазода, ўзбек тилшунослари А.Ғуломов ва Ғ.Абдурахмоновлар таркибида ажратилган бўлақлари бир бўлган гапларни содда гапларнинг алоҳида тури - мураккаблашган гаплар деб белгилайдилар. Бизнингча, бу типдаги синтактик конструкциялар мураккаблашган содда гапларнинг алоҳида ва бир кўриниши, ҳолос.

Маълумки, содда гап таркибида бош бўлақлар ҳам, иккинчи даражали бўлақлар ҳам уюшиб келиш хусусиятларига эгадир. Бу бўлақларнинг уюшиб келишидаги кўринишлари ҳам турличадир (ёпиқ уюшиши -

Абдулла, Салим ва мен келдик; очик уюшиш - Абдулла ва Салим, мен... келдик; жуфт уюшиш - Абдулла ва Салим, Аҳмад ва Омон келишди ва хоказолар). Демак, агар содда йиғик гапдаги бирор бўлак (масалан, эга ёки кесим) уюшиб келса, буни мураккаблашган содда йиғик гап деб белгилаш лозим бўлади. Содда йиғик гапда ҳам эга, ҳам кесим уюшиб келадиган бўлса (Абдулла ва Салим дам олишди, кетишди) ,бу типдаги конструкциялар ҳам мураккаблашган содда йиғик гап деб баҳоланмоғи лозим. Чунки эга ажратилган изоҳловчиси билан қўлланганда, гап мураккаблашар экан, у уюшиқ ҳолда қўлланганда ҳам гап мураккаблашади. Гапнинг таркибида ҳам мазмуний, ҳам оҳанг жиҳатидан, ҳам грамматик жиҳатидан ўзгариш, мураккаблашиш содир бўлади. Содда ёйиқ гапларда бундай мураккаблашиш яна бошқача кўринишларда учрайди:

1.а) аниқловчи ҳам эгага, ҳам воситасиз ва воситали тўлдирувчиларга, ҳам баъзи ҳол турларига бирикиб келиб, содда гапни мураккаблаштиради; (Ётоқдаги болалар ювилган кўйлақларни кенг ва иссиқ хоналарга ёйиб кўйдилар);

б) аниқловчи эганинг ўзига тўлдирувчи ёки ҳол турига уюшган ҳолда кўшилиб келади ва гапни мураккаблаштиради (Билимли, ақлли, ажойиб болалар бизларга ёрдам қўлларини чўздилар);

в) қаратғич аниқловчи ва сифатловчи аниқловчи кетма-кет эгага бирикиб келиб, гапни мураккаблаштиради (Аҳмаднинг ўқишдан келаётган укаси йиқилиб тушди; ўқишдан келаётган Аҳмаднинг укаси йиқилиб тушди). Қиёсланг: Аҳмаднинг укаси йиқилиб тушди; Аҳмаднинг ўқишдан келаётган укаси йиқилиб тушди; ўқишдан келаётган Аҳмаднинг укаси йиқилиб тушди, гапи эса икки хил фарқланган; а) ўқишдан келаётган Аҳмад бўлиб, унинг укаси йиқилиб тушган; б) ўқишдан келаётган Аҳмад эмас, унинг укаси - у йиқилиб тушган. Кейинги ҳолатни фарқлаб олиш учун оҳанг ёрдамга келади. Шунга кўра, бундай ҳолатларда тиниш белгисини қўллашга эҳтиёж туғилиши табиий.

2. Гап таркибида тўлдирувчининг ҳар иккала тури қўлланиши мумкин: У китобни менга берди; У китобни сендан олди-да, менга берди ... кабилар.

3. Гап таркибида ҳолнинг айрим турлари ёнма-ён ёки дистант ҳолатларда қўлланиши мумкин: Биз китобларни бугун мактабга олиб борамиз. Бугун биз китобларни мактабга олиб борамиз... ва хоказо.

Кўринадики, содда гапларда бош бўлақлар ўхшаб келган ҳолда гапни структура жиҳатдан мураккаблаштиради, иккинчи даражали бўлақлар: а) уюшиб келган ҳолда гапни мураккаблаштиради: б) алоҳида-алоҳида турларининг бир гап таркибида қўлланиши гапни мураккаблаштиради; в) бир иккинчи даражали бўлақ (аниқловчи) ҳам эгага, ҳам тўлдирувчига, ҳам ҳолга бирикиб келиб гапни мураккаблаштиради.

Булардан ташкари *Аҳмад менга бериб юборган китоб ҳаммага ёқди кўринишидаги сифатдош оборотли гаплардаги*, шунингдек: *У то ҳўрда сузилиб келгунча бир томонга қийшайиб ухлаб қолган эди; У қадаҳнинг ингичка бандидан икки бармоғи билан ушлаб, жамғжилогини чаённинг думидай гажак қилиб, винони баланд кўтарди* (А.Мухтор) кўринишларидаги таркибида қолип жихатидан ҳатто алоҳида гапга тенг бўлган сифатдош ва равишдош оборотлари (функционал жихатдан ўзгариш-хиралашиш натижасида гапда алоҳида битта гап бўлаги бўлиб келадиган қурилмалар) бўлган мураккаблашган содда гаплар ҳам мавжуддир: *Дуторни созлаш учун реза куйлардангина олиб турган мацшоқ, Отабек кутмаган жойда «Наво»дан бошлаб юборди* (А.Қод.); *Куйнинг бошланиши билан нақ унинг вужуди зир этиб кетгандек бўлиб, кейинги пиёласини бўшатди ва ихтиёрсиз равишда дуторнинг мунгли товушига берилди* (А.Қод.) Кўшлаб содда, аммо мураккаб тузилишдаги гапларни таҳлил қилиш, кузатиш натижасида бундай гапларнинг кенгайиши, мураккаблашуви биринчи навбатда ундаги бош бўлақлар эга ва кесимнинг кенгая олиш имкониятлари ҳамда қонуниятлари билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Жумладан, бош бўлақлардан бири бўлган эганинг кенгая олиш имкониятлари гапнинг тема қисмини семантик, грамматик жихатдан мураккаблаштириши қонуниятини келтириб чиқаради. Бу ҳолат ўзбек тилида шартли равишда маълум семантик, грамматик ва функционал хусусиятларига кўра фарқланувчи эга турларига баробар тааллуқлидир. Масалан, биринчи тип эга, одатда, ҳаракатни бажарувчи, субъектга тенг бўлган эга бўлиб, кесимда унинг фаолияти ҳақида ҳукм чиқарилади: *Аҳмад ишга кетди; У ишлаб юрпти; Директор ҳаммага салом берди* ва ҳаказо. Бу чексиз кўринишларда бўлиши мумкин, аммо ана шу қолип - субъект ва ҳаракат муносабати сақланиб қолади: Эга-субъект ҳаракат бажаради. иккинчи тип эга, одатда, «изоҳланувчи» объект эга бўлиб, кесимда унинг бирор хусусияти ҳақида ҳукм чиқарилади, изоҳланади: *Овқат жуда етилибди; Миртемир - шоир; китоб ҳаммага ёқди; Аҳмадполвон кечагина тухумдан чиққан чулдурвақалар томонидан қаттиқ ўсал қилинди* ва ҳаказо. Бу ҳам чексиз кўринишларда намоён бўлса-да, юқорида келтирилган 3-4 та қолип, андоза, эга-кесим муносабати сақланиб қолади.

Маълумки, эганинг ҳамма кўринишлари меъёрий ҳолатда бош келишик шаклидаги от ва отлашган сўзлар билан ифодаланади. Шундай экан, эга турли шаклларда уюшган ҳолда қўлланиб кенгайиш, ўз олдидан турли структуралардаги аниқловчилар, шу жумладан, уюшиқ аниқловчилар олиб кенгайиш, ажратилган изоҳловчилар ҳисобига кенгайиш ва ниҳоят, бирикма ҳолидаги отлар билан ифодаланиш орқали кенгайиш имкониятларига эга бўлади (Эгани кенгайтирувчи аниқловчилар ҳам қаратқичли, ҳам сифатловчи кўринишларида бўла олади: *Аҳмаднинг*

*укаси Абдуллажсон ишга келмади; Ишбилармон Абдуллажсон ишга келмади* кабилар. Бу имкониятлардан деярли ҳаммасининг намоён бўлиши гапнинг бошқа бўлаклари учун ҳам умумий қонуниятдир.

Бирок турли структурадаги аниқловчилар олиб кенгайиш имкониятининг намоён бўлиши, асосан, от ва отлашган сўзлар билан ифодаланган гап бўлақларига, жумладан эгага хос бўлган хусусий қонуниятдир: Аҳмаднинг кеча ишдан бўшатиб юборилган ва айрим бемаъни ишлари учун жиддий огоҳлантирилган кичик укаси бугун яна ўз қилиғини кўрсатяпти (оғз.нутқдан).

Демак, содда гапнинг тема қисмидаги мураккаблашиши, асосан, эга ва унга бирикиб келувчи аниқловчининг турли кўринишларда қўлланиш, ифодаланишига кўра юзага келади (бошқа ҳолатлардаги кенгайиш ҳисобига мураккаблашиш бунга кўшимча бўлган омилдир).

Содда гап рема қисмининг мураккаблашувидаги имконият ва қонуниятлар бир оз бошқачароқ ҳамда мураккаброкдир. Чунки гапнинг рема қисми, кўпинча, кесимдан ва унга тобе бўлган бўлақлар, уларнинг қисмларидан иборат бўлади. Бошқача айтганда, феъл кесимнинг, от кесимнинг ўзларига қандай сўзларни бириктира олиш имкониятлари, уларга тобе ҳисобланган тўлдирувчи, ҳол бўлақларининг турларидан нечтасининг қўллана олиши ҳамда ана шу қўлланган бўлақларнинг кенгайиши каби имкониятлари, ҳатто феъл кесимнинг ўтимли ёки ўтимсиз феълдан ифодаланганлиги, от кесимнинг қайси туркумдаги сўз билан (от, сифат, сон, олмош каби) ифодаланганлиги ҳолатларидаги имкониятлари асосида мураккаблашувидан ҳосил бўлган қисмдир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, от кесимлар қайси сўз туркуми билан ифодаланган бўлишидан катъий назар гапнинг рема қисмини мураккаблаштиришда чекланган имкониятларга эгадир: а) уюшиб кела олади. Масалан, Аҳмад - яхши инженер, яхши маслаҳатчи; б) кучайтирувчи ва хусусиятни ифодаловчи сўзлар олиб кела олади: У меҳрибон ота, жуда ажойиб мутахассисдир.

Сон, олмош, сифат туркумидаги сўзлар билан ифодаланган от кесимларнинг мураккабланиш даражаси, имконияти янада чеклангандир: Икки кара икки- тўрт; Бу ишларнинг айбдори - ўша; Ғўзалар - бўлик; Водий - гўзал; Ашула - ёқимли кабилар.

Гап рема қисмининг мураккаблашуви, асосан, феъл кесимнинг имкониятлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Феъл маъносининг структур-семантик компонентлари (И.Қўчқортоев), уларнинг ўтимли - ўтимсизлиги (анъанавий ажратиш) ёки объектли - объектсиз эканлиги (А.Ҳожиёв) каби хусусиятлари кесимдан келиб чиқадиган саволларга жавоб талаб қилади:

Нимани, қачон, қаерда, нима учун (нимага, нима мақсадда..), нима билан (нимада), қаерда, кимга, қандай қилиб, қай ҳолатда ва ҳоказо. Бу



саволларга бериладиган жавобларнинг тўлик ёки тўлик эмаслигига қараб, берилаётган маълумотлар, изоҳларнинг мукамал ёки мукамал эмаслигига қараб семанинг мураккаблашганлик даражаси белгиланади.

Феъл кесимнинг талабига кўра гапда ҳол, унинг турлари оддий, кенгайган, уюшган ва ажратилган ҳолларда қўлланади ва рема структураси мураккаблашади. Масалан, Аҳмад бугун кечкурун, соат саккизларда, ўртоклари олдида тили қисик бўлиб қолмаслик учун кечиккан бўлса ҳам, ўша улфатлари тўпланадиган кўчанинг муюлишидаги чойхонага машинасини уйда қолдирган ҳолда етиб келди;

б) феъл кесимнинг талабига кўра гапда тўлдирувчи, унинг турлари оддий, кенгайган, уюшган ва ажратилган каби ҳолларда қўлланади ва рема структураси мураккаблашади. Масалан, Аҳмад бир кун ичида қўриб келиш учун олиб кетилган, бировларга қулма-қул қилиб юбориш мумкин бўлмаган... китобларни; анча бурунроқ шундай ваъдалар билан олиб кетилган ноёб журналларни Толибжоннинг кичик укаси Абдулланинг қўлига топшириб кетди;

в) феъл кесимнинг талабига кўра гапда тўлдирувчи, унинг турлари оддий, кенгайган, уюшган ва ажратилган каби кўринишларда; ҳол, унинг турлари оддий, кенгайган, уюшган ва ажратилган каби кўринишларда қўлланиб келиши асосида рема структураси мураккаблашади. Масалан, *Биз ... китоб-дафтарларнинг ҳаммасини, йиртилиб кетганларини ҳам, муқовалари йўқларини ҳам сумкаларига жойладик, қолган барча буюмларни рюкзакларга жойлаб орқаладик-да, кетма-кет тизилишиб, бир-биримизни ишонтирмай, тахминан, соат саккизларда қирга қараб йўл олдик.* Келтирилган мисолдан кўришиб турибдики, гапнинг рема қисми ҳам тўлдирувчининг, ҳам ҳолнинг турли шакллардаги кенгайиши, қўлланиши ҳисобига мураккабладиган бўлса, одатда кесим уюшган ҳолда қўлланади. Бу қонуният кесим билан тўлдирувчи ва кесим билан ҳолнинг ўзаро семантик-грамматик муносабатидан келиб чиқади. Шунингдек, кесимнинг ўтими ёки ўтимсиз феъл билан ифодаланганлиги ҳам бунга таъсир кўрсатади. Чунки ўзбек тилида содда гапнинг кесими ўтимли феъл билан ифодаланганда гапнинг асосий тавсия қурилмаси: эга, воситасиз тўлдирувчи, кесим (Аҳмад китобни ўқиди) шаклида бўлса; ўтимсиз феъл билан ифодаланганда унинг таянч қурилмаси эга, ўрин ҳоли, кесим (Аҳмад Тошкентга келди) шаклида бўлади. Барча мураккаблашишлар ана шу қурилмаларнинг кенгайиши, изоҳланиши кабилар асосида юзага келади.

Хуллас, ўзбек тилида содда гап тема қисмининг мураккаблашуви гап эгасининг турли ҳилда кенгайиш имкониятлари, қонуниятлари асосида юзага келса, рема қисмининг мураккаблашуви гапда кесим вазифасида келган феълнинг семантик структурасидан келиб чиқадиган талабларга кўра унга бирикиб келадиган тўлдирувчи ва унинг турлари, ҳол ва унинг турлари кенгайиш имкониятлари ва қонуниятлари асосида юзага келади.

Ҳозирги кунда математик лингвистика, машина таржимаси, матнни маълум техник воситалар асосида программалаштириш кенг ривож топмокда. Ана шундай шароитда гапларнинг мураккаблашиш имкониятларини аниқлаш, уларнинг андозаларини белгилаш бу андозаларни юзага келтирувчи имкониятлар ва қонуниятларни янада кенгрок ва аниқроқ, чуқурроқ тадқиқ қилиш жуда муҳимдир.

Мураккаблашган содда гапларнинг барча асосий андозаларини белгилаб чиқиш эса гап тема ва рема қисмларини белгиловчи эга ва кесимнинг кенгайиши имкониятлари ва қонуниятларини белгилашдан бошланади. Бунинг аниқ андозаларини белгилаб чиқиш, имконият ва қонуниятларни умумлаштириш галдаги долзарб муаммолардандир.

Изоҳлар

1. И.И.Ковтунова. Современный русский язык. Порядок слов и актуальное членение предложения. М., Просвещение, 1976, 60-61-бетлар.

2. Ҳ.Болтабоева. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гаплар. Т.Фан, 1969 й., 4-12-бетлар.

3. З.Х.Таж-заде. Сложное предложение в совр. азербайджанском литературном языке. Баку, 1965 й. Докт.дисс. 11 ч.

4. А.Ғуломов. Ўзбек тили синтаксисининг баъзи масалалари// Ўзбек тили ва адабиёти, 1968. 2-сон.

5. Ғ.Абдурахмонов. Ўзбек адабий тили, II-қисм, Т., 1966 й.

6. И.Қўчқортоев. Валентный анализ глаголов речи в узб.языке, Т., Ўқитувчи, 1977 й., 8-10-бетлар.

7. А.Ҳожиёв. Фейл. Т.: Фан. 1973. 82-83-бетлар.

**М.Ҳодиров**  
ЎзМУ. доцент

## **АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ТИЛИ**

«Бир нарсани кўп ўйлайман: нима учун китобхон улуг Алишер Навоий асарларини луғат билан ўқийди?» - деб савол ташлайди севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов. Ҳа, бугунги кунда фақат ёзувчиларгина эмас, балки барча ўзбек ўз-ўзига шундай ҳаққоний савол беради...

Ҳақиқатан ҳам, Навоийни «буюк» деймиз-у, лекин унинг буюклигини асарлари тилини яхши «танимаганимиз» сабабли, исботлаб бера олмаймиз.

Алишер Навоий - омма учун адабий ва бадий жумбоқлигича қолиб келмокда. Бунинг асосий сабаби нимада? Жавобимиз аниқ: она тилимининг «ўқ томири» кесиб қўйилганида, янги давр ўзбек тилининг «қўшимча илдишлардан» озук олишга мажбур бўлганида!

Ўзбек тили - қадимий, шу билан бирга, бадий ва илмий аъёналарга бой тиллардан бири. Бу тилда илгари жаҳонга машҳур бадий обидалар,

тарихий ва илмий рисоалар ёзилган. Бу тилда инсон руҳий ва маънавий оламига оид барча тафаккур «мевалари» пишган. Айниқса, улуғ Навоий ижоди билан боғлиқ бўган XV аср ўзбек адабий тили ўзининг юксак даражаси билан ажралиб туради. Ҳазрат Навоий асарлари тилида, ҳозирги хомаки ҳисоб-китобга қараганда, 26 мингдан ортиқ сўз (бирлик сифатида) қўлланган. Буни жаҳон адабиётининг машҳур намоёндалари тилига қиёслаб кўрайлик: А.С.Пушкинда 21197 та сўз қўланган, демак, Навоий асарларида ундан 5 мингга сўз ортиқ. В.Шекспир асарларида 20 мингга яқин сўз бор эди - Навоийда бундан 6 минг сўз кўп. Навоий улуғ озарбайжон шоири Насимийга нисбатан 23 мингга ортиқ сўз қўллаган.

Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилининг барча вазифа услубларини бекиёс ривожлантирди, ўзбек илмий услубига асос солди (унинг «Муҳокаматул луғатайн») асари - тилшунослик илмининг «Мезонул авзон», «Маҷолисун нафоис» асарлари - адабиётшунослик илмининг нодир намуналаридир).

Аммо ҳозир Алишер Навоий яратган бой тил анъаналарининг изларини, ҳеч бўлмаса, бадиий услубда - шеърини ва насрий асарларимизда жуда кам кўраимиз. Ҳурматли мунаққид Иброҳим Гафуров тўғри айтганидек, «бундан беш аср муқаддам ҳазрат Навоий бой ўзбек адабий тилини яратган эди. Аммо биз бу бебаҳо ҳазинадан фойдаланишни ўринлай олмадик». Ўринлай олмаганимизнинг энг катта «айбдорлари»дан бири менимча, эски ёзувдан айрилиб қолганимиз!

Лекин Навоийни, ва умуман, эски ўзбек адабий тили манбаларини тушунмасликнинг, ўзбек тили луғат бойлигидан жуда кўплаб сўзларнинг истеъмолдан тушиб қолганининг сабабларини фақат эски ёзувдан ажраб қолганимизга боғлаб тушуниш ҳам адолатдан бўлмас.

Ўтган асрнинг 30-йилларида ҳамма нарса инқилобий кўтаринки руҳга боғланганлиги, «Йўқолсин ўтмиш!», «Йўқолсин қоқоқлик!» деб хитоб қилинса, омма ҳар қандай янгиликка ҳам тайёр бўлгани маълум. Мана шундай «янгилик никоби» тилда ҳам ўз салбий изларини қолдирди. Ўша долғали йилларда кишиларнинг бир сўз учун, бир эскироқ тушунча учун отилгани, «Сибирь қилингани» ҳақида ҳозирги кексаларнинг гувоҳлигини кўп эшитганмиз.

Тарихий ҳақиқатни ҳисобга олганда, инқилоб арафасида ва социализм қуришнинг дастлабки даврида кўплаб русча инқилобий тушунчаларнинг ўзбекча сўзлар билан муқобил ифодаси халқимиз тилида бўлган эди. Акс ҳолда, Ҳамзанинг инқилобга хитоб қилувчи ва янги турмушни ёқловчи оташин шеърларида революция ўрнига - инқилоб, совет ўрнига - шўро, пионер ўрнига - кашшоф, республика ўрнига - жумхурият, секретарь ўрнига - котиб каби сўзлар қулланмаган бўларди.

Демак, сўнгрок сталинча «миллатларнинг қўшилиб кетиши» ғояси кучга тўлган сари янгича инқилобий сўз ва тушунчаларни ифодаловчи миллий

сўзлар чекланди ва сиқиб чиқарилди, ўзбек тилининг миллий сўз бойлигига путур етди. Шундай қилиб, ўзбек тили сўз бойлигидаги ички бузилишнинг, аждодларимиз асрлар оша қўллаб келган ва янги турмуш тушунчаларига бемалол муқобил келадиган қўплаб сўзлардан маҳрум бўлишимизнинг яна бир асоси юзага келди. Бу - мумтоз тилимиз билан узвийликнинг бузилишига олиб келди.

Навойни яхши тушунмасликка асос бўлган яна бир тарихий ҳақиқатни эслаб ўтамиз. Маълумки, XVI асрда Ўрта Осиёга Шайбоний бошлиқ кўчманчи ўзбеклар бостириб келгандан сўнг феодал тарқоқлик, ижтимоий ва маънавий тушқунлик юз берди. Учта хонлик - Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари юзага келиб, улар бир-бири билан узок вақт «суяк талашди». Иқтисодий ва маънавий тубанлашув барча соҳаларга салбий таъсир қилди. Шу ўринда улуг Навойнинг бой тил анъанасини сақлаб қолишга ҳаракат қилган, унинг асарлари тилига луғатлар тузган қўплаб халқ маърифатчиларини, тилшунос олимларини эсга олайлик, ижодкорларнинг Навойнинг тил ва адабий анъаналарини давом эттиришга уринганларини ёдга олайлик... Аммо феодал қоқоқлик шароитида юксак бадиий адабиёт ва бадиий тил тараққиёти юз бериши мумкин эмас эди. Навой адабий тил анъанасининг тўлароқ сақланиб қолмагани асосларидан яна бири, демак, тўрт аср (XVI-XIX асрлар) давом этган турмушдаги ва маънавиятдаги тушқунлик эди.

XIX асрга келиб ҳазрат Навойнинг бой тил ва адабий анъаналари фақат шеърятда маълум даражада сақланган (Муқимий, Фуркатларнинг ғазалларини эсланг), аммо насрий услуб анча заиф ҳолга келиб қолган эди. Инқилоб арафаси ва ундан кейинги дастлабки даврларда пуристлар, пантуркистлар, панисломистлар, жадидлар каби сиёсий оқимлар ўртасида ўзбек адабий тили тақдири борасидаги тортишувларнинг сабаби мана шундай ҳолдан - яъни бу даврга келиб ўзбек миллий адабий тилида инқироз ва бош-бошдоқлик мавжуд бўлганидан эмасмикан?! Шу мураккаб даврда халқчил ижодкорларнинг ўз асарларини халқнинг жонли сўзлашув тилига суяниб ёзганликларида ҳам бир ҳикмат бордир?!

Кейинги пайтларда ўтмиш мерос ва унинг тил хусусиятларини ўрганишга муносабатнинг ёмонлиги хусусида қўп гапириляпти ва бу ҳақда тўғри ташвиш билдириляпти. Уларда ҳозирги ўзбек адабий тилини билиш ва ривожлантириш учун бадиий тилнинг гўзал намуналарини яратган мумтоз шоир ва ёзувчиларнинг, тилшунос ва луғатшуносларнинг маҳорати, услуби ва йўриғини чуқурроқ ўрганиш зарурлиги таъкидланяпти. Ҳақиқатан ҳам, «Янгича тафаккур илдизлари ҳам эртадан эмас, кечадан - тарихнинг теран қатламларидан озук олиши керак» (П.Қодиров). Бинобарин, ҳозирги ўзбек адабий тили масалаларини тадқиқ қилувчи жуда қўплаб илмий ишларнинг - номзодлик ва докторлик диссертациялари, айрим китоб ва мақолаларнинг нисбий (вақтинча)

«муваффақияти»га қаноат ҳосил қиламиз. уларнинг тез «эскириб қолаётгани» муаллифларнинг «ўтмас пичок» эканлигига тоқат қилиб келамиз. Тил бўйича ёзилаётган ҳар қандай замонавий илмий тадқиқотда ҳам, маълум даражада, тарихий нуқтаи назар бўлишини унутамиз. Натижада, ўзбек тилининг ҳозирги ва келажаги ҳақида айтилаётган кўпгина илмий «башоратлар» ҳаётий бўлиб чиқмаётир, ўша тадқиқотлар муаллифларнинг савияси пастлигича қолаётир. Бундай ишлардаги хулоса ва натижалар ўзбек тилининг ўз ички хусусиятларидан (тарихий тараққиёт асосидан) келтириб чиқарилмай, балки бошқа тилни (кўпинча рус тилини) ўрганиш услубидан олинаётгани сабабли ҳам муваффақиятсиз бўлмокда. Ахир, тилларнинг ички қурилиши бир хил бўлмаганидек, уларнинг илмий тадқиқот йўриғи ҳам фарк қилиши зарур.

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек тилшунослик илми ҳам она тилимизнинг ўз ўтмиши билан боғланишига, ундан маълум озик олишига яхшироқ ҳисса қўша олмапти.

Энди ўзбек тили тарихини ўрганишнинг ҳозирги ўзбек тили ва тилшунослигига қўшган ҳиссаси ҳақида.

Республикада профессорлар У. Турсунов, Ф.Абдуллаев, А.Ғуломов, А.Рустамов, Х.Дониёров, Ш.Шукуров, Қ.Маҳмудов, Б.Бафоев, филология фанлари номзодлари О.Усмон, Т.Зоҳидов, Қ.Каримов каби фидокор тилшунос олимлар ўзбек тили тарихини ўрганиш бўйича улкан ишларни амалга оширган бўлсалар-да, хали бой адабий меросимиз тил нуқтаи назаридан ўз тадқиқотларини кутмокда.

Шўро даврида талай ўзбек адабий хазиналарини ҳатто тил нуқтаи назаридан ўрганиш тақиқлаб келинди, эскича диний қарашлар урчиб кетади деб, кўплаб қўлёзмаларни улар бўлган тарихдан ўчиришга уриниб келинди. Ёзувчи Аҳмад Аъзам жуда ўринли айтганидек, уларни «жила қурмаса, тил тараққиёти тарихи ёки ҳаттотлик намунаси сифатида ўрганишимиз керак. Халқимизнинг маънавий тарихида диний эътиқодлар ҳукм сургандан кўз юмиш ҳақиқатга ҳам, объектив фаннинг вазифаларига ҳам зиддир». («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988, 15 июль).

Шу ўринда бўлиб ўтган бир воқеани эслаш ўринли кўринади. Хурматли олим, профессор Фаттоҳ Абдуллаев 60-йилларнинг охирида менга XIV асрга оид қўлёзма - «Қиссаи Рабғузий» асарининг тил хусусиятларини ўрганишни номзодлик диссертация иши сифатида тавсия этдилар. Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасидан «Қиссаи Рабғузий»нинг олимнинг ўзи бетма-бет, сўзма-сўз кўчириб олган матнини бердилар. Араб ёзуви сирларини мустақил ўрганиб, нодир матннинг тил хусусиятларини тўрт йил давомида тадқиқ қилиб, диссертация ишини ёзиб тамомладим. Иккита каттагина илмий мақола эълон қилинган, учта илмий маъруза билан чиқилган, автореферати нашрга тайёрланган - диссертация ишим химояга тайёр ҳолга келган эди. Лекин... Бир куни хурматли

устозим кафедрага хомуш келиб, юкори партия органларида проф. Эргаш Рустамов масаласи кўрилгани (унинг адабиёт тарихига оид илмий ишларида диний ёдгорликлар тилга олингани айбланган эди) ва менга ишни ҳимояга қўйиш мумкин бўлмай қолганини айтиб, бошқа янги мавзу тавсия қилдилар.

Бу ҳаётий воқеани шунинг учун келтирдимки, биринчидан, қадимги матнлар дунёвийми, динийми - барибир, маданий мерос, уларни ўрганиш ва билиш керак, иккинчидан, мен мана шу диний «Қиссаи Рабғузий» асарини тўрт йил чуқур ўрганиб диннинг нотўғри йўлига тушиб қолмадим, учинчидан, агар шу фикрм жоиз бўлса, динни асоссиз қоралаш учун аввал унинг моҳиятини билиш керак экан...

Тарихий қўлёзмаларни ўрганиш ишида эски ёзувдан ажраб қолишимиз устига яна мана шунақа «тўсиқлар»нинг бўлиб келганлиги ҳам она тилимиз илдизларидан баҳра олишни қийинлаштирди.

Адабий меросимиз намуналарини ўрта ва олий мактабларда ўқитишнинг ёмон аҳволи, дарсликлар ва бошқа нашрларда адабий ёдгорликлар матнларининг бузиб берилаётгани, уларнинг талкинидаги саёзликлар ва бошқа шу каби масалалар ҳам ўзбек адабий тилининг табиий ривожидagi салбий оқибатларни, булар ҳақида, ҳозир жамоатчилик орасида кўп муҳокама-мунозара бўлаётгани учун, алоҳида тўхталмаймиз.

Агар биз йўл қўйилган камчиликларимиз тузатиш йўлидан борсак, ҳозирги ўзбек миллий адабий тилнинг янада такомилига, юксак нутқий маданиятига эришамиз, республикада ўзбек тилининг ижтимоий вазифасини кўтаришнинг катта имкониятларини юзага келтирган бўламиз. Айниқса, эски ўзбек ёзувини ўзлаштиришга қаратилган ишлар маданий меросимизни яхшироқ ўрганишга, она тилимизнинг ўтмиши билан ҳозирни боғлашга, сўз ва фикир бойлигимизнинг янада юксалишига йўл очиб беради.

Шунда биз мумтоз ёзувчиларнинг бадий маҳоратига тўла, мўъжизакор фикр, тийран фалсафа ва нафис санъаткорлик билан яратилган асарларининг теран ғояларини чуқурроқ англаймиз, яхши инсоний фазилатларга эга бўламиз. Ахир, тарихимиздаги Алишер Навоий каби буюкларнинг ҳар бир асари-сўз санъатининг қандай катта мўъжизалари!...

Шу ўринда улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг энг кичик шеърий шакл бўлган-рубойларидан бир мисол келтираман ва ундаги коинотнинг улуг зоти бўлган инсонинг тили сеҳридан завқланишга даъват этаман.\ Аммо. афсуски, уни ҳозирги авлод дафъатан пайқай олмаймиз...)

Жонимдаги жим икки долингга фидо  
Андин сўнг алиф тоза нихолингга фидо,

Нуни доғи анбарин хилолингга фидо.  
Қолган икки нуқта икки холингга фидо.

«Ғаройбус сигар» дан

Шоир-эхтиросли ва садоқатли ошиқ. Нози баланд маъшуқага интилиб, доимо зорланади, унга илтижо қилади. Ошиқ маъшуканинг барча жабр-зулми ва азобларига чидаб келади. унинг висолига етишиш йўлида ҳамма нарсага тайёр!

Булар-ўзбек мумтоз адабиётидаги ғазал, нома, мухаммас, мусаддас, мусамман, мураббаъ каби жанрларнинг умумий йўналиши...

Алишер Навоий юқоридаги рубойида маъшуқага роз айтишнинг янада санъаткор йўлидан боради: ўз «жон» ининг арабча ёзилиши шакли

\\ни киёс қилиб, унинг ҳар бир ҳарифини севгилисининг энг гўзал белгиларига ўхшатади ва шунинг учун ҳам, «жон»имнинг ҳар бир унсури сенга фидо бўлсин», деди.

Ўқувчи рубойида арабча харфлар замиридаги фикр муаммосининг мохиятини англасагина, уни тушуниб етади.

Муаммо шундай ечилади: «жон» \\имдаги «жим» \\унинг алоҳида ёзилиш шакли- \\ сенинг икки «дол» (кокил)ингга фидо бўлсин.

Ҳақиқатан ҳам, арабча ж \\ \\ нинг шакли гўзал қоматли кизнинг чиройли кокили кўринишига ўхшайди. «Ундан кейин келадиган алиф сенинг гўзал ниҳол \\қомат\\ ингга фидо бўлсин. Алиф харфи \\ \\ бошқа харфларга кўшиб ёзилмаса, чиндан ҳам ёш ниҳол қоматга ўшайди. Сўнги нун харфининг шакли, тесқари тасаввур қилиб \\ \\қаралса. ниҳол \\ингичка, чиройли кош\\ га ўхшайди.

Мана. шоир «жон» сўзининг ҳар уч ҳарифини маъшуканинг энг гўзал белгиларига ўхшатиб ва уларни фидо қилиб бўлди, лекин «жон» \\ \\ нинг ёзилишида яна иккита нуқти қолди. Шоир буни ҳам эътибордан соқит қилмади: ўша иккита нуқтант ҳам ёр юзидаги ярашиб турган икки холга киёс этди \\нуқта холга ўхшайди\\ ва уни ҳам фидо қилди...

Чинакам вафодорликнинг, фидокорликнинг, садоқатнинг, чин инсонликнинг, камтарликнинг бундан ҳам ошиқроқ тасвири бўладими?! Бадиият, маҳорат. санъаткорликнинг бундан юқори минбари ҳам борми?! Ҳар бир бадиий асар эстетик маҳсул эканини ҳисобга олсак, улуғ Навоийнинг шу каби минглаб тўртликларидан, байтларидан, гўла асарларидан бирон заифлик топа оламизми?!

Қаранг, Навоий ўз асарларидан жаҳондаги энг мураккаб араб ёзувидан зорланмайди, ҳатто унинг хусусиятларидан бадиий тасвир воситаси сифатида мохирона фойдаланди.

Эски ўзбек ёзувини ўрта, ўрта махсус ва олий мактабларда ўрганишни йўлга қўйиш ўзбек миллатининг илм-фани. маданияти ва

маънавияти тарихида улкан қайта тикланиш жараёнини очиб беради. Чунки бугун биз асрлар давомида ўз миллий ёзувида \ арабча алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида\ илм-фани, маданияти, тили ва адабиётини беқиёс ривожлантирган ўзбек халқини шўро даврида бошқа ёзувларга мажбуран ўтказилишининг жуда катта ва ёмон оқибатларини кўриб турибмиз. Бу ҳодиса халқимизни ўз аждодларидан айирди, она тилимизнинг муҳим «килдизлари» ни узди, тарихни хиралаштиришга олиб келди, миллий эътиқодларимизни заифлаштирди, нутқий маданиятимиздаги ҳозирги салбий оқибатларнинг асосий сабабчиларидан бири бўлди.

Эски ўзбек ёзувини ўзлаштиришга қаратилган ишлар маданий меросимизни яхшироқ ўзлаштиришга, илм-фан ва маданиятимизни табиий ривожлантиришга, она тилимизнинг ўтмиши билан ҳозирини боғлашга, сўз ва фикр бойлигимизнинг янада юксалишига катта йўл очиб беради. Шунинг учун ҳам, ўрта ва олий мактабларда «Эски ўзбек ёзуви»ни ўқитишни қайта йўлга қўйишнинг ташкилий, илмий-методик жиҳатларини алоҳида диққат-эътибор билан ҳал этишимиз зарур. Бу масалада яна эскича қарашлар, юзаки мулоҳазалар ғалаба қозонишига йўл қўймаслигимиз керак.

Ахир, уни ўрганишдан мақсад фақат арабча ҳарфларни танишдангина иборат эмас, балки шу ёзув ва имло сирларига чамбарчас боғланиб кетган эски ўзбек тилининг сеҳру жозибасини ҳам ўзлаштиришдир, шу ёзув ва тил орқали ўтмиш дурдоналаридан фойдаланишдир. Инсонни камолотга элтувчи энг муҳим омил-она тили. Эски ўзбек тилининг бой хазинасини ўрганиш ҳозирги тилимиз сўз бойлиги ва вазифа услубларига жило қўшади.

Иккинчидан, эски ўзбек ёзуви ва тили ёрдамида чанг босиб ётган минг-минглаб илмий, тарихий ва бадиий хазиналаримиздан баҳраманд бўлами.

Учинчидан, миллий руҳ барқ уриб турган тарихий ва маданий ёзма ёдгорликларнинг ўрганилиши ёшларимиз учун катта маънавий ва ахлоқий тарбия вазифасини бажаради. Миллий анъаналарнинг тикланиши ҳозирги турмуш фалсафасини бойитади, кишиларнинг маънавий қиёфасини юксалтиради.



## ТУРЛИ ХОТИРА ТАСАВВУРЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ НОМЛАШГА МУНОСАБАТИ

Турли сезги объектларидан олган тасаввурларимизнинг уйғунлашуви асосида ном кўчишлари юз беради. Бундай ном кўчишларининг психолингвистик асосларини аниқлаш мақоланинг асосий мақсадидир. Мақсадга эришув учун эса сезги аъзоларининг ўзи ҳақида ва уларнинг объектлари ҳақида бошланғич маълумотларга эга бўлишимиз лозим.

Маълумки, ҳар бир сезги аъзоларининг ўз сезги объектлари мавжуд. Билим жараёнида шу объектлардан олинган таассуротларнинг алоҳида роли бор. Бизни қуршаб турган борлиқдан олган билимларимизнинг аниқлиги, мукамаллиги сезги аъзоларимиз орқали олинган таассуротларнинг мухтасарлигига боғлиқ.

Таъм-билиш сезгисининг объекти биз истеъмол қиладиган, овқатга ишлатиладиган озуқа маҳсулотлари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга: шакар, асал - ширин, калампир - аччиқ. Шу билан бирга, уларнинг таъсири ҳам ҳар хил: ширин нарсалар - ёқимли, аччиқ нарсалар ачиштириш хусусиятига эга ва ёқимсиз. Таомга ишлатиладиган туз меъёр даражасида бўлса, ёқимли меъёрдан ортиқ бўлса, ёқимсиз. Бу хусусиятларни аниқлашга таъм билиш аъзомиз тил хизмат қилади. Бу жараёнда таъм билиш сезгисига таъсир қилувчи турли объектлар хусусиятларининг ёқимли, ёқимсизлиги муҳим аҳамиятга эга: бири ижобий, бири салбий баҳоланади.

Эшитиш сезгисининг объектлари турли туман нарсалар бўлиши мумкин. Нарсаларнинг урилиши, бу урилиш оқибатидаги тебраниш, жонли мавжудотларнинг сайраши ҳисобланади. Урилиш ва тебранишларнинг товуши ҳаво орқали қулоғимизга етиб боради. Эшитиш сезгиси товушнинг кучи, аниқлиги, интенсивлиги, хушоҳанглиги ёки ёқимли ва ёқимсизлигини билишга мосланган.

Қулоқ эшитиш сезгиси аъзоси ҳисобланади.

Товушлардаги ёқимлилиқ ёки ёқимсизлик эса гармония ва дисгармония натижасидир. Товушлардаги гармониянинг ёқимлилиги инсонни турли чолғу асбобларини - урма, пуфлама, тирнама ва қамончили асбобларни яратишга ундаган. Ҳатто шу турли чолғу асбоблари уйғунлиги, гармонияси асосида чолғу асбоблари ансамблларини ва улар ижроси учун қуйлар яратганлар.

Инсон учун берилаётган информациянинг ёқимли ёки ёқимсизлиги эса эшитувчининг олинаётган ахборотдан манфаатдор ёки манфаатдор эмаслигига боғлиқдир. Бошқача айтганда, олинadиган информациянинг



мазмуни эшитувчи рухиятига ижобий ёки салбий таъсири билан ёқимли ёки ёқимсиз бўиши мумкин. Айни жихат нутқий этикетларни юзага келтирган. Етти ёт - бегона шахснинг ўзидан ёш шахсларга *болам, ўғлим, қизим* деб мурожаат қилишини ёки, аксинча, ёшларнинг ёши улуг бегона шахсларга *отажон, онажон, тога, амаки, опахон* каби сўзлар билан мурожаат қилишлари нутқий этикетларнинг тингловчига ёқимли таъсир этишига асосланган. Бу ўрнда ҳам ўзига хос тарзда қайта номлаш орқали эшитувчи рухиятини ўзига яқинлаштириш, қариндошлик аниқлашувчи сўзлар воситасида ўзига мойиллаштириш акс этади. Шунинг учун ҳам ўзбекларда «Яхши сўз билан илон инидан чиқар, ёмон сўз билан қилич кинидан чиқар» мақоли яратилган. Бунинг устига, мақолни қофия ва радифлар билан безаб, товушларда гармония юзага келтириб, нутқнинг ёқимлилиги, хушоҳанглиги таъминланган.

Кўриш сезгисининг объекти сифатида бизни қуршаб турган барча моддий нарсалар хизмат қилади. Кўриш сезгиси доирасида бўлган бу объектлар сезилиши учун улар етарли миқдорда ёритилган бўлиши лозим. Етарли даражада ёритилган предметнинг ранги, ялтираши, сезиларли харакати, шакли, ҳажми, масофаси ҳақидаги таассуротлар кўриш аъзомиз кўз орқали олинади. Инсоннинг кўриш сезгиси доирасига тушган объектлар ўзининг муайян белгиси орқали ёқимли ёки ёқимсиз таассуротларни юзага келтириши мумкин. Шу асосда нарсалар чиройли ва хунук белгилари билан таснифланади. Чиройли - ёқимли, хунук-ёқимсиз.

Тери сезгиси ёки бадан сезгиси объектининг аксари моддий предметлар ҳисобланади. Бу сезги орқали инсон предметларнинг қаттиқлиги, юмшоқлиги; ҳарорати, босими; оғирлиги, ҳажми ҳақидаги; узун-қисқалиги, шакли ҳақидаги таассуротларни олади. Бу ахборотларни инсон ўз териси ва бадани орқали олади. Тери сезгиси орқали олинган таассуротлар ҳам турлича бўлиб, инсон танаси ҳароратидан кескин фарқ қиладиган моддий нарсалар таъсири ё ёқимли, ё ёқимсиз бўлади. Айрим нарсалар баданга текканда, оғирлик пайдо қилади; айрим нарсалар мулоим бўлиб, ёқимли ҳислар уйғотиши мумкин.

Ҳид билиш сезгисининг объекти учувчан жисмлар, газсимон моддалар таратадиган турли-туман ҳидлардир. Улар инсоннинг нафас олиши жараёнида сезилади. Жисмлардан таралаётган ҳидларда ҳам инсон учун ёқимли ва ёқимсиз хис уйғотади. Масалан, атиргул, райхон, жамбилнинг хиди одамга ёқимли таъсирга эга. Ҳидлар ёқимли ва ёқимсизлигига кўра ширин ва сассиқ белгилари билан ажратилади. Бу таассуротларни борлиқдан олишга бурун хизмат қилади.

Мумтоз психологиянинг вакиларидан инглиз психологи Александр Бэннинг қайд этишича, ҳозиргача психологияда сезги аъзоларининг бешта деб кўрсатилиши етарли эмас, агар мазкур сезги аъзолари орқали олинган таъсирларнинг лаззатли ёки азобларини назарда тутилса, уларнинг



микдорини икки ҳисса орттириш лозим. Чунки инсон организмнинг физиологик ҳузур-ҳаловати ва азоб укубатлари нуқтаи назари ҳисобга олинса, органик сезгиларни, яъни очлик, чанқоқ, тўқлик ва шу кабиларни ҳам ҳисобга олиш лозим.<sup>1</sup> Психологияда олтинчи сезги сифатида мускул-ҳаракат сезгиси ҳам ажратилади.<sup>2</sup>

Биз юқорида психологияда тан олинган сезгиларнинг қисқача тавсифини бердик.

Энди мазкур турли сезги аъзоларидан олинган тасаввурларнинг тилда номлашга муносабати ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Эътибор берилса, юқоридаги сезги турларининг ўз объекти турли-туман бўлганидай, бу объектлардан олинган информациялар ҳам турли-тумандир. Айни турли-туман информацияларнинг инсонга таъсири икки кутбли характерга эга. Айримларининг таъсири ёқимли, айримлари ёқимсиз. Ёқимлиларидан инсон қониқиш, лаззат, ҳузур-ҳаловат олади, ёқимсизларидан жирканиш, азоб-укубат олади. Шу беҳисоб, сон-саноксиз таассуротлар ўзаро фарқли бўлиб, шу фарқли жиҳатлар орасидан инсон ўз билиш жараёнида муайян ассоциатив ҳолатларни, уйғун жиҳатларни топади. Улар инсоннинг билмаган нарсаларини билиш жараёнида, тафаккурида йўналтирувчи куч сифатида, муайян янгиликларни яратишда, ижод қилишида туртки ва омил сифатида хизмат қилади. Турли сезги объектларидан олинган таассуротлари инсон хотирасида сақланади ва тасаввурлар сифатида яшайди. Хотирада амалсиз мудраб ётган тасаввурлар инсоннинг фаолиятида учраган янги ва ҳали ўзи томонидан номланмаган нарсаларга ном беришда фойдаланилади, натижада тилда илгари ном сифатида фаолиятда бўлган номлар асосида янги номлар пайдо бўлади ва улар тилида барқарорлик, мунгазамлик касб этади, тилнинг луғат фондидан жой олади, бошқача айтганда, айрим лексема семемаларининг семалари сифатида қайд этилади.

Бу жараёнда И.Павлов қайд этган мўлжал олиш ёки ориентировка рефлекси, яъни «бу нима?» ёки «текшириш» рефлекси муҳим аҳамиятга эга.<sup>3</sup> Бу рефлекс инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам хос рефлекс саналади. Лекин инсон онгли ва нутққа эга бўлган мавжудот бўлгани учун ориентировка рефлексига сабаб бўлган нарсага, ходисага ном ҳам беради. Бу шунчаки, оддий жараён эмас, балки ижодий жараёндир. Ижодий жараёнлиги шундаки, инсон бу жараёнда илгариги кузатишларидан, нарса-ходисалар ҳақидаги, уларнинг белгиси, ҳолати ва ҳаракатларидан олган ва хотирасида ўрнашиб қолган тасаввурларидан фойдаланади, янги нарсага ном беришга асос сифатида қарайди. Ҳозирда кузатиб турган тасаввурлари

<sup>1</sup> Г.Эббингауз, А.Бен. Ассоциативная психология. М., Издательство АСТ - ЛТД, 1998, с.256.

<sup>2</sup> К Тургунов. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т., «Ўқитувчи», 1975, 25-бет.

<sup>3</sup> Қаранг. Тургунов К. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т., «Ўқитувчи» 1975, 111-112-бетлар.

билан хотирасида мавжуд тасаввурларининг уйғун жиҳатларини илғаб олади. Мазкур жараёнда ўхшатиш ассоциациясининг амал қилиши ўз зуҳурини топади. Ассоциациялар орқали тафаккур қилиши натижаси сифатида янги предметнинг номи пайдо бўлади.

Ижод маҳсули бўлган бадий ижоддаги тасвирларда ҳам тасаввурлар мавжуд. Айни тасаввурлар уйғунлиги асосида тилнинг бадий воситалари юзага келади. Бу уйғунликнинг фаолиятини метафора ва оксюмарангача бўлган бадий воситаларнинг яратилиши жараёнида ҳам кузатамиз.

Мисолларга мурожаат қиламиз.

*Муҳаррир оғир одам экан, журналларни кўриб чиқди-да, бош қашшлаб деди;* (А. Қаххор)

Мазкур мисолда икки хил сезги хотираси тасаввурлари асосида оғир сўзи инсоннинг феълни тавсифлашга хизмат қилган.

Нарса-ҳодисанинг оғирлиги мускул-ҳаракат сезгиси орқали билинади. Бу ўринда оғирлик белгиси кўриш сезгиси тасавури орқали кузатилган инсоннинг феъли ёки характериға кўчган. Оғирлик белгисига эга бўлган нарсани ўрнидан силжитиш катта куч сарфлашни талаб этади, энгили учун эса оддий шабаданинг ўзи ҳам қифоя. Инсон характеридаги босиқлик, яъни кўриш сезгиси орқали олинган тасаввур мускул-ҳаракат сезгиси орқали олинган тасаввурға ўхшатиляпти.

Бир куни мен товукхонада юрган мушукни кўриб қолдим. Кулранг, пахмоқ, юмалок юзли. Қисқаси, ширингина мушукча. («Афанди» газетаси)

Келтирилган мисолда таъм билиш сезгиси орқали билиб олинадиган ширинлик белгиси мушукнинг белгисига айлантирилган, яъни кўриш сезгиси орқали тавсифланган мушукка кўчирилган. Ҳолбуки, мушукни татиб кўриб бўлмайди. Бу кўчишни икки хил сезги орқали олинган ахборотнинг инсонға бир хил таъсир этиши билан изохлаш мумкин. Таъм билиш сезгиси объектидаги ширинлик белгиси инсонға ёқади. Кўриш сезгиси объектидаги чиройли ва гўзал нарсалар ҳам инсонда ёқимли ҳис уйғотади. Икки хил сезги объектида Айни ёқимлиликнинг ўзаро уйғунлашуви мушукчани «ширингина» сифати билан тавсифлашға асос бўлган.

Мазкур тавсиф ўзбеклар учун кенг тарқалган ҳолат: оналарнинг ўз фарзандларини «шириним», «шакарим», «асалим» деб эркалашларининг сири ҳам шунда.

Гўзал кечаларда ой ҳам тўлин, тўлин,  
Севги азоблари бунча ширин, ширин?

Кўшиқдан

Ушбу кўшиқ матнидан келтирилган байтнинг иккинчи мисрасидаги «севги азоблари ширин» гапи бадий нутқда оксюмарон саналади. Аслида азоб-органик сезгининг объекти, унинг ширин бўлиши парадокс ҳолат.

«Ширин» -кесимнинг такрори бу белгини яна ҳам таъкидлаб, белгининг интенсивлигини таъминляпти. Лекин бу азобнинг сеवгига тегишлили мантикқа зид эмасдай. Чунки «севиш» сўзининг асосида ҳам кучли хоҳиш, истак ётади. Бу хиссиётнинг узоқ ва давомли эканлиги ҳам азобнинг бир тури, лекин бу азоб - ширин истак, хоҳиш, кучли эҳтиёжни қондиришга - висолга қаратилган. Висолни кутиш қанчалик азобли бўлмасин, лаззатланишга тегишли азоб, шунинг учун ҳам ширин.

Демак, юқоридагидек турли сезгига мансуб хотира тасаввурларидаги ўзаро уйғунлашув, яъни ассоциация бир сезги объектнинг белгиси номини иккинчи бир сезги объектидаги белгига кўчириб, қайта номлашга сабаб бўлади. Бу жараёнда ўзаро фарқланишга эга бўлган турли-туман белгилардаги ўхшашликларни топиш муҳим аҳамиятга молик. Бу ҳам инсоннинг билиш процессидаги хотира тасаввури билан боғлиқ мураккаб ҳолатларни акс эттиради. Айтиш мумкинки, тасаввур - тафаккур орқали эришладиган ҳукм ва хулосаларга бир қалит сифатида хизмат қилади.

Р.Расулов, ТДПУ проф.  
О.Содиқова, ТДПУ доц.

## ҲОЛАТ ВАЛЕНТЛИГИ РЕАЛИЗАТОРИНИНГ АГЕНС ҲОЛАТИНИНГ КЕЧИШ ТАРЗИНИ ИФОДАЛАШИ<sup>1</sup>

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг ҳолат валентлиги агенс ҳолатининг кечиш тарзини ифодалашни билан ҳам ўзига хосдир. Аниқроғи, бундай ҳолларда гапда ҳолат валентлиги сифатида иштирок этган тил бирлиги (валентлик реализатори) феълда қайд этилган шахс, жонивор, суюқлик қабилар ҳолатининг қандай юз беришини, қай тарзда бажарилишини, содир бўлишини ифода этади. Яъни ҳолат валентлиги реализаторида кузатилган жараён ҳолат феълдан англашилган ҳолатнинг муайян вазиятдаги муайян белгиси, муҳим хусусияти бўлиб воқелашади.

Феълда ифодаланган ҳолат агенси ҳолати сифатида мантикий-фалсафий асоси етакчи бўлса, агенс ҳолатининг ҳолат белгиси бўлиб кузатилган ҳолат муайян вазият билан боғлиқлигига кўра, асосий ҳолатга – агенс ҳолатига нисбатан “тобе”лигига кўра ажралиб туради, уни характерлайди.

Ҳолат валентлиги реализаторидаги ҳолатнинг ва феълда қайд этилган агенс ҳолатининг “бирикуви”, мантикий боғланиши натижасида

<sup>1</sup> Шу мавзудаги учинчи мақола. Биринчи мақола Низомий номидаги ТДПУнинг Педагогик таълим (2004 №6) журналида, иккинчи мақола Алишер Навоий номи СамДУнинг илмий мақолалар тўпламида нашр қилинган (2005).

хар икки ҳолат ҳам нисбатан конкретлашиб, муайян тасаввур, тушунча ҳосил қилади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ҳолат валентлигининг реализатори вазифасида равиш, сифат<sup>1</sup>, от ва тақлидий сўзлар келади.

**Ҳолат валентлигининг отда реаллашиши.** Ҳолат валентлигининг отда қайд этилиши равиш, равишдош ва сифат лексемалардан муайян хусусиятлари билан фарқ қилади. От + ҳолат феъли моделидаги сўз бирикмаларида нутқ бирлигининг отдан иборат тобе компоненти – ҳолат валентлигининг реализатори тил бирлиги (лексема) ва нутқ бирлиги (сўз формаси) характерида бўлишига кўра ҳолат феълли мутлақ ҳоким компоненти билан гипотактик алоқаси битишув ва бошқарув (кучсиз бошқарув) муносабатида кузатилади. Феълли релятив ва феълли объектли бирикмалар тузилади. Объектли сўз бирикмаларининг шаклланишида тобе компонент таркибида фақат ўрин ва чиқиш келишиги қўшимчаларигина бўлмай, баъзан *билан* кўмакчиси ҳам келиб, улар феъл ва от маъноларини ўзаро боғлаш вазифасини бажаради.

Демак, бундай ҳолат феълли бирикмаларда ҳолат валентлигини воқеалаштирувчи отли тобе компонент формал-синтактик шаклланишига кўра универсаллиги билан ҳолат реализаторини қайд этувчи равиш, равишдош ва сифатдан иборат тобе компонентлардан фарқ қилади.

Ўзбек тилидаги давомли, образли ва биологик интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат валентлиги отда кузатилади.

Давомли интеграл семали *турмоқ* ҳолат феъллининг ҳолат актанти боғланган ҳолда ва таажжубланган ҳолда, *ўтирмоқ* феъллининг ҳолат актанти улуғвор ҳолда ва муайян вазиятда (алпозда), *қолмоқ* ҳолат феъллининг ҳолат актанти иккиланган ҳолда кабилар бўлади. Ҳолат феълли сўз бирикмаларида: а) агенс давомий ҳолатининг боғлаб қўйилган ҳолда юз бериши англашилади: *Масжиднинг эшиги олдида ... от боғлоглиқ туради* (А. Қахҳор); б) агенс ҳолатининг ортиқ даражада ажабланган, таажжубланган ҳолда кечиши ифодаланади: *Ёнида халойиқ ҳайратда турар* (А. Орипов); в) агенс ҳолатининг савлат тўккан ҳолда содир бўлиши билдирилади: *Ҳусайн Бойқаро савлат тўккан ҳолда саловат билан ўтирибди* (М. Осим); г) агенс ҳолатининг муайян вазиятда (алпозда) кечиши қайд этилади: *Воҳид шу аҳволда узоқ ўтирди* (О. Ёқубов); д) агенс ҳолатининг иккиланган ҳолда юз бериши ифодаланади: *Қора Аҳмад ... тараддудда қолди* (Ойбек). Бирикма конструкцияси “боғлиқ”, “таажжубланиб”, “муайян вазиятда”, “улуғвор ҳолда” ва “иккиланган ҳолда” классемаларига кўра тузилади.

Образли интеграл семали *мишланмоқ* ҳолат феъллининг ҳолат қатнашувчиси диққат – эътибор қилган ҳолда бўлади. Сўз бирикмасида

<sup>1</sup> Равиш, равишдош ва сифатларнинг ҳолат валентлигининг реализатори вазифасида келиши қайд этилган манбаларда ёритилган.

агенс ҳолатининг бутун вужуди билан берилган ҳолда кечиши қайд этилади. Объектли бирикма “диққат-эйтиборли ҳолда” классемасига кўра ҳосил бўлади: *Халойиқ кўзи билангина эмас, бутун фикру зикри билан ҳам мингбошига миҳланган эди* (М. Исмоилий).

Биологик интеграл семали ўлмоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти қийналган ҳолда бўлади. Бунда агенс ҳолатининг жуда қийналган ҳолда юз бериши англашилади: *Ёмон жинни бўлди, ўзини уриб, тишлаб, не азоб билан ўлди* (А. Қаҳҳор). *Ҳовуз четидаги учлик ёғоч от жониворнинг қорнига кириб, азоб билан ўлган* (Мирмуҳсин). Объектли бирикма аъзолари “қийналиб” классемасига кўра ўзаро бирикади.

Ўзбек тилидаги образли ва физиологик интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат валентлиги тақлидий сўзларда реаллашади.

*Товланмоқ* ва *ёнмоқ* образли интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актантини қайд этувчи сўз агенс ҳолатининг нур таратган ҳолда юз беришини билдиради: *Сув қуёш нурида ялт-ялт товланади* (Н. Ёкубов). *Осмонда эса бу кеч ҳам ... юлдуз чўглари милт-милт ёнади* (О. Мухторов).

*Ухламоқ* физиологик интеграл семали ҳолат феълининг ҳолат актантини ифодаловчи сўз агенс ҳолатининг пишиллаган ҳолда кечишини англади: *Онаси ҳам тиш-тиш ухлар эди* (М. Исмоилий).

Хуллас, ҳолат валентлиги реализаторининг агенс ҳолатининг кечиш тарзини англашишида от ва тақлидий сўзларда кузатилиши нотипиклиги билан ажралиб туради.

**Х.Дадабоев**  
**ЎЗМУ, проф.**

### **“Қисаси Рабғузӣ”да қўлланган салт= феълнинг семалари хусусида**

Таъкидлаш лозимки, лексеманинг лексик-семантик ҳаракати системли ва асистемли муносабатларнинг мураккаб қоринмасини рўёбга чиқаради, лексик бирликлардаги тарихий-ижтимоий ўзгаришларни акс эттиради. Шу боис лисоний янгилликларни нафақат сўз ясаш усуллари, шунингдек маъновий хусусиятлари нукта назардан ҳам ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Тилда узоқ вақтлар давомида инсонлар мулоқоти учун хизмат қилиб келаётган лексемаларга янги маънолар юклатилиши билан боғлиқ лисоний ҳодисани ҳам диахрон, ҳам синхрон аспектларда тадқиқ этиш муҳим масалалар сирасига киради.<sup>1</sup>

XIII аср бошларида туркийда яратилган Носируддин Рабғузӣнинг “Қисаси Рабғузӣ” асари ўзининг ҳажми жиҳатдан улканлиги, тилида катта микдордаги асл туркий катлам қатори арабча ва форсча-тожикча

<sup>1</sup> Қаранг: Брагина А.А. Лексика языка и культуры страны. -М., 1981. -С. 28

ўзлашмаларнинг қўлланилгани, айниқса, туб туркий сўзларга юклатилган маъно доирасининг ранг-баранглиги билан характерланади.<sup>1</sup>

Ҳаракат феъллари қаторида ишлатилиш частогасининг юқорилиги орқали ўз ўрнига эга *сал*= феъли азалдан полисемантик сўз ҳисобланиб, қадимги туркий тилда “урмоқ” ҳамда “ғийбат қилмоқ”, илк эски туркий тилда эса “қўймоқ”, “ ташламоқ, отмоқ, ирғитмоқ”, “урмоқ, чопмоқ”, “хайдаб келтирмоқ”, “силкитмоқ, ишора қилмоқ”, “аниқламоқ” каби олти семани англатган<sup>2</sup>

“Қисаси Рабғузий” матнини *сал*= феъли ишлатилиши жиҳатидан синчковлик билан кузатиш, лексемадан асар муаллифи янги-янги маъноларни ифодалаш мақсадида фойдаланганлигини кўрсатади. Кези келганда туркиялик олим Айсу Ота томонидан тузилган асар сўзлигида биз текшираётган феълнинг “солмоқ, отмоқ, ташламоқ” маъноларигина келтирилганлигини айтиб ўтиш лозим бўлади<sup>3</sup>

*Сал*= феълнинг маъно доирасини таҳлил этиш, унинг Рабғузий томонидан қуйидаги семаларда қўлланганини тасдиқлайди.

Лексеманинг “бирор нарса ичига ёки устига жойламоқ, қўймоқ” маъноси асар матнида нисбатан етакчилик қилмаса-да, муайян ўринларда кўзга ташланади: Зулайхā кбълюъā Аллāх таāла Ӗз сзвуклукин салды (I.165).Мазкур сема мана бу гапда ҳам ўз ўрнини топган: Окын алыб балыкға санчыб, канга булғаб, сандуқға сала вергил (I,68). Келтирилган мисолларда лексеманинг нафақат денотатив, шунингдек коннотатив маънони англатаётгани сезилиб турибди.

Лексик бирликнинг “ташламоқ, отмоқ, ирғитмоқ” маъносини асарда кенг қўлланган дейиш мумкин: Ул отдын бир кэсāкни кэтурди, Ҳазарнынъ башыға салды (I, 67). “Ташламоқ” семасининг *сал*= феъли ёрдамида ифодаланганлигини ушбу мисолда ҳам кузатамиз: Бир тайакны йэргā салды (I, 139) “Ирғитмоқ, отмоқ” семасининг “ташламоқ” маъносига ҳамоҳанглигини тубандаги фактик материал орқали таъкидлаймиз: Кир болса отға салур эрдилāр ( I. 180). “ Бирор нарсани вертикаль ҳолда юқорига ирғитмоқ” семасини ифодалашда *сал*= феълдан Рабғузийнинг истифода этишига диққат қиламиз: Тайакны башы узā чэурди, хавāқа салды, йана тутды (I, 97)

Лексеманинг “қолдирмоқ , ташлаб кетмоқ, қўйиб келмоқ” маъносида ишлатилганлиги ҳам характерлидир: Йырак йэргā элтиб

<sup>1</sup> Қаранг :Дадабоев Ҳ «Қисаси Рабғузий”нинг лексик хусусиятлари ҳақида//Марказий Осиё олимларининг Урта аср илмларига қўшган ҳиссаси . Тошкент 1999. 17-23 бетлар,“Қисаси Рабғузий” тилидаги туркий лексемалар семантикаси//Второй международный тюркологический конгресс. Современная тюркология: теория, практика и перспективы. I Бөлим: Туркистан. 2006. 90-93 -бетлар

<sup>2</sup> Қаранг: Древнетюркский словарь.-JI., 1969.-С.482.

<sup>3</sup> Қаранг: Nasir'u'd-din bin Burhanu'd-din Rabguzi Kisasu'l-Enbiya ( Peygamber Kssalari) II. Dizin .Or Aysu Ata. Ankara. 1997. S.533-534.



салғыл ( I, 158), ёки: Йусуфны ёлтирәлинь йа кәндү йырак йәргә салалынь (I, 102)

Сал= феъли шу ўринда қадимги туркий тил ва эски туркий тилда анча фаол бўлган *кәмиш*= феъли билан маънодошлик қаторини юзага чиқаради.

Тадқиқ объекти тарзида танланган феъл -лексеманинг илгари у ифодаламаган маъноларда Рабғузий асариди ишлатилишини кайдлаш, табиий, ушбу мақоланинг бош мақсади хисобланади. Шу сабабли мазкур жиҳатни ашёвий мисоллар ёрдамида ёритиш ўзини оқлайди деган мулоҳазадамиз.

Лексеманинг кўчма “тирифтор этмоқ, дучор этмоқ” маъносини ифодалашда анча кенг қўлланганлиги асар матнида яққол намоён бўлади: Эй Йусуф, биз сәни қул тәб саттук, ғариблыкға салдук (I,158). Яна эътибор беринг: Эй Ибраҳим, нәлук кәни сөзләмадинь, Өзүньни мәнимә балаға салдынь (I,71).

“Богламоқ, тугунламоқ” семасининг *сал*= лексемасига юклатилиши ҳам эътиборга лойик: Тиз тонынынъ бағыға тугун сала башлады (I,122) Маълумки, илк эски туркий тил манбаларида “экмоқ, тикмоқ, сепмоқ (уруғ) “ маъноси асосан эк= феъли ёрдамида очилган<sup>1</sup>. Рабғузий *сал*= феълени мазкур маънода ишлатишга муваффақ бўлган: Амма тупракқа бир авуч *салсаъ* онны йуз қылыб *саъа* бэрур (I, 21).

“Чиқариб ташламоқ, сурмоқ” семаси *сал*= феъли ифодалаган маънолар қаторида фақат баъзи уринлардагина воқеланади: Фир’авнинь ёлқин сув ташқары салды (I, 176). Қайд этилган семанинг ифодаланишига яна бир мисол келтирамыз: Ичиндәки сувны ташқару салдылар (I,43).

Феъл-лексеманинг қуйидаги гаптаги маъносини “топширмоқ, бермоқ” тарзида талқин қилиш мумкин: Бахъсын малик хазинасыға салур эрди (I,141).

Лексик бирлик *кәс*= феъл билан синтагматик муносабатта киришиб, “узуб олмоқ, чўқиб олмоқ, юлиб олмоқ” маъносини аңлатишга эришган: Тумшуқы бирлә синъак тилин кәсиб салды (I, 43). Шундай ҳолатда *сал*= феъли “йикитмоқ, ағдармоқ” : Бир қочқар кәлиб тахтыны сусуб ахтару салур (I,60) , “ухлатмоқ”: Алам халқыны уйқуға салғыл (II, 162) маъноларини ҳам аңлатган. Лексеманинг “орқага сурмоқ, қолдирмоқ, кечиктирмоқ, пайсалга солмоқ” семасини ифодалашдаги иштироки тубандаги гапта кузатилади: Йа’куб йалавач дуъаны кәру салды (I, 160).

*Сал*= феъленинг қадимги семаларидан “силкитмоқ, қоқмоқ” маъносида асар матнида қўлланишда давом этишини қўрамыз: Хур=и ин ужмәх ичиндә йэнь салыб тахсин қылур (I,104).

<sup>1</sup> Древнетюркский словарь... С.167.

Рабғузийнинг “тупурмоқ” маъносини англатувчи *түфқур*= лексемасига *сал*= ни синоним сифатида қўллай олганлигини мана бу фактик материалдан илғаб олса бўлади: Кўрди кимэрсә йэргә түфқурмиш. Сорды: Мұны ким салды? “теб. Эвлуги айды: “Мән салдым”, -тэди. Авж айды.” Эмди йана салғыл”, -тэди. Салды эрсә аһа мэһзәмәс (I,47)

Асарда “ечмоқ (кийимни)” маъноси *чықар*= феъли орқали англашилган: Мубашшира тэвә бурундуқын Мухаммад бэлиндин чэшиб тэвәчиләр тонын чықарыб “Даққ= и мисрий” тонын Мухаммадға кийдурди (II,112) Парчада ишлатилган *чэш*= феъли илк эски туркий тил обидаларида *шэш*= шаклида қўлланган ҳамда “тугунни, арқонни ечмоқ, бўшатмоқ” маъноси қасб этган<sup>1</sup>.

Қисса муаллифи “кийимни ечмоқ, ташламоқ” семемасини юкорида келтирилган *чықар*= лексемаси қатори *сал*= феъли зиммасига ҳам юклаган: Ишә’ Давудны кэлтурди, йаруқ (совут) ны кийдурди. Давуд айды: “Бу йаруқ бирлә санчыша билмәсмән. Йаруқны салды (II, 26-27).

*Сал*= феълининг асарда ифодалаган навбатдаги семаларидан “рад этмоқ, воз кечмоқ” бўлиб, у куйидаги гапда рўй-рост ўз ифодасини топган: Бу нэ иштуруким аталарынь динин салдынь, уларнынь динләрин хатәга чықардынь (II,137).

Текшириляётган феъл-лексеманинг “энгаштирмоқ, эгмоқ, ҳам қилмоқ” маъносини ҳам ифодалагани борасидаги мулоҳаза билан *сал*= сўзининг “Қисаси Рабғузий”даги семалар доираси тўғрисидаги мазкур мўъжаз тадқиқотни ниҳоялаш мақсадга молиқдир: Расул (ас) башын куйы салыб тафаккур қылыб өтру көтәрди (II, 156).

М. Наримонова  
ЎзМУ, доцент

## ФЕЪЛ ШАКЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШДАГИ БИР ХУСУСИЯТИ ҲАҚИДА

Маълумки, ҳар қандай феъл формаси гапда ўзи бажарадиган функцияга эга. Соф феъл, одатда, гапда кесим вазифасида келади. баъзи ўринларда соф феъл (*verbum finitum*)нинг ўзи («само по себе») гапга тенг бўлади.<sup>2</sup> Бошқа феъл формалари сифатида равишдошнинг ҳам гапда ўзига хос маълум вазифалари бор. Биз бу феъл формаларининг одатдаги (нормал) функциялари устида тўхталмоқчи эмасмиз. Бу ҳолатларга биз кўникиб қолганмиз.

Бизни қизиқтирган ҳолат, ўзбек тилида (биз фақат ўзбек тилида демоқчи эмасмиз) шундай группа сўзлар борки, улар формал томондан соф

<sup>1</sup> Древнепоркский словарь...С. 522

<sup>2</sup> А.А.Потебня. Из записок по русской грамматике, М., 1958, I-П, стр. 84.

фeъл, сифатдош, равишдош формасида бўлса ҳам, ўзига хос бўлган лексик-грамматик хусусиятларини йўқотиб, гапда лексик ва морфологик жиҳатдан ажратилган ҳолда қўлланадилар. Натижада улар бошқа сўз туркумлари англатган маъноларни билдириб, фeъл формаларига хос бўлмаган вазифаларда келади. Баъзилари эса, бошқа сўз туркумлари доирасига ўтиб ҳам кетади. Биз бу ҳолатни фeъл формаларининг кўчган ҳолда қўлланиши деб қараймиз. Бундай кўчган ҳолда қўлланган соф фeъл ўзининг синтактик функцияси (софда гап кесими бўлиб келиш)ни бажармайди. Натижада, фeълнинг асл семантикаси хиралашади, рeдукцияга учрайди, баъзан эса тўла йўқолади. Анна шундай ҳолатларда соф фeъл формаси ёки сифатдош, равишдош формаси бошқа сўз туркум доирасига ўтиб кетади. Бунда улар (фeъл формалари) бўлиши-бўлишсизликни қабул қилолмайди, даражаланиш (нисбатланиш)га ҳам эга бўлолмайди (агар форма бирор даражадаги фeъл формаси бўлса, у ҳам «қотган» ҳолда қолади), бошқариш имкониятига ҳам эга бўлолмайди: шахсли ва шахссиз фeъл формалари гапда ажралган ҳолда - кириш сўзлар (баъзан эса конструкция сифатида ҳам қўлланиши мумкин) ёки боғловчи ва ёрдамчилар сифатида қўлланади.

Фeъл формаларини юқорида айтиб ўтганимиздек, бошқа сўз туркумлари ўрнида қўллаш контекст билан ўзвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам кириш сўз ёки боғловчи ва ёрдамчи сифатида қўлланган фeъл формалари гапда одатдаги лексик-грамматик маънолари учун ҳам қўлланавериши мумкин.

Биз бу ўринда фeъл формаларининг кўчган ҳолда қўлланишини кўрсатувчи конкрет ҳолларни кўриб ўтаемиз.

Соф фeъл ва фeълнинг функционал формалари бошқа туркум сўзи каби қўлланганида, синтактик функциясини ўзгартирганда лексик-грамматик маъноларнинг ўзгариш даражаси ҳар хил бўлади. Шунга кўра, тилимизда ўз лексик-грамматик маъноларида қўлланмаган баъзи фeъл сўзларни (формаларини) қуйидагича баҳолаш мумкин:

Лексик-грамматик маъноларини ўзгартирган фeъллар. Бу гурппадаги «фeъллар»да шахс-сон, майл ва бошқа грамматик категориялар формал бор бўлишига қарамай, улар «қотган» бўлиб грамматик маъно ифодаламайди. Бундай фeъл формалари фeъл системаси мустақил парадигмасидан чиқиб кетган бўлиб, бошқа туркум сўзи ёрдамчи сўз, кириш сўз каби қўлланадилар.

Биз бундай фeъл формаларини лексик-грамматик маъноларининг қай даражада йўқолиши, саёзлашишига кўра уч гурппага ажратиб кўриб чиқамиз.

1. Лексик-грамматик маъноларини тўла йўқотган фeъл формалари. Бу гурппа «фeъл»лар бошқа туркум доирасидаги сўзга ўтиб кетади. Лекин бундай фeъл формалари асл функциялари учун ҳам

қўлланадилар. 1) «борди-ю» - (бор-фёэлининг III шахс ўтган замони + «ю» юкламаси) гапда икки хил қўлланиши мумкин. - Чоғиштиринг:

Ойим, менинг ўйларимга қулоқ солмаётгандай анчагача индамай борди-ю, бирдан ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. (Ас.Мухтор. Давр менинг тақдиримда).

Борди-ю станцияда ўша олтин тасодиф рўй бермаса, ҳозир лагерда ўтирган бўлса нима қиларди? (Шуҳрат. Олтин зангламас). Бу гапларда «бор» фёэли III шахс ўтган замон формасида -ю юкламасини олиб содда гап кесими вазифасида ва худди шу формада (борди-ю формасида) лексик-грамматик маъноларини йўқотган ҳолда гапда ёрдамчи вазифасида қўлланган. Бунда «борди-ю» ҳаракат маъно(бориш)ни билдирмайди - лекин маъно йўқолган, III шахс маъноси ҳам сақланмаган, бошқариш хусусиятига ҳам эга эмас - грамматик маъно ҳам йўқолган. Бу каби ўринларда «борди-ю», «агар», «башарти», «мабодо», «фараз қилайлик» кабилар англатадиган маъноларни бериш учун қўлланади. Шунинг учун ҳам, «борди-ю»ни гапда шу сўзлардан бири билан алмаштириш мумкин бўлади. Демак, бунда одатда содда гапнинг кесими вазифасида келадиган соф фёэл қўшма гапда (шарт эргаш гапда) ёрдамчи сифатида иштирок этади.<sup>1</sup> Бъзан «борди-ю» тўсиқсиз эргаш гапда ҳам қўлланади: Борди-ю, уруш тугаб, биз омон қолсак ҳам, бу йирткичларни суд-сўроқ қилиб ўтириш шартми? (Ас.Мухтор. Давр менинг тақдиримда) «Борди-ю» ўрнида қўшма гапларда шарт маъносини яна ҳам кучайтириш мақсадида шу фёэлнинг «боринг-ки» II шахс формаси ҳам қўлланиши мумкин. Бундай қўллашда -ки элементи ҳал қилувчи роль ўйнамайди:

Борди-ю, кетсам, борингки, адашиб кетсам, нима, кимим қолади бу ерда, кишлоғимда? (Т.Тўла. Шеърлар).

Юқорида келтирилган гапларда «борди-ю», «борингки» ёрдамчиларининг шарт майлидаги фёэл билан келган ҳолат кўрилди. Тилда «боринг(ки), ...-син» каби формаси ҳам учрайди: Боринки, йигит ҳам, қиз ҳам турмушимдан адашмадим деб хурсанд бўлиб юрган бўлсин. Лекин... («Тош.оқшоми»)

Бундай ўринларда -син формасидаги фёэлни «-са ҳам» билан алмаштириш ҳам мумкин. «Борди-ю» иштирок этган эргаш гапнинг кесими аниқлик майлидаги ўтган замон фёэлидан ҳам ифодаланган бўлиши мумкин. Лекин бундай эргаш гапнинг кесими аниқлик майлидаги ўтган замон фёэли формасида бўлса ҳам, шарт маъносини беради. Бундай қўллаш кўпроқ жонли тилга хосдир: Борди-ю иш тугади, машина келмади, унда йиғилганлар нима қилади?

<sup>1</sup> Л.В.Щерб: «...Если в вопросе о частях речи мы имеем дело не с классификацией слов, то может случиться что одно и то же слово окажется одновременно подводимым под разные категории. ...таковы знаменательные связи, где уживаются в одном слове и связка, и глагол» (см. статью «О частях речи в русском языке сборник «Русская речь». Ленинград, 1928, стр. 8.

2) Яна шундай феъл формаларидан бири «демак» феълнинг инфинитив формаси -мокнинг -мак - архаик формасини ўзида хозиргача сақлаб қолган сўз ҳисобланади. «Демак» кириш сўз сифатида қўлланиб «хуллас» (русча: значит, следовательно) билан баъзан синонимик муносабатда бўлади. «Хуллас»га нисбатан «демак» тилда фаолроқ қўлланади: Демак, синтагма икки пауза орасидаги нуткий элементдир.<sup>1</sup>

«Демак»<sup>2</sup> кириш сўз сифатида қўлланиб турли маъноларни англатади. Бу маънолар фикрни қисқароқ яқунлаш, хулосалаш (хуллас-значит), давом эттириш (следовательно, в таком случае) кабилардир.

Ҳозирги ўзбек тилида «демак» ва «демак» (бири кириш сўз, иккинчиси феълнинг инфинитив формаси) иккита лексик бирлик сифатида қўлланади. «Демак» эски стилга хос бўлган адабиётларда феълнинг инфинитив формаси каби ҳам қўлланиши мумкин:

Англамадим, не демак истамайсиз? (Ойбек, Навоий).

3) «кўра»<sup>3</sup> (кўр - феълнинг равишдош формаси) ҳам ёрдамчи сўз сифатида қўлланади. Бу сўз ҳам, шу гуруппадаги бошқа сўзлар каби, асл маъноси ва функциясида - равишдош каби ҳам қўлланаверади:

Айтишларига кўра, ибн Сино таълимотига кўра, - Шў фильмни мен ҳам кўра қолай, ойижон (жонли сўзлашувдан). «Кўра» ёрдамчи сўз сифатида қўлланганда жўналиш келишигидаги сўзни талаб қилади. Бунда «..га асосан», «...га мувофик» каби маънолар англашилади. Лекин бу маънолар «..га кўра» англатган маъноларга, ҳар қандай контекстда мос келади дейиш қийин. Баъзан «кўра» «нисбатан» деган маъно учун қўлланади. Ана шундай ўринларда «кўра» чиқиш келишигидаги сўзни бошқаради. Бундай ҳолат жонли тилда кўпроқ учрайди: Бу ишда Олимдан кўра Дилбар чакқон. - Эшонни тўгаракка раҳбар қилгандан кўра колхоздан ҳайдаган маъкулроқ. (А.Қаҳҳор. Синчалак)

«Кўра» кўчган, яъни феълга хос лексик («кўриш») маъносини йўқотган, грамматик (бу ўринда бошқариши эркин эмас, «қотган») хусусиятларини йўқотганда кўмакчи сифатида қўлланади.

4) «тортиб»<sup>4</sup> - «торт - феълнинг равишдош формаси) гапда кўмакчи сифатида қўлланиб, ўзидан олдин келган сўзни чиқиз келишигида бошқаради. Бунда «тортиб» қўлланиши факультативда кўринади: Чодрага

<sup>1</sup> А.Ғ.Ғуломов, М.А.Аскарлова. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Синтактик, «Ўқитувчи», Т., 1965, 8-бет.

<sup>2</sup> А.А.Абилькаев. Семантико-грамматическая природа глагола «де» в казахском языке, авторсф. канд.дисс. Алм.Ата, 1962, стр.9.; М.А.Аскарлова. Ҳозирги ўзбек тилида эргатив формалари мақола. ТДПИ. Илмий асарлар. 42-том ю 2-китоб. Тилшунослик масалалари. Т., 1064,30-бет., М.В.Вагапова. Глагол «ол» - в киргизском языке. Авт. канд.дис. М., 1964, 10-бет.

<sup>3</sup> Ҳозирги замон ўзбек тили. Фан. Т., 1957, 498-бет. Бу форма бошқа турк тилларида ҳам кўмакчи сифатида қўлланади: А.П.Поцеллудевский. Основы грамматики, Ашхабад, 1946, стр. 16.; А.Турсунов. Деспричастие в совр. киргизском языке. Авт. канд. дис. Фрунзе, 1958, стр.8.; Ю.Д.Джанамовов. Деспричастие в кумыкском языке», сравнительно с другими тюркскими языками), М., 1967, стр. 308.; Б.С.Саярғалиев. Бу сўзни «равишдош кўмакчилар» «послелоги деспричастия деб алоҳида гуруппага киритган (харанг: Служебные слова в башкирском языке», Авт. канд. дис. Уфа, 1955, стр.3)

<sup>4</sup> А.Турсунов. Деспричастие в совр. киргизском языке, Автор. канд. дис..., Фрунзе, 1958, стр.8.

ўралган маъсумалардан, заифалардан тортиб то сўнги модали аёлларга қадар бор.

5) «ўта» (ўт - феълининг равишдош формаси) тилда равиш сифатида қўлланиб, жуда маъносини англатади. Бундай қўллаш ўзбек адабий тилида кам учрайди. Кузатишлар «ўта» равиш каби қўлланган ҳолатлар кўпроқ турли мутахассисликка оид терминлар билан боғлиқмикан деган фикр юритишга олиб келяпти: ўта тўйинган эритма («Кимё» дарслигидан).

Фориш шеvasида унлининг айрим пайтда бундай ўта чўзиқ ёки ўта чўзиқ ва баланд тонда айтилиши шу шеванинг фоно-интонацион системасига хос бўлган хусусиятдан иборат<sup>1</sup> «ўта тўйинган эритма» - Киме термин ива «ўта чўзиқ» - тилшунослик (фонетик) термин.

Жонли тилда ҳам «ўта» равиш сифатида қўлланади: ўта инжиқ бола, ўта камтарин. Белги маъносини янада кучайтириш учун «ўта кетган» бирикмаси қўлланади. Бунда «кетган» ҳам ўз лексик маъноси (кейтишни) йўқотиб ёрдамчи сифатида қўлланади:

ўта кетган инжиқ бола

«Ўта» бошқа туркий тилларда ҳам «жуда» маъносини англатиб равиш каби ўзбек тилидагига қараганда қўлланади.<sup>2</sup>

«Ўта» шу группадаги бошқа сўзлар каби лексик ва грамматик маъносини сақлаган ҳолда ҳам қўлланиши мумкин.

б) «қўйингки» (қўй - «поставить» феълининг II шахс буйруқ формаси +ки юкламаси) тингловчига қаратилган гапнинг экспрессивлигини ошириш учун кириш сўз сифатида қўлланади. Бу форма уюшиқ бўлакли гапларда қўлланиб уюшиқ бўлакни чегаралайди: Чолийнинг нима иш билан шуғуллангани-ю, ҳозир қандай тирикчилик билан куйманиб юрганлигини, йигитлигидан то шу вақтгача нелар кечганлигини, унинг ўттиз етти набираси борлигини, қўйинки, ҳамма-ҳаммасини ҳикоя қилиб беришади.

Бундай қўллашда «қўйингки» формасини «борингки» ва «хуллас» каби кириш сўзлари билан алмаштириш мумкин. «Қўйингки» да -ки элементни қўлламаган ҳолда ҳам ўзгариш бўлмайди.

«Қўйинг» формасидаги сўз «асти» ёки «энди» (вақт маъноси сақланмаган бўлади) сўзлари билан бирикма бўлиб қўлланганда ҳам гапга кўшимча (модал) маъно беради. Бунда ҳам (асти) қўйинг лексик—грамматик маъноларини йўқотган бўлади. Кеча қўчадан келиб, «Фаттоҳ китобининг польтосини йиртиб қўйди» деб бирам куйиб-пишади, асти қўйинг. (Шухрат)

<sup>1</sup> С Усмонов. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари. ТДПИ Илмий асарлар. 42-том, 2-китоб. «Тилшунослик масалалари» тўплам. Т., 1964, 47-бет).

<sup>2</sup> Ю.Д. Джамавов. Деспричастие в кумыкском языке (сравнительно с другими тюркскими языками) М., 1967, стр. 292.

Тилда юқоридаги маъноларни бериш учун қўй+бер феълларидан хосил бўлган шу феълнинг «қўяверасиз» формаси ҳам ишлатилади.

Ўша куниёқ педсовет чақирди. Баратов бечорани шунақаям мулзам қилдики, асти қўяверасиз.

Кўриб ўтилган «қўйинги», «асти қўйинги», «асти қўяверасиз» («энди» билан ҳам келиши мумкин) гапда кириш сўз ёки кириш конструкция сифатида қўлланган бўлади.

7) «қайта» (қайт - феълнинг равишдош формаси бўлиб, ўзбек тилида равиш сифатида қўланиб «такрор», «яна» («бошқатдан») каби маъноларни билдиради... Қайнатанинг қайта уйланиши ёдларига келмаган эди. (Ойбек) Дилбарнинг физикадан қайта ёмон баҳо олиши синф раҳбарини ўйлашга мажбур қилди (газетадан).

«қайта» сон билан аниқланиб келган ўринларда ва такрор «қайта-қайта» қўлланганда «марта» маъносини билдиради:

Икки қайта, қайта-қайта ўқимок

Юзаки қараганда, «қайта» лексик маъносини бутунлай йўқотган деб баҳолаш мумкиндек кўринади. Лекин «қайт» феъли билан «такрор» каби сўзларнинг семантикасида (логик нуктаи назардан, чунки улар ҳар хил туркум сўзлари-ку) қисман умумийлик бордек. «Қайта» равиш сифатида қўлланганда ҳам ўзининг (қайтмоқ ўзагидан англашилган) маъноси билан потенциал боғлиқликка эга.

«қайта» равишдош формаси сифатида бошқаришга, бўлишсизликка ... эга бўлиш каби грамматик маъноларини йўқотган. Шу сўзнинг чиқиш келишиги аффиксини олган формаси гапда «бошқатдан», «янгитдан» каби маъноларни билдириш учун қўлланади. Тилда «қайтага» каби жўналиш келишиги аффикси билан ҳам ишлатилади: - Қайтага, Сўнагулга меҳрим Яна ҳам ошди. - Мен қайтага сизларни улуғламоқчи эдим (А.Мухтор).

Бунда «қайтага», «аксинча», «ҳатто» сўзлари англаган маъноларни билдиради.

Юқорида кўриб ўтган «қайта» ва «қайтадан» равиш сўз сифатида қўлланади. «Аксинча» маъноси учун қўлланган «қайтага» грамматик формасида келишик аффикси «қотган» (чунки келишик аффикси -га бошқа сўзнинг талабига кўра қўлланган эмас) деб баҳолаш мумкин.

8) «қолаверса» - (қола в(б) ер - феълнинг шарт майли формаси) гапда семантик ва грамматик маъноларини йўқотган ҳолда, ўз парадигмасидан, системасидан чиққан ҳолда кириш сўз сифатида қўлланади. Бундай кириш сўз сифатида қўлланган «қолаверса» феъл формаси қатор маъноларни англатади: Қолаверса, фашизмга қарши жанг қилгансан, оғайничалиш! ... Шуниси қизиқки, бу ҳол участкага бириктирилган милиция ходими, халқ назоратчилари, қолаверса, халқ кўнгилли дружиначиларининг гашига тегмаяптимикиан? («Тошкент оқпоми»)

«Қолаверса» гапда кириш сўз сифатида қўллаганда «айниқса», «бу томонини олганда», «хулоса қилиб айтганда» каби маъноларни билдиради. Лекин ҳар қандай ўринда ҳам «қолаверса» (кириш сўзи)дан англашилган сўзлар билан уни алмаштириш мумкин деб бўлмайди. Чунки (масалан, юқоридаги келтирилган гапларнинг иккинчисида) «қолаверса», «айниқса» ёки «Яна бу томонини олганда» каби маъноларни ҳам умуман англатса-да, уни шу сўз ёки конструкция билан алмаштириш гап мазмунидан нозик бир маъно оттенкасини йўқотади: ...Шуниси кизиқки, бу ҳол участкага биркитилган милиция ходими, халқ назоратчилари, айниқса, халқ кўнгилли дружиначиларининг гашига тегмаяптимикиан? (рус тилидаги «в конце концов» бирикмаси «қолаверса» кириш сўзидан англашилган маънога анча мос келади).

9) «айт» - феълдан ҳосил бўлган қатор формалар ҳам синтаксис хусусиятларини ўзгартирган ҳолда қўлланади.

а) «айтмоқчи» (айт+моқчи - 1) феълнинг мақсад формаси - форма намерения) формаси ўзининг лексик-грамматик (айтиш маъноси ва мақсад маъноларини назарда туғамиз) маъноларини сақламаган ҳолда қўлланиши мумкин. Бундай контекстда «айтмоқчи» «энди эс (ё)димга келди (тушди)», «ҳа энди топдим (эсладим)» каби маъноларни билдириш учун қўлланади. Русча «кстати» англатган маънолардан бирига ва «между прочим» каби маъноларга тўғри келади. Чоғиртиринг:

- Айтмоқчи, комиссия келиб кетибди. Дилбар бугун радиоузелдан ашула айтмоқчи.

Ота билан хайрлаша туриб, тортиниброк сўрадик: - Айтмоқчи, ҳамшаҳар ва ҳамқишлоқларингиз сизни нега «Амин бува» дейишади?

Юқоридаги гаплардаги (1-,3-гаплар) «айтмоқчи» формасини шу феълдан ҳосил бўлган «айтганча», «айтгандай» кабилар билан алмаштириш мумкин. Бу формалар ҳам феъл системасидан чиқиб кириш сўз сифатида ишлагилади. «Айтмоқчи» билан кейинги формаларни тилда қўлланишига кўра вариант деб баҳолаш мумкин. Тилда ҳар учала форма ҳам параллел қўлланаверади:

...Ҳа, айтганча, икки машинанинг шофери ҳам бор.

- Келмайман самоварни олинг. Чиндан ҳам энди унинг кераги йўқ уйга.

-Раҳмат болам. Хотира-да. Бўлмасам-ку... Айтгандай, чой қайнади.

б) «айтайлик» (айт+ай+лик) - «фараз қилайлик» маъносини англатиши мумкин. Бундай ўринларда «атайлик» кириш сўз деб баҳоланади. Юзаки қараганда, «айтайлик» қатнашган гап эргашган қўшма гапларга ўхшайди. Лекин «айтайлик» келишикларни бошқара олмайдилар / Ким? нимани? каби саволлар қўйиш ортиқча), шахс-сон кўрсатувчи аффикс (1 шахс кўплик) бирлик учун ҳам қўлланаверади. «Айтайлик» гапда кириш сўз сифатида қўлланиб, русча «предположим», допустим» кабилар англатган



маънони беради. Чогиштиринг: Айттайлик, бу таклиф завод маъмурияти томонидан маъқулланди. Дилбарга айттайлик, эртага бизникига келсин.

в) «айт» - феълининг «айтмайсизми» (айт+ма+й+сиз+ми) формаси ўз семантик маъносини йўқотиб, гапнинг формал кесими сифатида қўлланиши мумкин. Бунда «айтмайсизми» гапда фикр юритилаётган бирор предмет ёки ҳодисани ажратиб кўрсатиш, аҳамиятини таъкидлаш каби (модал) маъноларни билдиради. Форма ўз инкор маъносини ҳам сақламаган: Самарқанднинг университети, яна учта олий ўқув юрти ва деярли йигирмата техникумлари бор. Шаҳардаги элликта завод ва фабрикаларни айтмайсизми?

...Шоҳ - Қули Ғижжакий ва Ғулом Шодий каби улкан бастакорлар томонидан кўплаб яратилган янги-янги ажойиб куйларни айтмайсизми!

Жонли тилда худди шундай ўринларда «айт» феълининг айтинг» - II шахс буйруқ формаси ҳам қўлланиши мумкин.

г) «айтинг - айтинг» (айт- феъли, II шахс буйруқ формасининг такрори) гапда, феъллик системасидан чиқиб кетиб, кириш сўз сифатида иштирок этади. «Айтинг - айтинг» кириш сўз сифатида қўлланганда, шу гапдаги иш-ҳаракатнинг бўлиш-бўлмаслигига сўзловчининг тарафдор эканини кўрсатади ва «ишқилиб» англаган маънога яқин бир маънони билдиради. Бу сўз қатнашган гапнинг кесими III шахс буйруқ формасида бўлади (инкор ёки тасдиқ). Шундан кириш сўз вазифасида келган «айтинг-айтинг» формасида шахс маъноси бордек кўринади:

Айтинг-айтинг, Карима унинг «боши қотган, мушкул» масаласини хотинига айтиб қўймасин-да! Айтинг-айтинг, келмасин. Мангу «дам олиш» куйи.

Лекин шахс маъноси қотган бу форма II шахсдан бошқасида қўлланимайди, шахс маъноси умумлашган.

2. Иккинчи группа феъл формалари кириш сўз вазифасида келиб, лексик маъноси бир оз ўзгарган, лекин грамматик маъно қисман сақланган (лексик парадигма ҳосил қилмайди).

1) кел, келинг (кел - феълининг II шахс бирлик ва кўплик формаси, келаси замон, гапда кўчган ҳолда қўлланиб, кириш сўз вазифасида келиши мумкин:

Балиқ дермиш! - Мен зўр бойман,  
Қолишмайман Ҳотамтойдан.  
Кел, қийнама, қўйиб юбор,  
Яхшилигинг унутмайман.

Келинг, Эркин басталаган Есенин шеърларини ўқийлик. Бунда сўзнинг лексик маъно (келиш)си ўзгарган, мавҳумлашган абстракт маъно, лекин грамматик маъно (фақат шахс маъноси) сақланган. Лекин бу феъл

кириш сўз сифатида бошқа шахсда қўлланмайди. Кириш сўз вазифасида келган «кел, келинг» русча давай, давайте маъносига тўғри келади.

2) «шошма» (шош - феълининг II шахс бирлик инкор формаси). Бунда ҳам лексик маъно бир оз ўзгарган бўлади (яъни «фикран шошма» демоқчи).

Шошма Козимбек билан Саиданинг кечкурунлари отлик дала айланганликлари бежизмикин?

Баратов... кўчага чиққанда бирдан тўхтади: «Шошма», нима деди ўзи?

«Шошма» гапда кириш сўз сифатида қўлланиб, «энди эсимга тушди» деган маънони англатади. Шахс маъноси ҳам бошқачароқ бўлиб, I шахс ўзини II шахс ўрнига қўйиб «мурожаат» кетяпти. Худди шу вазифада «тўхта» сўзи келиши мумкин. Бунда Тўхта, Козимбек билан Саиданинг кечкурунлари отлик дала айланганликлари бежизмикин?

3) «қара»<sup>1</sup> феъли баъзи формалари ҳам ҳаракат маъносини йўқотиб қўмакчи, кириш сўз каби қўлланади. Шу қўмакчи, кириш сўз каби қўлланган формаларда лексик маъно жуда ҳам кам бўлса-да, сезилади.

«қараганда (қара+ган+да) икки предмет ёки ҳодисани солиштириш учун қўлланиб, «нисбатан» англатган маънони билдиради ва гапда қўмакчи сифатида қўлланади:

Кўпчилик кишилар, қора соч сариқ сочга қараганда тез оқаради, деб ўйлайдилар.

б) «қарамай (қара+ма+й) равишдош формаси ҳам гапда қўмакчи сифатида қўлланади. Бу форма ўзидан олдин келган сўзни жўналиш келишиги билан бошқариб, русча «несмотря на...» маъносига тенг маънони англатади.

Оғир уруш шароити бўлишига қарамай, колхоз икки йил деганда оёққа босди, райондаги илғор колхозлар қаторига кириб олди.

в) «қара» - феълининг қуйидаги формалари ҳам ўз семантик хусусиятини ўзгартиб кириш сўз каби қўлланиши мумкин.

Океанларда тумшуги нина каби ўткир, жажжи бир балиқ яшайди. Буни қарангки, ҳеч нарсадан топ тортмайдиган ақула шу балиқдан қўрқаркан. Қаранг-а, туни билан қўрак чувиб чиқардик-а...

Юқоридаги гапларда кириш конструкцияси ва кириш сўз вазифасида келган бирикма, сўз ўзи қатнашган гапдан келиб чиқадиغان қўшимча маъно (контекстда ажабланиш)ни кучайтириш учун келтирилган.

Баъзан бу феъл бирикма составида келиб, «бўлмаган гап» маъносини бериш учун ҳам қўлланади, гапда кириш сўз вазифасида келади. Гапни қаранг-у, бировни яхши кўриб қолса, ёмон йўлга кириб кетаварар эканми.

3. Бу группа сўзларда лексик маъно ўзгарган ҳолда сақланади, грамматик феъл формаси бошқа мустақил туркум сўзи сифатида

<sup>1</sup> К.Раҳмонбердиев «қара» - феъли ҳақида». «Ўзбек тили ва адабиёти» №5, 1966.

қўлланади. а) такрор йўли билан кўчган феъл формалари. Бунда феъл ўзаги такрор қўлланиб отга кўчиши мумкин:

Бирдан ур-ур, сур-сур бошланди. ур-ур, сур-сур - ур-, сур-, феълларининг II шахс бирлик тўполон маъносини англатади. Бу ўринда икки такрор жуфтнинг бири қўлланиши (ур-ур ёки сур-сур) ёки ҳар икки такрордан жуфт сўз ҳосил бўлиб, «ур-сур» тўполон маъносини англатаверади. Бу форма (ур-ур, сур-сур) такрор қўлланиб отга кўчган, гапда эга вазифасида келган.

«яраш» феълнинг такрор қўлланиши билан ҳам форма отга кўчади. «Самым распространенным видом перехода одной части речи в другую в узбекском языке, пожалуй, можно считать субстантивацию. Не только именные части речи или междометия, но даже глаголы, стоящие в повелительной форме, ... могут выступать как имя существительное».<sup>1</sup> Масалан, «яраш-яраш» - битим (сулх).

...Бу орада уруш тугаши, яраш-яраш бўлиши мумкин.

Бунда якка ўзакнинг ўзи ҳам (такрорсиз) шу битим (сулх) маъноларини бераверади, гап туюлади, лекин бундай эмас, лексик маъно ҳар икки ҳолатда ҳам бир, лекин «яраш» якка ҳолда от сифатида (якка ҳолда от маъноси учун инфинитив формасидагина қўлланиши мумкин) қўлланилмайди. Шунинг учун ҳам биз юқоридаги отга кўчган формаларда редупликациянинг роли бор деймиз.

«бўл» - феълнинг учинчи шахс ўтган замон формаси такрорланиб - жуфт ҳолда қўлланиши мумкин. Контекст кучи билан бундай такрор қўлланган «бўлди-бўлди» от каби вазифаларда келиши мумкин. Лекин бу форманинг такрори от сўзини бермайди. Ҳар қандай такрор қўлланган форма отлашади деб қараш ҳамма вақт ҳам ўзини оклай бермайдиганга ўхшайди.

«бўл» феълнинг III шахс ўтган замон формасининг такрори ҳақида гап борар экан, М.А. Асқарова бу ҳақда шундай дейдилар: «Бўл сўзи баъзан жуфтланиб, отлашади ва гапда айрим гап бўлаклари вазифасида қўлланади. Масалан: Мехмоннинг келди-келдиси, тўйнинг бўлди-бўлдиси кизик (А.Қаҳҳор).<sup>2</sup>

Бизнингча, юқоридаги гапда «бўлди-бўлди»нинг от каби қўлланишида такрорнинг роли йўқдек кўринади. Эгалик аффиксини олгани туфайли «бўлди» якка ҳолда ҳам худди ўша маъносини бераверади, лекин такрордан келиб чиқаётган (многократность действия) маъноси йўқоладигандек кўринади. Ана шу ишда «бўл» ҳақида шундай дейилади: «Баъзан жуфтланмай якка ҳолда қўлланган бўл сўзи ҳам отлашиши

<sup>1</sup> А.Г. Гулямов. К вопросу об адвербиализации в узбекском языке. (статья «Ученые записки», Ташпединститут, Филол. сбор. выпуск второй, Т., 1954, стр. 4)

<sup>2</sup> М.А. Асқарова. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари (Тошпединс. илмий асарлар. 42-том, 3-китоб, Тилшунослик масалалари. Т., 1964, 49-бет.

мумкин». Бўлмаганга бўлишма, эрта туриб айтишма (мақол)». «Бўл» якка қўллаганда ҳам отлашиши мумкин. Лекин «бўлмаганга» сифатдош формасининг отлашишини «бўл» сўзи билан изоҳлаш мумкин.

«Бўлди-бўлди» контекстда кўп воқеа бўлган ҳаммаси кимнингдек хоҳишига қарши бўлган» деган маънони англатади:

-Бўлди-бўлди, ҳамма бало Ҳамидаҳонга бўлди. Вохидни ҳам олиб кетишди. Завод ҳар икки кунда бир бугилиб турган эди. Энди бузилса тамом, тузатадиган одам йўқ. Бўлди-бўлди - менга бўлди.

Иккинчи гапда «бўлди-бўлди» «нима бўлган бўлса ҳам» бирикмаси билан алмаштириш мумкин.

Жонли тилда «бу (воқеа) бўлди, бу (воқеа) бўлди» - ҳаммаси менга бўлди» каби ҳам қўлланади.

«Бўлди-бўлди» қўлланган гапда эга атоқли от ёки олмошлар билан ифодаланган бўлса, бу такрорий сўз «унинг фойдасига бўлди» маъносини бериш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Мисол:

-Бўлди-бўлди Тошмат бўлди. Баъзан шу маънони кучайтириш мақсадида «бўлганда-бўлди» варианты ҳам қўлланади.

Бўлди-бўлди, бўлганда Тошмат бўлди. Юқоридаги маънони янада кучайтириш, таъкидлаш учун, кайсидир шахсни шу билан боғлиқ ҳолда ажратиб кўрсатиш лозим бўлган ўринларда «бўлгандан» формаси қўлланади.

Бўлди-бўлди, бўлгандан Тошмат бўлди. Бундай қўллашлар кўпроқ жонли тилга хосдир. «Бўлди» (III шахс ўтган замон) гапда кириш сўз сифатида қўлланиб «бас», «етарли» каби маъноларни англатади:

-Хиваданмисан ўзинг? Уни ахир ҳамма билади-ку! Жуманазар мерганни эшитганмисан?

-Э. бўлди, эшитганман, - дедим чолнинг жаҳли чиқиб кетаётганини кўриб.

III шахс ўтган замон аниқ даражадаги феъл ҳам такрор йўли билан жуфт ҳолда қўлланади. «Бос» - феъли шу формада такрорланиб, составли кесимнинг от элементи каби қўлланади.

Зулфикаров устидан тушган аризани Қаландаров бости-бости қилди, райком секретари ўртоқ Қодиров уни қўлади.

«Бости-бости» составли кесимнинг (от+феъл) биринчи компоненти сифатида қўлланиб, феъл билан бирга «махфий йўл билан тинчтиди» маъносини англатиш учун қўлланади.

«Бориб» «бор» феълнинг равишдош формаси такрор қўлланиб, «кейин», «охири», «кейинги пайтларда» каби маъноларни англатади. Такрор қўлланган равишдош формаси бошқа туркумга кўчади. Лекин ҳар қандай ўринда ҳам такрор қўлланган равишдош формаси бошқа туркумга кўчавермайди, балки ҳаракатнинг давомийлиги, такрорийлиги (многократность действия)нигина билдириши ҳам мумкин. Бориб-бориб

тангадек жойни олади (топишмоқ- «хасса»); кулиб-кулиб гапирмоқ. Гапда бундай форма ҳол вазифасида келади (равишдош такрорланиб равиш ясалади-ку!) Юқоридаги гаплардаги равишдош формаларида лексик маъно сақланган. Бинобарин, бу гапларда «бориш» давом этиши, «кулиш»нинг такрорланиши берилган. Баъзан шундай равишдош формалари учраши мумкинки, лексик маъно ўзгариб, грамматик хусусиятлар ҳам бу формада «тораяди».

Бориб-бориб хавотирларим тўғри чикди.

Бориб-бориб иккимиз ҳам уни орзикиб кутадиган бўлдик.

Юқоридаги гаплардан «бориб-бориб». «охири», «кейин» каби ўзгарган маъноларни беради «Бориб-бориб»га антоним сифатида «келиб-келиб» («келиб-келиб» гапда энди) равиш сўзи англлатган маънони беради» такрори қўлланади. Такрор қўлланилаётган форманинг маъносини Яна ҳам кучайтириш учун бу форма билан бирга у англлатган маънони ифодаловчи сўз ёнма-ён келтирилади: -Ҳой, сен бола, нима деясан? Синнисолим шу ерга келганда, келиб-келиб энди сенга майна бўлиб қолдимми, болам.

Гапда соф феъл формалари ҳам жуфтлашиши мумкин. Бундай формалар кўпинча отга кўчади. Шунинг учун ҳам соф феъл формаси исталган вазифада келиши мумкин. Булардаги маъно (жуфт сўзнинг икки компонентидан) умумлашган бўлади. Умумлашган маъно сўз (компонент)ларнинг асл лексик маънолари билан изоҳланади. Компонентларнинг лексик маънолари жуфт сўз ҳосил қилишда катта аҳамиятга эга. Чунки маъно томондан - бир-бирига алоқадор (зид маъноли ёки маънодош сўзлар) бўлган феълларгина жуфт ҳолда қўлланиб отга кўчиши мумкин: Ўша қуни хужрага палос ёйилди, жиҳозлантирилди, хуллас кирди-чикди кўпайди. «Кирди-чикди», антонимик муносабатдаги сўз (компонент)лардан иборат бўлиб, гапда эга вазифасида келган. Баъзан бу сўз ўрнида «келди-кетди» жуфт сўзи ҳам қўлланиши мумкин. Лекин бундай қўллашда маънода нозик фарқ бўлади. «келди-кетди»ни яқиндаги одамлар учун ҳам, узокдаги одамлар учун ҳам қўллавериши мумкин. Лекин «кирди-чикди» яқин қўни-қўшниларни назарда тутиб айтилади: келди-кетдига жуда яхши-да! ...балки келди-кетдиларнинг оёғи товсалишини кутар.

«чи» феъли абстракт маъносида «қўй» феъли билан III шахс ўтган замон аниқ даража формасида жуфтлашиб, «ажралиш (развод)» маъносини англлатади:

...Шунинг учун ҳам оролда қўйди-чикди деган гап йўқ.

Қўшчинорда никоҳ тўйи катта байрам, қўйди-чикди - аза! (А.Мухтор) «бор» ва «кел» феъллари ҳам III шахс ўтган замон формасида жуфтлашиб икки процесснинг умумий номи сифатида қўлланади:

Уруш тамом бўлса, борди-келди қиламиз деб эдик.

Хулкар ҳам Чулноной билан борди-келди килади. «Борди-келди» юқоридаги гапларда составли кесимнинг от компоненти сифатида ишгирок этади. «Борди-келди» сўзи турғун бирикмада аниқловчи вазифасида ҳам келади:

Она кейин кўникиб кетса ҳам, даставвал оилада анчагина борди-келди гаплар бўлиши турган гап.

Баъзан шу турғун бирикманинг аниқланмиши тушган ҳолда ҳам қўлланиши мумкин. Бундай ўринларда «борди-келди», «нохушлик» маъносини англатади, бу маъно контекстдан - гапдаги сўзларнинг маънолари ёрдамида очилади.

«Борди-келди» контекстда «ҳаражат» маъносини ҳам англатиши мумкин:

Қори Зокир томонидан борди-келдиси кира килинган бу гумбур соябонли арава уйғур қишлоғининг харобаларидан ўтди...

Бу гапда «борди-келди» аслида «...борди-келдининг харажати».

Шуни айтиб ўтиш керакки, «борди-келди» узокроқдаги бир «объект» билан муносабат қилиш процессининг умумий номи бўлса, яқин учун «кирди-чикди» қўлланиши мумкин.

Ўша кун и хужрага палос ёйилди, жиҳозлантирилди, хуллас кирди-чикди кўпайди (А.Қаҳҳор).

Баъзан «кирди-чикди» меҳмон маъноси учун қўлланганда, унга синоним сифатида «келди-кетди» (бунда ҳам орадаги масофада фарк бўлади) қўлланади.

Келди-кетдига жуда яхши-да!

...балки келди-кетдиларнинг оёғи товсалишини кутар.

Бу гапда «келди-кетди» жуфт сўз холида от каби вазифаларда келган.

Даражаланган (нисбат-даражага аффиксларини олган) феъл формалари ҳам жуфтлашиб кўчган ҳолда қўлланиши мумкин.

Ишдан келиб уйни супир,

Кекайсанг энкаймоқ осон,

Хотин пишир-кудир билан

Токай уй ичра сен товон?

Бу гапда «пишир-куйдир» қозон-товок маъносида от келган.

Биз жуфт феълларнинг ҳаммаси от бўлган. Феъл, соф феъл жуфтлашиб сифатга ҳам ўтиши мумкин. Бу ўтиш от орқали эмас, балки тўғридан-тўғри феъл туркумидан жуфтлашган соф феъл формаси сифат туркумига ўтади: куйди-пишди. Бу сифат фақат жонлиларга, асосан одамга нисбатан қўлланиб «тиниб-тинчимайдиган» маъносини англатади.

Биз соф феъл, яна бошқа феъл формаларининг маълум контекст ва ҳолатларда бошқа сўз туркумларига ўтган, синтактик функцияларини ўзгартирган ўринларни кўриб ўтдик. Буларнинг кўпчилиги грамматик

бирликкина эмас, балки лексик бирлик сифатида луғатларимиздан ўрин олган.

Соф феъл баъзан контекстда от каби қўлланади. Бундай от каби қўлланган соф феъл предикативлик хусусиятини йўқотади. Лекин бундай қўлланган соф феъл формасида ҳаракат маъноси сақланган бўлиб грамматик форма ўз функциясини бажармайди. Бунда кўчиш ходисаси рўй беради. Бундай кўчиш контекстнинг ўзидагина бўлиб тилшуносликда окказионал кўчиш деб юритилади. Шундай ҳодиса туркий тилларда ўзбек тилида ҳам учрайди. Масалан, буйруқ майлидаги феъл формаси контекстда отга кўчиши мумкин: -Ойижон, нима қиялпсиз?

- Ўл қиялпман, дард қиялпман.

«Ўл» гапда тўлдирувчи вазифасида келган замон маънолари аниқ бўлган соф феъл формаси ҳам контекстда отга (оказионал) кўчиши мумкин. Контекстда бундай кўчган феъл формасида замон шахс-сон маънолари сақланган бўлади. Шунга қарамай, соф феъл формаси эгалик ва келишик аффиксларини олиб гапда от бажарган функциялардан бирида келади. Соф феълнинг контекстда (оказионал) кўчиш ходисаси диалогларда кўпроқ учрайди: -Мен энди кетаман.

- «Кетаман»нингни қўйиб тур (жонли тилда)

- Келинг, дўстлар, турмушдан

«Овайлик»ни қувайлик.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, соф феълнинг ва бошқа феъл формаларининг специфик функцияларидан бошқа функцияларда қўлланиши ўша феълнинг семантик редукцияси, шунингдек грамматик кўрсаткичлардаги асл ҳолатнинг ўзгариши (жуфтлашиш, редупликация) сўз туркумининг кўчиши каби ҳодисалар билан боғланган бўлиб, бу ҳодиса маълум конкрет феъллар, уларнинг маълум формалари билан чегараланган.

Ҳар қандай феъл формаси, соф феъл -o'erbun: initum ҳам ўзбек тилида контекстда кўчган ҳолда исталган синтактик функцияни бажариши мумкин экан.

Dr.Aziz B. Djuraev

## THE SOCIAL LIE AS A CENTRAL CONCEPT FOR RESEARCH TOPIC “POLITICS, POWER, AND SPEECH”

Language is a political tool. This can be most clearly seen when the political reality changes rapidly and drastically, as it has in the former Soviet Union. To reflect and promote the new political reality, different lexemes come into use. Words and concepts that, previously, were positively evaluated becomes negatively colored and words and concepts considered negative acquire a

positive meaning. An examination of Uzbek newspapers documents this phenomenon.

Studies investigating the links between language, politics and power have focused primarily on Western materials (Bachem, 1979; Bergsdorf, 1978; Corcoran, 1979; Dieckman, 1981; Klemperer, 2000; Maier, 1977). Certainly in the case of the former Soviet Union, almost all of the attention has been paid to Russian language materials (Young, 1991, 125-211; Stephan, 1991), there is a dearth of material on the Turkic languages. This study seeks to make a small contribution toward rectifying this imbalance.

The relationship between language, politics, and power is complex and total agreement on the scope of this topic, its terminology, its techniques and approaches, has not been achieved. The goal of our work will be to study language as a basic component of socio-political activity, a means of realizing social dominance. Language serves as a means of achieving power because it has such a strong effect on human consciousness and will. Thus, it can subjugate and persuade (Blacker, 1987, 88-125). In this process, word choice is important, as is the use of other linguistic means. Our study will thus examine both lexicon and literary device as aspects of the language of political and social dominance, or attempts to achieve such dominance.

Philosophers, historians, and political scientists have long noted that politics and the exercise of power need both openness and secrecy, truth and lies (Dunham, 1947, 294-295; Nietzsche, 1968, 79,158,293n; Machiavelli, 1995,117-118). In the past, the concept of the lie was examined from the philosophical point of view in relationship to the concept of truth (Aristotle, 1963, 88; Джемс, 1904; Воловик, Дроздова, 1965;Селиванов, 1972, Михайлов, 1979; Липский, 1988; Grunebaum, 1953, 19; Armor, 1969; Barth, 1976 et.al). Currently, the concept of the lie has become important to sociolinguistics (Болинджер, 1987, 23-43; Вайнрих, 1987, 44-87;Вендлер, 1985,243-244; Николаева, 1988, 154-165; Becker, 1988; Yokoyama, 1988). L.Gumiliev distinguishes two types of lies: individual lies and social ones (Гумилев, 1990, 470). We will use Gumiliev's distinction in our study, focusing primarily on lies, which operate in social sphere.

Social lies are the means of influencing mass consciousness that are used by an individual, a group, or groups which hold the position of power.<sup>1</sup> The deliver false information, information which either does not correspond to reality or distorts reality so as to make it correspond to the social and cultural sphere.<sup>2</sup> They are a means of achieving the goals of the person or persons in power. The nature of these goals and the intent, which produces a social lie, are extremely important. If these are benevolent and constructive, the social lie may be

---

<sup>1</sup> Aristotle. *Ethics*. Ed and trans. by John Warrington, New York and London, 1963.

<sup>2</sup> Armor, L. *The Concept of Truth*, London, 1969.



positively evaluated by history. Similarly, a destructive social lie can be judged negatively.

Lies in social life and in social thought have reason and purpose and these can be traced over time. In all likelihood, lies were first motivated by social fear. Fear may also have served to prevent lying, but this is not the topic of this study.<sup>1</sup> Other reasons for lies may have been strong faith or belief. In this case, lies may have been both the cause and the consequence of fear.<sup>2</sup> Social fear introduces lies into social life and the lies bring with them social duplicity.<sup>3</sup> Another way to articulate this sequence would be to postulate that the drive to social life, formed on the basis of a herding instinct, is basic to human nature. This drive led to the formation and development of feelings of power and submissiveness within the social unit. At any time, there were always more people in submissive positions than in positions of power and, as a result, submissive feelings have developed into some of the strongest of human social emotions. Feelings of worship, subservience, servility are part of the drive toward submissiveness (Nietzsche, 1968,127,276,488-489). Because the drive toward submissiveness was so strong and well developed, rulers or people in positions of power, could not ignore it, even if it were alien to them, and had to deal with it on a regular basis. If we add to this the fact that any exercise of power requires, of necessity, alienation from the people, then we see how the drive toward submissiveness would play into the hands of those in power. They might even find it useful in concealing their alienation from the masses. To fight or conceal alienation, even rules might internalize some of the drive toward submissiveness.<sup>4</sup> And, since submissive feelings would be so at odds with the feeling and exercise of power, they might lead to the development of moral and ideological duplicity in the minds of people in power.

It should be noted that there is a tendency for political ideology and especially the ideology of a political party to form a closed unit. This has encouraged the perception that politics is a separate reality. Lack of coincidence between political and objective reality has in turn encouraged the introduction of artificial elements into politics, elements of play, even of performance. But performance requires an audience. Only an audience permits full realization of the separate political sphere. By the same token, an audience can turn the closed reality of a performance into an open reality, one accessible to the many, rather than the few. Thus politics functions as an interplay between the actors, the politicians, and their audience, the masses. The political is evaluated by the audience, not the actors and, thus, politicians have sought to win the love and

---

<sup>1</sup> Bachem, K. *Einführung in die Analyse politischer Texte*. München, 1979.

<sup>2</sup> Barth, H. *Truth and ideology*. Berkeley, 1976.

<sup>3</sup> Becker, W. *Wahrheit und sprachliche Handlung*. Freiburg, 1988.

<sup>4</sup> Bergsdorf, W. *Politik und Sprache*. München, 1978.

sympathy of the people, using all possible means at their disposal, including lies.<sup>1</sup>

Lies and duplicity came to characterize the ruled as well as the rulers. Observing the behavior of their leaders and reacting to historical traditions, the masses might use duplicity to conceal their desires for power, for social position, for wealth. These desires could not be expressed openly for fear of retribution or for fear that the desires might not be realized. There is an interesting link between fear and prophecy that facilitated the introduction of duplicity into social thought (Яснец, 1991, 162). Just as the living protected themselves from the dead and from all that was beyond human comprehension, so, in many senses, people tried to protect themselves from the future and the past, creating their own present.<sup>2</sup>

Duplicity necessitates its opposite. All along, both those in power and those in subservient positions have been vitally interested in the opposition between lies and the truth. Rulers are interested in the lives of their subjects and want to discover those elements that threaten their lives, as well as anything that might threaten their system of control over their subjects. The masses are vitally interested in the degree to which the decisions and the edicts in power are geared to what is best for the people. Bolinger has stressed the need to examine truth and lies together as complimentary linguistic problems. He suggests that everything which the speaker perceives as coincidental with his actual intent is truth and that everything which serves to obscure the channel of communication, if it is intentional and not accidental, is a lie (Болинджер, 1977, 30). In other words, intent to conceal the truth is crucial in determining what is a lie. Social lies are often achieved by cognitive linguistic means: pejorative coloration or word choice, even metaphor. They are achieved through demagoguery, presupposition, especially preposition that obscures intent, through devices that make the context progressively abstract, and so forth.<sup>3</sup>

We know from the history of politics that political forces influence social phenomena. We also know that the political unit, which achieves social affect, gains the opportunity to read the past in its own way. It can then evaluate the past as it sees fit and also interpret the present and the future in ways compatible with its mission and goals. The simple act of naming, when done from a position of power, can impact the popular attitude toward a newly named or evaluated, or newly reevaluated, phenomenon, person, or object. Thus, the growth of commerce in Uzbekistan in the 1980's and 90's has sharply curtailed the use of word such as *олибсотар* 'a person who buys and resells goods' and *чайқовчи* 'speculator' in official public life. Both of these have a negative coloration, which made them incompatible with the new positive attitude toward

<sup>1</sup> Corcoran, P. Political language and rhetoric. Austin, 1979.

<sup>2</sup> Dieckmann, W. Politische Sprache, politische Kommunikation. Vortrage, 1981.

<sup>3</sup> Dunham, B. Man against Myth. Boston: Little Brown and Co., 1947

commercial transactions. Certain other words did not fall out of usage, but lost their negative meaning. An example of this phenomenon is **савдогар** 'merchant'. This word is the title of a newly created Uzbek periodical. Other examples include: **савдогарлик – покиза касб** 'being a merchant is a honest profession' (the title of an article appearing in the periodical «Савдогар» on January 13, 1993), **савдогарнинг саккиз фазилати** 'the eight qualities of a merchant' (also the title of an article from the same publication).

Interestingly, while the press is trying to neutralize the negative flavor of the word **савдогар**, this word remains pejorative in public usage. Witness the following conversation recorded by the author in the Alaibozor (marketplace) in Tashkent at the end of 1993. A man enters a pawnshop and informs clerk that he wants to leave his watch. The clerk asks: **Қанча сўрайсиз?** 'How much are you asking for it?'. The man answers: **Саккизта** 'Eight' (presumable meaning eight thousand sum-coupons). At the point another man approaches the two and says: **олти минг бераман** 'I will give you six thousand'. The man who is seeking to pawn his watch gets insulted and responds: **Эй, мен савдогар эмасман, уки, ўзи пархи саккиз минг** 'Hey, I am not a merchant, brother, its actual price is eight thousand'. By using the phrase **мен савдогар эмасман** 'I am not a merchant' the man selling the watch wanted to express that he was honest and not the sort of bad person who would buy something at a cheap price and ask a high price for it.

Changes in ideology have brought changes in the set of words and phrases regularly used in socio-political texts. The old set of **ленинча анъаналар** 'the traditions of Lenin', **ўртоқ** 'comrade', **социалистик мусобақа** 'socialist competition', **ишчилар синфи** 'working class', **коммунистик партия** 'communist party', **совет халқи** 'the Soviet people', **беш йиллик план** 'five year plan', and so forth have been replaced by words such as **жаноб** 'gentleman, sir', **юртбоши** 'the head of a country, president', **хоким** 'the head of a city, district or regional administrative unit', **вазир** 'minister' (during the Soviet period, this word was used primarily in Uzbek folktales and thus the association between this word and the court of the padishah has not disappeared from public consciousness), **мустақиллик** 'independence', **истиклол** 'independence', **Оллоҳ** 'Olloh' (the Muslim word for God), **тадбиркор** 'entrepreneur', **тижорат** 'commerce', **бозор иқтисодиёти** 'market economy' among others.

These changes have created a sharp contrast between the morals of the past and those of the present. Public consciousness perceives the two ideologies as contradictory. The fact that a drastic shift in the contextual evaluation of a whole set of concepts occurred over a short span of time means that a perceptual conflict was inevitable. Whether the social ideas in question were already formed or in the process of formation, the attitude toward them and the evaluation of them became, of necessity, contradictory. The high degree of contradiction is attested in printed sources. See, for example: **Улуғ Октябр**.

социалистик революциясининг шонли 71 йиллиги 'The Glorious Seventy-first Anniversary of the October Revolution' ("Тошкент окшоми", 1988, №255) and its almost exact opposite: 1917 йилги Октябрь тўнтариши 'The October 1917, coup d'etate' ("Савдогар", January 13, 1993).

See also: Улуғ Октябрь кўёши 'The Sun of the Great October' ("Тошкент окшоми", 1988, № 255) and Занжирбанд этилмиш ижтимоий онг 74 йил мобайнида битта қозик атрофида айланди. Қозикнинг номи Ленин таълимоти эди 'Public consciousness was chained and, for 74 years, revolved around one stake. The name of that stake was the teachings of Lenin' ("Ватан", 1993, № 27). Compare: дохийимиз Ленин 'our leader Lenin' ("Тошкент окшоми", 1988, № 255) and қизил империя. 'The red empire' "Тошкент окшоми", 1992, № 157) or: жонажон Коммунистик партияимизга, Совет ҳукуматига чексиз меҳр-мухаббат 'boundless love toward our dear Communist party, toward Soviet power' ("Тошкент окшоми", 1988, № 255).

It is noteworthy that the press itself acknowledges the existence of a double standard in the people's consciousness and is aware of the contradictions, which result from this double standard. How the press attests and evaluates these is distinctive. Compare the following passages:

■ Яна бир гап, кечаги «Ленин бобом»ларни, «Юлдузчам»ларни яратган шоирлар бугун «Истиклолим – истикболим» деб куйласалар, ишонмоқ керакми, ёки, эй оғайни, Сиз энди пича жим туринг, даврингиз ўтди, деб сал инсофга чақириб қўйиш лозимми? 'And one more opinion: if those poets who yesterday composed (song such as) "Grandfather Lenin" and "Little Star" now start to sing "My Independence is My Future", should we believe them, or should we take them to task? Should we say to them: "Listen, friend, your time has passed. You need to be silent for a while' ("Ватан", 1993, № 18);

■ Мустақиллик даври ёки бугунги ўтиш босқичи ҳақида ҳам ҳар кимнинг ўз фикри, хулосаси мавжуд. Биров яхши бўлди, ажаб бўлди, зап бўлди, дейди, қувонади. Биров ёмон бўлди, расво бўлди, тирикчиликнинг мазаси қочди, дейди, афсус чекади. Бизнинг авлод, шахсан мен, "замон қизикарли бўлиб қолди", дейман 'Everyone has his or her own opinion about the period of independence or about the current transitional period. Some find it good, find it laudable, find it excellent, and are glad. Some find it bad, find it destructive; they find life unbearable and are full of regret. I can personally say about our generation that we "live in interesting times" ("Миллий тикланиш", December 5, 1995, № 26);

■ Хоразмда қишлоқ оқсоқолини «шўро» деб аташ ўша совет замонида урф бўлган эди... Афсуски, Хоразмда қишлоқ фуқаролари йиғини раисини ҳамон «шўро» деб аташмоқда 'Became a habit to call the village elder "shuro"(soviet) during the Soviet period in

Khorezm...Unfortunately they are still calling "shuro"(soviet) the head of the village citizens board in Khorezm ("O'zbekiston ovozi", July 6, 2002, № 84).

We propose that the systematic study of the contextual evaluation of a whole series of concepts in socio-political texts, and also in the consciousness of various social groups, would shed light on many aspects of sociolinguistics, including those related to study of social lies and deceit.

#### CONCLUSIONS

1. Social lies are essential to the socio-political life of any society. The social lie, in and of its own self, cannot be considered a negative phenomenon, or a positive one. What matters is the purpose for which a specific social lie is used. From the point of view of sociolinguistics, social lies are a convenient topic for study. They can be confronted head-on and examined in their positive, negative, and neutral evaluations and in various social strata.

2. Additional topics for study might include the forms which social lies assume (their ontology) and also their origin or genesis. They might include the evolution of social lies and their change or, alternatively, their justification. They might also include the role that the linguistic possibilities of a particular language, or the presuppositions of a particular era, play in the process of change.

#### EDNOTES

1.The social lie has two aspects: process and content, the latter meaning the false information itself. R.M.Blacker, who investigated language as a means of power, suggested distinguishing such concepts as the means of power and the position of power (Блакар, 1987, 121, footnote 26). According to him, in order for language to be the means of power, the person or persons using the language have to be in a position of power. The position of power usually entails official status, relationship to the subordinate, and so forth.

2.Social lies do not include linguistic nonsense, which must be viewed as a separate concept, see: *Философский словарь*, 1981, 189; compare: Ekman, 1985, 26-27.

3.Fear, such as the fear of God in many religions, may also serve as a disincentive to lies. See: Ницше, 1990, II, 561 for a discussion of religious faith as a preventative to lying. About fear in the modern Uzbek society see: Тохтаходжаева, 2001, 183-184.

4.Lies may be innocent of deep faith or earnest belief in something, see: Ницше, 1990, II, 350. For this reason, it is useful to distinguish conscious lies from unconscious ones. Truth, on the other hand, must always be conscious; it must involve the active and conscious effort of the speaker. See: Болинджер, 1987, 30; *Философский словарь*, 1981, 189.

5. Social duplicity is one of the most wide-spread forms of the social lie. See: Гегель, 1990, 185-186 for a discussion of duplicity in connection with various motivations and lies.

6. For a discussion of the necessity of false values see: Nietzsche, 1968, 151. Morality is a necessary lie and it is likely that religion, ideology, and law are all, to a certain extent, necessary lies because all are united by a degree of spiritual necessity. Scholarship also comes under this category, if it defends preconceived ideas, ideas which do not correspond to reality.

7. Herman Kesten has formulated a catalogue of all the types of people whose professions force them to lie. They are theologians, politicians, prostitutes, diplomats, poets, journalists, lawyers, artists, actors, counterfeiters, stock traders, cooks, judges, doctors, gigolos, generals, chefs, and wine merchants. It should be noted that politicians hold the second position on this list. See: Schwierigkeiten, 1964, 84. A. Pease also put together a list of those who develop the art of lying in reaction to demands of their professions. This list includes judges, actors, and television announcers. See: Пиз, 1992, 21.

8. This is the reason that the elderly tend to favor the company of their peers and children, the company of other children.

9. In studying lies, whether on the individual or the social level, there is a basic theoretical problem linked to use of literary device. In every language, there are certain expressions that have the character of devices even though they are not. There are lexemes and expressions where what is expressed does not correspond to reality, even though no intent to lie is contained therein. Take, for example, the Uzbek expression **кўш чикди** 'the sun came out'. In reality, the sun goes nowhere. Such expressions, their formation, and their history, as important and interesting as they are, must of necessity be left to future scholarship.

Р.Сайфуллаева, С.Ирназарова  
ЎЗМУ

## ЎЗБЕК ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ ТАЛҚИНИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР ҲАҚИДА

Қўшма гап муаммоси жуда узоқ тарихга эга. Ўзбек тилшунослигида устоз Ф.Абдураҳмонов, М.Асқарова, Ф.Убаева, А.Мамажонов, С.Аширбоев, К.Назаров, М.Наримонова, С.Равшановалар қўшма гап таълимотини яратишда ва мукаммаллаштиришда катта ҳисса қўшган олимлардан. Бу таълимотда содда ва қўшма гап асосига эга

олинган эди<sup>1</sup>. Содда ва қўшма гаплар таълимоти рус тили орқали ғарб тилларидан кириб келган қолиплар асосида ишланди ҳамда ривожлантирилди<sup>2</sup>.

Олимларнинг таъкидлашича, бу давр ўзбек тилшунослиги тараққиётида муҳим бир босқич эдики, унинг заминида шаклий – вазифавий йўналиш, яъни она тилимизни «туркона» тадқиқи учун йўл очилган эди.

Устоз проф. Ҳ.Неъматов қайд этганидек, «Ўзбек тилшунослиги тадқиқ ва таҳлил бирликлари ва усуллари ўз миллий тили хусусиятлари асосида баҳолашга 80–йилларда қадам қўйди – асосий лисоний birlikларнинг туркона табиатини очиқ ва шу асосда туркий тилларни тавсифлашга жаҳонда мисли бўлмаган грамматик қурилиш талқинини, туркона, туркий руҳ билан йўғрилган янги грамматикани яратишга киришди»<sup>3</sup>.

Бу давр жамиятимиз, хусусан, олимларимиз учун ҳам Муस्ताқиллик кенг имкониятлар яратиб берган давр бўлди. Фан сифатида ўзбек тилшунослиги ўз ривожига янги босқичга ўтди.

Ўрта ва ўрта махсус, олий ўқув юрталари талабалари учун она тилимиз миллийлигига асосланиб, дастур, ўқув қўлланмалар дарсликлар яратилди ва яратилмоқда. Олимларимиз грамматикамизда мавжуд бўлган зиддиятли ҳолатларни бартараф этмоқдалар, уларнинг айримлари эса ўз тадқиқини кутмоқда. Бу зиддиятли ҳолатларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

- а) ўзбек тили грамматикаси талқинидаги ва
- б) ўзбек тили грамматикаси талқинидан четда қолган муаммолар. Проф. Р.Сайфуллаева ўзбек тили грамматикаси талқинидаги ўн иккита муаммони қайд этган эди<sup>4</sup>. Булардан айримларига кенгроқ тўхталиш мақсадида миз:

1. Ағъанавий синтаксисимиз таҳлил асосининг методологияси тил ва нутқ ҳодисаларини, яъни имконият ва

<sup>1</sup> Абдураҳмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси Т., 1958; Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Т., 1960; Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. 2–жилд. Тошкент, 1976. ва б.

<sup>2</sup> Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тараққиёти. // Ж. Ўзбек тили ва адабиёти. 2001 й. № 4; Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. Т., 2003 й.

<sup>3</sup> Неъматов Ҳ., Профессор Ш. У. Раҳматуллаев ва тилшунослигимизда структурал тадқиқотлар. Шавкат Раҳматуллаев – атоқли тилшунос. Т. 2006. 20–6.

<sup>4</sup> Сафуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма форма – функционал талқини. Т., 1994 й.

воқелик, умумийлик ва хусусийликларни фарқламаганлиги сабабли нутқ ҳодисаларини (яъни бевосита кузатишда берилган оғзаки, ёзма воқеланган ҳодисаларни) ўрганишга алоҳида эътибор беради. Тилда имконият нутқга назаридан ўзаро алоқадор бўлмаган ҳодисалар нутқда нутқий боғланишларга киришиши мумкин. Чунки, иккита ўзаро боғланмаган, мустақил гапларни олиб кўрайлик:

1. Бизнинг оиламиз катта.

2. Биз аёлмамдиз.

Қурилиши, тузилиши ва барча бошқа хусусиятлари жиҳатидан мустақил бўлган бу гаплар ўзаро мазмундошликка эга. Ва бу мазмундошлик оила, катта, аёлман сўзларининг маъно алоқадорлиги асосида юзага чиқади. Бу гаплар орасида синтактик қурилиши жиҳатидан боғланиш, синтактик алоқадорлик ҳар иккала гапларнинг ҳам кесими от (кенг маънода) билан ифодаланган икки составли гаплар эканлигидадир. Лекин нутқда ёнма—ён келган бундай икки гап маълум бир нутқий боғланишлар ҳосил қилиши мумкин. Синтаксисимиз тил ва нутқ ҳодисаларини йўл—йўлакай фарқлаганлиги учун бундай нутқий боғланишни тил сатҳига кўтариб чиқди. Чунончи, Биз аёлмамдиз. Оиламиз катта. Қиёсланг, масалан, Тешабойга тўққиз жон қарар, олти боласи бор. Аёлман. («Муштум»). Келтирилган мисолда иккита гап орасида мазмунан боғлиқлик мавжуд, лекин бу боғлиқлик синтактик босқичда эмас, балки мазмун босқичидадир. Синтактик қурилишга бу боғланиш алоқадор эмас. «Иловали конструкциялар» сифатида синтактик нутқга назардан боғланган бу ҳодисалар том маъносида гап доирасида юз берадиган ҳодиса эмас, балки матн (текст) доирасида содир бўладиган нутқий ҳодисалар ҳамда матн таҳлили—микротекст қурилишига оид ҳодисалардир. Шу боис булар гап қурилиши ҳақидаги таълимотда эмас, матн назарияси—микротекст ҳақидаги таълимотда таҳлил этилиши керак.

• «Бўстон» жамоа хўжалиги раисасининг ўғли нутқда қўлланган «Онам билан учрашдим» ва «Бўстон» жамоа хўжалигининг раисаси билан учрашдим» гапларида «Она» ва «Бўстон» жамоа хўжалигининг раисаси» бирикларининг нутқий (контекстуал) синоним эканлиги шудасиздир. Лекин ҳеч бир тилшуновият ҳаёлига ўзбек тили сатҳига «Она» сўзининг синоними сифатида «Бўстон» жамоа хўжалигининг раисаси бирикмасини бериш келмайди, чунки бу соф нутқий ҳодисадир. Лекин «Оиламиз катта. Аёлмамдиз» каби икки мустақил шакланган гапларни иловали конструкциялар ёки изоҳловчи гапга гаплар сифатида боғлашда синтаксисимизда ҳеч қандай тўсиқ йўқ.




2. Синтаксис сўзлар бирикмаси ва гап қурилиши ҳақидаги таълимот деб баҳоланади, лекин кўшгина ҳолатларда амалий синтаксис таълим жараёнида шакл (форма), вазифа (функция), мазмун (содержание), тузилма (структура) тушунчалари бир-бири билан қориштирилади. Бунинг ёрқин намунасини юқорида келтирилган муаммода кўрдик. Бундан бошқа ҳолатларда, хусусан, кесим шаклини белгилашда "шакл", "вазифа" ва «қурилиш» тушунчалари аралаштирилади. Чунончи, биринчи моддада кўрганимиздек, содда гапнинг кесими, албатта, шахс – сон, майл, замон қўшимчалари билан шакланган бўлиши зарур, қўшма гап кесимларида эса бундай белги нозарурга айланиб қолади. Ёки қўшма гапларни содда гаплардан ажратишда иккита эга (субъект) бўлиши шарт деб тан олинса, биз учратган «қиз келди» гапида эса бу асосдан воз кечилади. Шунингдек, «Салим келди, эшикни очди» гапи содда гап деб, «Салим келди, ўзи эшикни очди» гапи эса, қўшма гап деб ҳисобланади. Ваҳоланки, бажарувчилар – битта. «Ўқитувчи келди, натижада дарс бошланди» натижа эргаш гапли қўшма гап. «Ўқитувчи келди, чунки дарс бошланди» эса сабаб эргаш гапли қўшма гаплар деб саналади. Гарчи бу икки гап орасида ҳеч қандай синтактик фарқ йўқ. Асосий фарқ шундаки, биринчисида натижа маъносига, иккинчисида сабаб маъносига ишора қилувчи сўзларнинг келганлигидадир. Бу ҳол синтактик қурилишга алоқадор эмас. Синтактик ҳодисаларни баҳолашда, синтактик моҳиятларни очишда соф синтактик белгиларга эмас, балки ҳали шакл, ҳали мазмун, ҳали вазифа асосларига таяниш синтактик, семантик ва морфологик ҳодисаларни аралаштиришга олиб келади.

Сўзлар бирикмаси фикрий ва оҳанг тугалланганлигига эга эмаслиги, шахс – сон, замон, майл кабиларни кўрсата олмаслиги, умуман, кишиларнинг ўзаро алоқа – аралашувларини йўлга қўйиш хусусиятига эга эмаслиги билан гапдан фарқ қилади. Бунинг устига у (сўзлар бирикмаси) гапнинг қурилиши материали ҳамдир. Бир – биридан тубдан фарқ қилувчи мана шу икки категория анъанада бир – бири билан очиқдан – очиқ қориштирилади. Жумладан, иккинчи даражали бўлак ва кесим муносабатидан ҳосил бўлган қурилма сўзлар бирикмаси дейилади.: Тоққа чиқдик. Табиатни кузатдик.. Келтирилган мисоллар кесим ва

иккинчи даражали бўлақлардан иборат бўлиб, нисбий тугалланган фикрни ифодалайди ва ёйиқ содда гап жумласига киради. Бу мисоллар (Тоққа чиқдик. Табиатни кузатдик) фақат кесимдан иборат бўлса ҳам, гапдир. Қурилманинг мана шу хусусиятларини ҳисобга олмасдан уни бошқарув йўли билан тузилган сўзлар бирикмаси дейдилар.

Бизнинг фикримизча, эга – кесим муносабатидаги қурилмалар сўзлар бирикмаси бўлмаганидек, иккинчи даражали бўлақлар ва кесим муносабатидаги қурилмалар ҳам сўзлар бирикмаси бўлолмайди. Сўзлар бирикмаси эга ва иккинчи даражали бўлақлар доирасидагина мавжуд. Масалан, "Ёш болалар кенг далада яйраб ўйнашди" гапида иккита сўзлар бирикмаси бор: ёш болалар, кенг дала. "Болалар далада яйраб ўйнашди" қурилмаси эса гапдир:



Таҳлил кўрсатмоқдаки, ўзбек миллий синтаксисига ҳали ечимини кутаётган анчагина масалалар борки, уларнинг тадқиқи келажак ишидир.

А.Рафиев  
ЎзМУ, доцент

## 20 – ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКSIKACИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ХУСУСИДА

Ўтган асрнинг бошларидаёқ ўзбек тилининг луғат таркибида сезиларли ўзгаришлар бошланди. Чет эл зиёлилари билан ҳамкорлик, янги ғояларнинг таъсири, маданий алоқаларнинг кучайиши туфайли рус, татар ва усмонли турк тилидан сўз ўзлаштириш фаоллашди. Хусусан, 20 – йиллардаги жаҳидчилик ҳаракати ўзбек тили луғат таркибида ўзгаришларнинг кучайишига кенг йўл очди. Бу ҳақда « Ўзбек адабий тили орфографиясининг янги лойиҳаси» да шундай дейилади: «Ўзбек буржуазиясининг адабий тили сифатида

колониал даврда, рус империализми ҳукмронлиги даврида пайдо бўлган жаҳид адабий тили асосан жаҳидчилик мафкурасини ўтказишга мувофиқлаштирилган бўлиб, унинг асосида чигатой адабий тилини қайта тиклаш ётади. Шуниси характерлики, жаҳид адабий тили чигатой адабий тилини шаҳардаки оғзаки, жонли тилга қарши қўйиш йўлидан эмас, балки уларни мослаштириш, қисман яқинлаштириш йўлидан боради. Буни шу даврдаги жаҳид газеталари ва драматик асарларда кўриш мумкин.»<sup>1</sup> (таржима ўзимизники – А.Р.Р.) Шунинг учун ҳам «Чигатой гурунги» нинг миллий тил ислоҳоти борасидаги қарашларига қарши турган кучлар — улар асосан рус миссионерлари, большевиклар эди — газета ва журналларда, алифбо ва имло лойиҳаларида ўзбек тили лугат таркибидаги арабча ва форсча сўзларга қарши очиқдан очиқ ҳужум бошлаган эдилар. Ушбу лойиҳада ҳам чигатой адабий тили лугат бойлигининг 80 — 90 фоизини арабизм ва форсизмлар ташкил этади, деган асосиз хулосалар баён этилганки, бу ғайриилмий фикрлар орқали ўзбек тилининг тўб лексикаси, асосий лугат бойлиги тўғридан тўғри камситилади. Даврий матбуотда, жумладан, биз кузатган «Аланга», «Маориф ва ўқитғучи» журналлари, «Зарафшон», «Қизил Ўзбекистон» каби газеталарда чоп этилган кўпгина мақолаларда арабча — форсча сўзларнинг «совет — интернационал» сўзлари билан алмаштирилиши янги алифбодаги ўзбек адабий тили тараққиётини белгиловчи омил сифатида таъкидланади.

Жаҳидчилик ҳаракати намоёндаларининг аксарияти эса умумтуркий ва маҳаллий шева лексикасини адабий тилга кўпроқ киритиш тарафдорлари сифатида курашдилар. Аммо 20 — йилларнинг охирида ўзбек матбуотида тилшуносликнинг назарий масалаларига бағишланган қатор мақолаларнинг эълон қилиниши (масалан: проф. Поливанов ва Қ. Рамазоннинг «Тилнинг ўзгаришида иқтисодий амаллар», Улуғ Турсуннинг «Тил билимида янги одим», проф. Щербанинг «Икки тиллилик масаласи тўғрисида» кабилар) ҳали шаклланиб улгурмаган ўзбек тилшунослигини академик Марр таълимоти билан «суғориш»га қаратилган эди, дейиш тўғри бўлади. Ўзбек тилининг асл туркий табиатини сақлаш йўлидаги бошқа барча уринишларга мустабид шўро ҳокимияти ўз вақтида шундай назарий ва амалий зарбалар

<sup>1</sup> Новый проект единой орфографии узбекского литературного языка. Ташкент, 1933, стр. 4

берадики, буларнинг натижаси ўзбек ёзма адабий тили луғат таркибида совет — байналмилал сўзларнинг салмоғи йил сайин орта борганлигида янада яққол намоён бўлди. Бу ҳолатни қуйидаги нашрлар мисолида кузатиш мумкин. «Зарафшон» газетасининг 1923 йил 25 — март ойида чиққан сонида жами 4 533 та сўз қўлланган бўлиб, шундан 1 446 таси (31,8%) арабча, 250 таси (5,5) форсча — тожикча, 64 таси туркча, рус тили орқали кирган сўзлар 92 та (2%), 2 332 таси (51,4%) ўзбекча ва 350 та атоқли отлар ва жуғрофий номлар ишлатилган.

1924 — 1925 йиллардаги ўзбекча газеталар тили асосида нашр этилган «Узбекский — русский словарь» (тузувчи К.Н. Юдахин, Тошкент, 1927)да ҳам совет — байналмилал<sup>1</sup> лексиканинг қўлланиши айни шу даврда кескин кучайганлиги ўз аксини топган. Жами 9 806 сўздан иборат ушбу луғатда арабча сўзлар 2 813 та (28,6%), форс — тожикча сўзлар 1 660 та (16,9%), ўзбекча луғавий бирликлар 4 998 та (50,7%), русча — байналмилал сўзлар 400 та (4%) ни ташкил этган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўзбек ёзма адабий тилида русча — байналмилал сўзлар салмоғи 20 — йилларнинг ўрталарида 3 — 4 фоиздан 30 — йилларда 12 — 14 фоизга етган ва 40 — йилнинг бошларига келиб 15 — 16 фоизни ташкил этган. Бу ҳолат ўзбек тилидаги арабча — форсча сўзларнинг ўз ўрнини аста — секин рус — байналмилал сўзларига бўшагиб берганлигини кўрсатади. Мазкур масалани ўрганган тадқиқотчилар бу каби ҳисоб — китобларни ўзбек тили лексикасининг бойиб бораётганлигини кўрсатувчи далиллар сифатида талқин этадилар — у, аммо миллий тилнинг луғат бойлигида соф ўзбекча сўзлар миқдори ортиши ўрнига ҳеч ўзгаришсиз (бу ўринда жонли халқ тили, шева лексикаси ҳисобига бойиши назарда тутилмайпти — **таъкид бизники**) қолганлигини хаспўшлашга уринадилар. Аслида келтирилган далиллар ўзбек ёзма адабий тили луғат таркибидаги ўзгаришларнинг умумий жараёнини тўғри ифодалашни жиҳатидан муҳимдир. Бошқа жиҳатдан бу лексик қатламларни ўрганиш ўзбекча қатламнинг бойиш йўллари ва Октябрь тўнтаришидан кейинги даврдаги ўзгаришларнинг моҳиятини ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми, Айниқса, 1905 — йиллардан бошлаб ўзбек тилига русча сўзлар, бу тил

<sup>1</sup> К.Н. Юдахин. Узбекско — русский словарь — Тошкент, Учпедгиз, 1927 г.

орқали эса лотин ва ғарб тилларига хос сўзлар кириб кела бошлади. Аввало бундай сўзлар оғзаки мулоқот воситасида ўзлашганлигини таъкидлаш ўринли. Масалан: *инастран, исклад, қўмита, театр, обуна* каби. Октябрь тўнтаришидан кейин эса русча — байналмилал сўзларни ёзма шаклда ўзлаштириш кучайди. Рус адабий тилидан ўзбек адабий ёзма тилига ўзлашган асосий сўзлар ижтимоий — сиёсий ва илмий — техник лексикадан иборат бўлди. Таҳлил этилган матбуот материаллари шуни кўрсатадики, 20 — йилларнинг ўрталарида русча — байналмилал сўзлар газеталар тилида ўртача 15 — 25 та атрофида бўлса, 30 — йилларнинг охирида бу ўзлашмаларнинг миқдори ҳар газетада 220 — 250 тани ташкил этади. Эътиборли жиҳати шундаки, русча — байналмилал сўзларнинг бир қисми арабча — форсча муқобиллари билан, лексик вариантлар сифатида баробар қўлланган. Масалан: *фронт — жабҳа, интеллигент — зиёли, агитатор — ташвоқотчи, тема — мавзу, момент — пайт* каби. Шундан билинадик, лексик меъёрлашув жараёнида кўпгина арабча — форсча сўзлар истеъмолдан чиқиб, уларнинг ўрнини русча — байналмилал сўзлар тобора фаол эгаллай бошлаган. Бу жараённинг қуйидаги ташқи ва ички омилларини тавсифлаш тўғри бўлади.

Экстралингвистик омила сифатида, биринчидан, большевиклар сиёсати ва советлар мафкурасининг ўзбек халқи онги ва дунёқарашига сингдирилиши туфайли бу тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг қўлланиши фаоллашди.

Иккинчидан, иқтисодиёт ва техника соҳаларидаги янгиликларнинг билвосита шўро ҳокимияти орқали кириб келиши ўзбек тилининг илмий терминологиясини шакллантирувчи асосий воситага айлантирилади.

Учинчидан, барча муҳим бўғинлардаги бошқарув рус тилини билувчи субъектлар томонидан амалга оширилади.

Табийики, ўзбек адабий тили лугат таркибининг жуда қисқа муддатда ўзгаришида экстралингвистик омилларнинг таъсири ҳал қилувчи бўлди. Лингвистик омиллар бу даврда лугавий бойликнинг ортишида муаян даражада таъсир кўрсатди дейиш мумкин. Аммо бу имкониятлар тўлиқ намоён бўла олмаганлигининг объектив сабаблари мавжуд. Назаримизда, булар қуйидагиларда кўринади ва лингвистик омилларни тавсифлашга имкон беради:

1. 20 — йилларда ўзбек тилшунослиги фани анча заиф эди. Ўзбек тилида сўз ясаш ва сўз ўзлаштириш қонуниятлари, усуллари назарий асосланмаган эди.

2. Ўзбек тилига араб – форс сўзларини айнан ўзлаштириш хос хусусият эди. Русча – байналмилал лексиканинг аксариятини бундай тарзда ўзлаштириш ўзбек тили табиатига зид бўлгани учун чет сўзларни калькалаш ёки қисқартириш йўлидан ҳам борилдики, бу усуллар орқали ҳам русча лексикани кўпроқ ўзлаштириш имконияти очилди.
3. Айни шу сабаб туфайли ўзбек тилида русча – байналмилал лексемалар асосида от, сифат, феъл ясовчи янги қўшимчалар пайдо бўлди. – **чи**, **-лик**, **-лаш**, **-лаштир** каби сўз ясовчилар орқали русча сўзларни ўзлаштириш ўзбек тили табиатига тез уйғунлашди.
4. Касб – ҳунар лексикаси, хусусан, илмий терминология асосан русча – байналмилал сўзлар ҳисобига шакллана борди.
5. Бадиий адабиёт жанрлари, илмий – оммабоп, публицистик, китобий, расмий – идоравий нутқ услублари рус адабий тили андозаларига мувофиқ шакллантирилди.

Кўриниб турибдики, ўзбек адабий тили лексик меъёрларининг шаклланишида 20 – йиллардаёқ лугат таркибига ўзлашган лексик бирликлар сезиларли таъсир кўрсатган.

М.Жўрабоева ЎЗМУ, доцент  
С.Тошалиева, ТДШИ

## БАЪЗИ ФЕЪЛА ШАКЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАЛҚИНИ ВА НОМЛАНИШИГА ДОИР

«Феълнинг аналитик шакли «ва «қўшма феъл» тушунчасига нисбатан қўлланаётган терминлар турлича: «қўшма феъл» /А.Ғ. Фуломов, С. Акбаров, С. Муталибов, Х. Байлиев/, «составной глагол» /Н.А. Баскаков, А.Т. Тыбикова/, «аналитический глагол» /Ф.Р. Байрамов/, «аналитическая форма глагола» /А.А. Юлдашев, К. Сулейманов, К. Турсунқулова/».

«От+фeъл» таркибли қўшилмалар ҳам ҳар хил номланган: «составной глагол» /А.Н. Кононов, В.В. Решетов/, «отыменный составной глагол» /К. Сулейманов/, «отыменный сложный глагол» /Ш.Кибиров /.<sup>1</sup>

Турк тилидаги адабиётларда эса "birleşik fiil, "tasviri fiil", "karmaşik fiil" ифодаларини учратамиз.<sup>2</sup>

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, «қўшма феъл» терминини фақат «феъл+феъл» таркибли феълларга нисбатан ишлатиш ўринли, чунки улардан бирининг ўзгариши феъл маъносига таъсир қилади. Мана шундай феъллар ўзбек тилидаги айрим дарсликларда лексикализациялашган қўшма феъл деб баҳоланган, чунки улардаги ҳар бир қисм ўз маъносини сақлаган ҳолда, қўшма феъл ҳосил қилган: олиб чиқ, бориб кел ва б.қ.

Бу атамага А.П. Ҳожиёв қуйидагича тавсиф берган: туркологик адабиётларда қўлланаётган қўшма феъл, кўмакчи феъл, ёрдамчи феъл атамалари рус тишунослигидаги «вспомогательный глагол» вазифасига мос келади. Бу феъл асосий феълга қўшилиб, уларга турли хил грамматик маъно орттирадиган, боғлама вазифасини бажарадиган феълларга нисбатан ишлатилади.<sup>3</sup>

«Ўзбек тили грамматикаси»да эса асосий ва ёрдамчи феъллардан ташкил топган феълларнинг шу кунгача қўшма феъл ҳисоблаб келинганлиги ва ҳозир ҳам қўллаб илмий тадқиқотларда шундай тавсиф берилаётганлигига танқидий баҳо берилган.<sup>4</sup> Аслида булардан кўпининг аналитик феъл шакллари эканлиги таъкидланиб, асосланган. Демак, бу масалада ҳам ҳали бир фикрга келинган деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам турк тилига оид ишлар билан ўзбек тилига оид ишларда, айниқса, мисоллар таҳлилида фарқли ўринлар бор.

Табиийки, атаманинг моҳиятини аниқлашда яқдиллик йўқ экан, таҳлил ва тавсифда ҳам ҳар хиллик бўлиши аниқ.

Демак, шу доирада ишлатилаётган атама — терминларга аниқлик киритиш. бу борада бир хилликка эришиш лозим. Шунингдек, қўшма ҳолатни юзага келтираётган ҳар бир кўмакчи феълнинг турли вазифада келиш/ сўз ясаш ёки шакл ҳосил қилиш /ўринларини аниқлаган ҳолда, қўшма феъл билан феълнинг қўшма шаклини — аналитик шаклни фарқлаш лозим. Аммо ўхшаш ҳодисалар турлича номланишидан қатъий назар,

<sup>1</sup> Бу муаллифларнинг ишлари 1 — мақолада номма — ном кўрсатилган.

<sup>2</sup> Мухаррам Эргин. Турк дил биалгиси. Истанбул, 1972, 370 — бет;

Тахсин Бангуғлу. Туркченин граммери, Анкара, 1990.

<sup>3</sup> А.П. Ҳожиёв. Ўзбек тилида тўлиқсиз феъл. ДДА. Тошкент, 1968, 5 — бет.

<sup>4</sup> Ўзбек тили грамматикаси, 1 — жилд, Тошкент, «Фан», 1975 йил.

келтирилган тавсифлардан кўриниб турибдики, «қўшма феъл» ва «феълнинг қўшма шакли» /аналитик/ га нисбатан билдирилган фикрлар — уларга хос хусусиятлар бир — бирини тўлдиради. Деярли барча манбаларда келтирилган қуйидаги тавсифлар уларга хос хусусиятларни умумлаштиради:

1/ қўшма қўлланиш, қўшма феъл ифодаси икки ва ундан ортиқ сўз — ифоданинг ўзаро бирикиб, ё тамоман янги феълни ёки бир феълнинг турли шакллари юзага келтира олиши туркий тилларга, хусусан, ўзбек ва турк тилидаги феълларга хос хусусиятлардан биридир;

2/ қўшма феъл ва феъл аналитик шакллариининг кўмакчи феъллар воситасида юзага келиши ҳар 2 тил учун бирдай хосдир;

3/ кўмакчи феъл вазифасини бажарувчи феълларнинг маъно кўлами турли даражада, валентлик имконияти ҳар хил, бириктирувчи воситаларида ҳам ўхшаш ва фарқли томонлар бор. Шунга кўра, у ёки бу маънонинг ифодаланиш усули тиллараро фарқлидир;

4/ кўмакчи феъллар асосида юзага келган аналитик шаклнинг синтетик шаклга айланиши ҳар 2 тилда учраб туради. Лекин бу ҳол ҳамма аналитик феълларга бирдай хос эмас;

5/ кўмакчи феъллар миқдори ҳам ҳар 2 тилда сон жиҳатдан тенг эмас: ўзбек тилида: 26 — 28 та, турк тилида: 13 та;

6/ кўмакчи феъл билан асосий феълни туташтириб турувчи грамматик воситалар ҳам, вазифасига кўра ўхшаш бўлса — да, фонетик ва морфологик ифодасига кўра фарқлидир.

Ўзбек тилида: — б, — иб, — а, — й...

Турк тилида: — ір, — ір, — ир, — ір, -а, -е

7/ «От+феъл» таркибли, «феъл+феъл» таркибли феъллар ҳар 2 тилда учрайди. Биз биринчи ҳолатга нисбатан ишлатилган феълни «ёрдамчи феъл» иккинчи ҳолатдаги 2 — компонентни «кўмакчи феъл» тарзида номлаб, фарқлашни маъқул кўраемиз.

Назаримизда, бундай аналитик шаклдаги феълларнинг ўзига хос табиатини чуқурроқ ўрганиш учун юқорида таҳлил йўриқлари кўрсатилган тадқиқотлардагидек, аниқ бир феъл мисолида 2 тил материални қиёслаб ўрганиш яхшироқ натижа беради. Чунки алоҳида ўрганишлар асосидагина бу соҳадаги ҳам терминологик, ҳам бошқа назарий фикрларга аниқлик киритиш мумкин бўлади.



## КЛАССЕМАСИ ЮЗА БИЛДИРУВЧИ ФЕЪЛ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРИН КЕЛИШИКЛИ БИРИКМАЛАР ҲАҚИДА

**Юза** классемасига эга бошқарув боғланишининг ҳоким бўлаги эллипсисга учраши ва ўз вазифасини актуализатор бўлган сифатга қолдириб кетиши мумкин. Бу ҳолда нутқда сакланиб қолган мазкур сифат туркумига оид сўз ҳоким бўлаги эллипсисга учраган бирикманинг ўрин келишикли тобе бўлагига ҳоким бўлак бўлиб қолади. Бошқача қилиб айтганда, гапда синтактик қайта бўлиниш содир бўлади. Масалан, *Стадионда одам лиқ тўла* (Ё.Хаймов) гапининг феъл кесими эллипсисга учраган, эллипсисга учраган кесим вазифасидаги сўз *ўтиришди* феълдир. У «стадион» сўзи билан *стадионда ўтиришарди* бошқарув боғланишини юзага келтирган. Феъл кесим нутқ имкониятидан келиб чиқиб тил тежамига кўра эллипсисга учрагандан кейин унинг вазифасини актуализатор бўлган «тўла» сифати ўз устига олди. Шундан кейин *тўла* сўзи «стадион» сўзи билан бошқарув боғланишини юзага келтирди. Бошқача қилиб айтганда, синтактик қайта бўлиниш содир бўлди. Шунинг учун ҳам бу бирикмада «юза» классемаси ўз аксини топмаган. Шунга қарамай, *стадион* сўзи маъносининг классемаси юза ифодасига эга бўлади. Чунки нутқда эллипсисга учраган феъл кесим ўзининг сакланиб қолган актуализатори орқали осон англашилиб туради.<sup>1</sup> Қуйидаги мисолларда ҳам феъл кесим эллипсисга учраб, гапда синтактик қайта бўлиниш содир бўлган ва сифат бошқарувидаги бошқарув боғланиши юзага келган: Автостанцияда одам сийрак эди. (Ў.Ҳошимов) Бекатда одам сийрак. (Ў.Ҳошимов) Бу гаплардаги сифат бошқарувида эга бирикмаган автостанцияда сийрак, бекатда сийрак. Уларнинг ҳам тобе бўлаклари маъносининг классемаси юза ифода этади.

Классемаси юза бўлган бошқарув боғланишлари юқорида таҳлил қилинар экан, уларнинг ҳоким бўлаги фақат ҳолат билдирувчи архисемага

<sup>1</sup> Қаранг: Пагова Н.А. Неполные предложения в современном русском языке//Труды института языкознания АН СССР. Т.П.-М.: 1953. -с.94-95; Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение. -Л.: Наука, 1959. -269; Кузнец М.Д. и Скрбнев Ю.М. Стилистика английского языка. -Л.: Учпедгиз, 1060, с.67; Шауль Г. Принципы истории языка. М.: ИИЛ, 1960. -с.372; Никитина С.Е. О семантическом эллипсисе в предложении сочетаниях //Проблема лингвистического анализа/Отв.ред.Е.А.Макаев. -М.: Наука, 1966.-с.140; Вардуль Н.Ф. К вопросу о явлении эллипсиса// Инвариантные синтаксические значения и структура предложения/ М.: Наука, 1969. -с.62-65; Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. -М.: 1973. -с.58; Закиев М.З. Хозерге татар адаби теле синтаксис/ Тулы ландырылган икенче басмасы/ Казан: МНС, 1974. -1988-б; Гужва Ф.К. Современный русский литературный язык/ Учебник для студентов. -Киев: ВПЦ, 1975.-с.114; Уоллес Л. Чейф, Значение и структура языка. -М.: Прогресс, 1975. -с.67; Бархударов А.С. Язык и перевод. -М.: ИМО, 1975. -с.31-32; Кабков В.П. О роле принципа экономии в развитии и функционировании языка// В помощь преподавателям иностранных языков. Вып.6. -Новосибирск, 1975. -с.6; Махмудов Н.М.

эга маъноли сўздан бўлган типлари назарда тутилади. Бундай бирикмаларнинг ҳоким бўлаги ҳаракат билдирувчи архисемага эга маъноли сўздан бўиши ҳам мумкин. Шунда ҳам уларнинг классемаси юза ифодасига эга бўлади. Масалан, *Эгарда ҳадеб қимирлайверманглар* (Ў.Ҳошимов) гапидаги *эгарда қимирламоқ* бирикмасининг ҳоким бўлаги бўлган *қимирламоқ* сўзи маъноси куйидаги семаларга эга: «ўтирган» «юзасида» «ҳаракатланмоқ». Тобе бўлак бўлган *эгар* сўзининг семалари эса «ўтириш учун» «юзаси бўлган» «улов жабдуғи». Ҳар икки сўз маъносининг иккинчи семаси классем -а ни таркиб топтиради. Ҳоким бўлак бўлиб келган сўзнинг маъноси ҳаракат ифода этувчи архисемага эга. Бу сўз маъносининг архисемаси ҳаракат ифода этса ҳам, бу ҳаракат йўналма ҳаракат бўлмай маълум жойдаги ҳаракатдир. Шунинг учун у архисемаси ҳолат ифода этувчи маъноли сўзларга ўхшаб кетади. У ҳоким бўлак бўлган бошқарув боғланишидаги классема ҳам кичик доирадаги юзани ифода этади. Куйидаги мисолларнинг бошқарув боғланишида ҳам классема худди шундай ифодага эга: Йўлакда кампирга йўликди (А.Қаҳҳор). У кизлар билан икки метр чамаси кенгликдаги кўприкда тўкнашди. (Шўхрат) ...совукда шумшайган ариларга жон кирган. офтобда ётган тарвуз пўчоқ устида ўрмалашади. (М.Қориев) Бу гаплардаги йўлакда йўликмоқ, кўприкда тўкнашмоқ, устида ўрмаламоқ бошқарув боғланишларининг классемаларига эътибор бериш мумкин.

Классемаси юзани ифода этган бошқарув боғланишининг ҳоким бўлаги архисемаси ҳаракатни, шунингдек, йўналма ҳаракатни ифода этадиган архисемага эга маъноли сўздан бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда тобе бўлак чегараланмаган юзани ифода этувчи семага эга маъноли сўздан бўлади. Масалан: Майдон четидаги йўлкаларда майкачан қизлар югуришарди (Ў.Ҳошимов) гапидаги бошқарув боғланишидаги бирикма «йўлкаларда югуришарди» бўлиб, уларнинг классемаси чегараланмаган узунликка эга юзани ифода этади. Ҳоким бўлакнинг архисемаси эса бўйламасига илгарилама ҳаракатни ифода этади. Агар ҳоким бўлак илгарилама ҳаракатнинг бетартиб ҳолатини ифода этган архисемага эга маъноли сўз бўлса, бирикма классемаси, умуман, чегараланмаган юзани ифода этади. Масалан, *Боғларингда кезаман, юрагимда ҳаяжон* (М.Ризаева) гапидаги «боғларингда кезаман» бошқарув боғланишидаги бирикманинг классемаси чегараланмаган юзани ифода этади. Куйидаги мисолларнинг бошқарув боғланишида ҳам классема худди шундай ифодага эга: Дилафруз йўл устидаги катта пайкалда дугонаси билан пахта тераётган экан (М.Қориев). Тизза бўйи ўтлоқда шудринг кечиб югуриш чиндан ҳам гаштли экан (Ў.Ҳошимов). Бу гаплардаги «пайкалда термоқ», «ўтлоқда югурмоқ» бошқарув боғланишларидаги таржиманинг классемаларига эътибор бериш мумкин.

Юқоридаги каби бирикмаларни таҳлил қилганимизда ҳам сўзларнинг реаллашган маъноларини назарда тутишимиз керак. Шунда бирикма классемаси чегараланмаган юзани ифода этаётганлигини аниқ қайд эта биламиз. Масалан, ...япроқлар дув тўкилади, бир-бирларини қувлашиб, асфальтда сирғанишади (Шухрат) гапидаги «асфальтда сирғанишади» бирикмасининг тобе бўлаги бўлган «асфальт» сўзи генетик маъноси билан реаллашган эмас. У «юзаси» «асфальт қопланган» «йўл» семаларидан таркиб топган маъноси билан реаллашган. Мана шу реаллашган маъноси орқали ҳоким бўлак вазифасидаги сўз маъноси билан юза ифода этувчи классемага эга. Қуйидаги мисолларнинг бошқарув боғланишида ҳам классема худди шундай ифодага эга: Куни кеча саҳрода шафқатсиз куюн чарх уриб, кум тўзонлари осмони фалакка чиққан эмиш. (О.Ёкубов) Чанги тоғда учишли бўлади. (Ў.Ҳошимов) Кавказ тоғлари этагида оч бўридай изғиб юрмоқда эди. (А.Қаҳҳор) Бу гаплардаги «саҳрода чарх урмоқ», «тоғда учишли бўлмоқ», «этагида изғимоқ» бошқарув боғланишидаги бирикмалар бўлаги бўлган сўзларнинг реаллашган маъноларига ва шаклланган классемаларига эътибор беришимиз мумкин.

Айрим ҳолларда ўрин ифода этувчи сиртки сема воситасида шаклланган бирикмаларнинг тобе бўлгани маъноси юза ифодаловчи семага эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда бирикмага ўша тобе бўлак маъносига юза семасини илова этувчи ёрдамчи сўз воситачи сифатида қўшилади. Натижада бирикмада юза ифода этувчи классема шаклланади.

Т. Эназаров  
ЎЗМУ, доцент

## ТОПОНИМЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИДАН НАМУНАЛАР

Шундай топонимлар борки, бир қарашда уларнинг маъносини, аниқроғи, этимологиясини билиш қийин. Аммо жиддийроқ кузатилганда уларнинг этимологик таҳлилин аналга ошириш мумкин. Қуйида мана шундай топонимларнинг этимологик таҳлили тўғрисида фикр юритамиз:

Қайрабсолди (Қаш. в. Яккабоғ т. к.) топоними ҳақида бир неча хил фикр бор:

1. Жой номи деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланадиган кишиларнинг деҳқончилик асбобларини қайрайдиган усталар яшайдиган жой деган маънони ифодалайди: *қайраб+солди* > *қайраб солди* > *қайрабсолди* > **Қайрабсолди**. Ўроқ, чалғи, теша, даскала каби рўзгорбоб асбобларни кишилар усталарга чахлатиб олишгандан сўнг ишга солишади. Мана шу жараён асосида топоним ҳосил бўлган.

2. Топоним «*кишиларни бир-бирига гиж-гижлаб қўймоқ*» маъносидаги қайраб сол(ди) бирикмасидан шаклланган: *қайраб+солди* > *қайраб солди* > *қайрабсолди* > **Қайрабсолди**. Бу ерда яшаганлар ён атрофдагилар билан ўзаро муроса қилишмаган, доим ўзимники тўғри деб билишган, яъни урушқок бўлишган. Мана шундай кишилар яшаган жой **Қайрабсолди** деб аталган.

3. Мазкур топоним товуш ўзгаришларига учраб, қорақипчоқ этнонимининг номини бузиб айтиш оқибатида шу ҳолга келиб қолган. Сабаби, талаффуз жараёнида қорақипчоқ этноними *қарапчи* деб аталган: *қора+қипчоқ* > *қора қипчоқ* > *қорақипчоқ* > **Қорақипчоқ**. Қорақипчоқларнинг, асосан, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида яшашини эътиборга олиб, улар нутқида сўз бошида *жд* лашиш ҳолати мавжудлигини назарда тутсақ, қорақипчоқ этнонимининг *қарапчи* шаклига келишини тушуниш мумкин. Ҳосил бўлган қарапчи сўзи эса топообъектга ном бўлган: **Қарапчи**. Маълум вақтдан сўнг аҳоли **қорапчи** топонимининг маъносини тушунтириш учун осон йўлдан бориб қуйидагича тушунтиришган: **Қорапчи** дегани **Қайрабсолди** демақдир. Эътибор берилса, *қайраб солди* бирикмаси *қарапчи* сўзининг шаклий ҳолатига кўра кенг ёйилган кўриниши ёхуд сўз таркибидаги сохта морфемаларнинг халқ этимологияси асосидаги талкинидир<sup>1</sup>.

Булардан кўриниб турибдики, ушбу топоним номи қуйидагича тарзда фонетик ва тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтган: *қора+қипчоқ* > *қора қипчоқ* > *қорақипчоқ* > *қарапчи* > **Қарапчи** > **Қайрабсолди**. Топоним фонетик ва морфологик жараёнлардан бири бўлган қайта бўлиниш жараёнини *п > б* ўзгариши рўй берган<sup>2</sup> ва *ч > с* ва товушлар ортиши тарзида бошидан кечирган. III. Раҳматуллаевнинг қайд этишича, қадимги туркий тилдаги сўзлар тарихий тараққиёт давомида сўз таркибидаги товушлардан бир, икки ва ҳатто, олтитаси ўзгариши табиий экан<sup>3</sup>. Булардан кўриниб турибдики, нутқда фаол қўлланувчи «қарапчи» сўзининг икки сўздан иборатлиги табиийдир<sup>4</sup>. Буни **Булунғур** (Сам. в. т.) топонимида этимологик таҳлилда кўриш мумкин. Ушбу топоним ҳақида учта фараз мавжуд:

1. Маҳаллий аҳолининг айтишича, ушбу топоним *койиш* ва *қарғаш* маъносидаги *бўлингур* сўзи асосида шаклланган: *бўлиниб кетгур* > *бўлинибкетгур* > *бўлингур* > *бўлингур* > *булунгур* > **Булунғур**. Бу ҳолда *ў > у, и > у* шаклидаги фонетик ўзгаришлар рўй бериб, бирикманинг *-иб, кет* кўринишидаги бўғинлари тушган.

<sup>1</sup> Сохта морфема деганда икки сўзнинг қисқариб бир сўз ҳолига келиши тушунилади.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Узбек тили луғатининг туркий қатлами. Тошкент, 2001. 45-бет.

<sup>3</sup> Кўрсатилган асар. 80-189-бетлар.

<sup>4</sup> Кўрсатилган асар 342-бет.

2. Бултурги сўзи фонетик ўзгаришларга учрагач, ундан *олдинги ёхуд аввалги жой* маъносидаги мана шу топоним шаклланган: *бултурги* > *булунгур* > **Булунгур**. Бундай фонетик жараён амалда бўлмайди. Бу фикр халқ этимологияси.

3. Топонимда иккита маъноли қисм бор: *бурун<sup>1</sup>, гур (қир, хур, хир)*. Икки тополексема бирикканда, *р* ундоши *л* ундошига алмашган<sup>2</sup> (*р* > *л*) (285,74-) ва ясама сўз топонимга кўчган: *бурун+гур* > *бурунгур* > *булунгур* > **Булунгур**. Б. Ўринбоев бу топонимнинг маъносини *узунасига кетган ясси тоғнинг бурчаги* деб кўрсатади<sup>3</sup>: *Булун (бурун, бурунг) сўзи «бурчак», «охир», «чегара» маъноларини ифодаласа, гур (қир, хир, хур) сўзи «тоғ ён бағридаги тик сойлик», «тоғ этаги», «тоғ қирраси» деган маъноларни ифодалайди.*

Топоним иккита тополексема асосида шаклланган кўшма сўз топонимик деривация жараёни туфайли жой номига айланган: *бурун + гур* > *бурун гур* > *бурунгур* > *булунгур* > **Булунгур**. Унинг этимони *булун (булунг)* ва *гур* сўз шаклидир. Ургут шеvasида *бурун – булун – булунг* кўринишдаги изолексемалар *бурчак* маъносини ифодалайди<sup>4</sup>. Ушбу изолексемалар бир марта қўлланган **Булунгур** топоними учун изотопоним саналади. Бу фикрни жанубий Қирғизiston топонимиясида худди шу маънода қўлланувчи *булунг* тополексемаси тасдиқлайди<sup>5</sup>. Айни шу топоним тўпланган топонимик материаллар ичида бир марта учради. Шунинг учун бу топонимни лингвистик-география усулида этимологик тадқиқ қилиш ўринли бўлиб, у бир объектли жой номларидан биридир.

Учма (Жиз. в. Фориш т. к.) топоними келиб чиқиши ҳақида бир неча хил тахмин бор:

1. Топоним *чирогинг ўчмасин* деган маънодаги *ўчма* сўздан фонетик ўзгариш билан ҳосил бўлган: *ўч+ма* > *ўчма* > **Ўчма** > **Учма**. Бу ерда *ў* унлиси у унлисига алмашган: *ў* > *у*<sup>6</sup>. Топоним иккита маъноли бўлақдан (топоасос вазифасидаги тополексема ва топоформантдан) ташкил топган: *ўч, -ма*. Ушбу таҳлил - халқ этимологиясининг бир кўриниши.

2. Мазкур топоним *аранг* сўзи маъносига қўлланувчи *учма-уч<sup>7</sup>* шаклидаги равиш сўз туркумига оид сўздан юзага келган. Бунда равиш сўз туркумидаги сўзнинг иккинчи қисми эллипсис ходисасига учраб, сўз таркибидан тушиб қолган. Қолган сўз эса ономастик конверсия жараёнида жой номига айланган: *уч+ -ма* > *учма+уч* > *учмауч* > *учма* > **Учма**. Демак,

<sup>1</sup> Древнетюркский словарь. Л., 1969. С. 86; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Тошкент, 2000. 70-бет.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. Тошкент, 2001. 74-бет.

<sup>3</sup> Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изохи. Самарқанд, 1997. 33-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> Конкобаев К. Топонимия Южной Киргизии. 1980. 52-, 147-бетлар.

<sup>6</sup> Серебrenников Б. А., Гаджиева Н. З. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. М., 1986. С. 15.

<sup>7</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд 286-бет.

бу топонимнинг этимони такрорий сўз бўлган *учма-уч* сўзи ҳисобланади. Бу таҳлил ҳам халқ этимологиясининг бир шакли.

3. Ушбу топоним *янги авлод шаклланиб* маъносидаги *учирма*<sup>1</sup> сўзининг товуш тушиши ҳодисасига учраши натижасида пайдо бўлган: *учирма* > *учма* > *Учма*. Унда жой номи *уч*, *-ир*, *-ма* шаклидаги маъноли қисмлардан ҳосил бўлган бўлиб, *учирма* ясама сўзи унинг этимони саналади. Бу фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди, чунки бунда топонимга фақат синхрон планда қаралган.

4. Тоғ ва тоғ ён бағирларида зич тошлардаги ёриқлар орасига кундузи қорнинг эриган суви қиради. Кечга бориб у музлайди. Натижада, тошлар ёрилиб, парчаланadi. Ёрилиб, парча-парча бўлиб кетган тошлар тоғнинг қуйисига шамол натижасида силжиш каби турли табиий омиллар туфайли вақти-вақти билан тушиб турган. Бу ҳол тез-тез такрорлагани учун тош парчалари тушадиган жойлар ҳам *Учма* деб аталган.

5. Мазкур топоним жойлашган ҳудудидаги тик қоя, юриш қийин бўлган баландликдан кишилар эътиборсизлик туфайли ерга йиқилиб тушишган. «*Мана шундай тик қоялик, баландлик мавжуд бўлган жойни одамлар йиқилиб кетма, қулаб тушма*» деган оғохлантириш маъносида *Учма* деб аташган. Топонимнинг бу маъносини халқ географик терминларидан бири бўлган *учма* сўзи ҳам асослайди: «*тоғ йўли, жар ёқаси, тош қулаб турадиган чуқур жарлик*»<sup>2</sup>. Бунда апеллятив лексикадаги *учма* ясама сўз ономастик конверсия жараёнида топонимик лексика сатҳига кўчган: *уч+ма* > *учма* > *Учма*. Унинг илк кўриниши – *учма* ясама сўзи. Бундай номланган топообъектлар тоғ ва тоғ олди ҳудудларда учрайди. Баъзи бир баланд жойларни халқ вакиллари *учма* дейди, аммо улар тўлиқ ҳолда, ҳатто, микротопоним сифатида шаклланмаган.

Бизнингча, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи фаразларда қайд қилинган *учма* сўзи топонимга нисбатан шаклий ўхшашликни ҳосил қилган. Бешинчи фикр унинг этимологик таҳлили учун ўринли. «*Баландлик*», «*тик қоядан қулаб тушма*», «*йиқилиб кетма*» деган маънода номланган объектнинг номланиши экстралингвистик омил бўлган табиий географик муҳитга мос. Ундаги *-ма* қўшимчаси от ва сифат ясовчи<sup>3</sup> қўшимчалардан биридир. Бу қўшимча тарихан қўшма аффикс<sup>4</sup> ҳолатида бўлган: *уч+им+а* > *учма* (*учадиган, учадиган жой*). Бу топоним, ҳақиқатан ҳам, *уч<sup>2</sup>+ма* ҳолатида шаклланган бўлган.

Онаўлган (Тош. в. Бўстонлиқ т. сой ва жой) топонимини мисол сифатида кўрсатиш мумкин:

<sup>1</sup> Уша жойда.

<sup>2</sup> Ғуломов П. Н. Топонимика ва географик терминшунослик. Тошкент, 2005. 19-бет.

<sup>3</sup> Ғуломов А., Тихонов А. Н., Қўнигулов Р. Ўзбек тили морфем лугати. Тошкент, 1977. 430-бет.

<sup>4</sup> Ғулимов А. Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. Аффиксация. часть первая. Словообразующие аффиксы имен. АДД. Ташкент, 1955. С.45.

<sup>5</sup> Древнетюркский словарь. С. 603.

1. Топоним *она* ва *ўлган* тополексемаларидан ташкил топган. Шу ҳолатдан предикатив бирикма шаклланган. *Она* сўзи бу бирикмада - эга, *ўлган* сўзи - кесим: *она ўлган*. Топонимик деривация натижасида бу бирикма ономастик лексика таркибига кўчган: *она+ўл+-ган*<sup>1</sup> > *она ўлган* > **Онаўлган**. *Ўлмоқ* сўзининг *вафот этмоқ* маъноси билан *она* сўзининг биринчи маъноси биргаликда предикатив бирикмани шакллантирган: *она+ўлган* > *она ўлган*. Топонимнинг этимони - *она ўлган* бирикмаси. Мазкур топоним *она ўлган*, *қазо қилган жой* деган маънони ифодалайди. Бу аҳолининг ўзи билган объект ҳақидаги халқ этимологияси кўринишидаги фаразидир. Ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки унга синхрон пландагина қаралган.

2. *Она ўлган* бирикмаси товуш ўзгаришларига учраб, шу ҳолга келиб қолган. Топоним таркибидаги *она* ва *ўлган* луғавий асослари қадимги туркий тилда *аба* ҳамда *ўланг* шаклида айtilган бўлиб<sup>2</sup>, *аба* сўзининг биринчи маъноси «она» маъносини англатади. *Ўланг* сўзи эса *ўл+-ан* тузилишига эга, «*ўл – ҳўл*», «*нам*», «*суви бор*»; «*қўкат ва ўтнинг яшин* *турган даври*» маъноларини ифодалайди. –*анг* қўшимчаси сўз ўзагидан англашилган белги, маълум нарса ва предметнинг хослиги, шунингдек, мавжудлигини билдиради. Бу сўз қадимги туркий тилда *кичик ўтлоқ* маъносида ишлатилган<sup>3</sup>.

Ушбу сўз билан юзага келган топонимларга Т. Нафасов *Ўланбулоқ*, *Ўланг* жой номларини мисол қилиб келтирган<sup>4</sup>. Икки тополексама қўшилиб, сўз бирикмаси ва қўшма сўзни ҳосил қилган: *она+ўланг* > *она ўланг* > *онаўлган*. Талаффузда *ўланг* сўзида метатеза ҳодисаси рўй берган: *ўланг* > *ўлган*. Сўзга синхрон нуқтаи назардан қаралгани учун юқоридаги биринчи тахмин юзага келган.

Бинобарин, ҳосил бўлган сўз бирикмаси қўшма сўзга айланиб, топонимлашув ҳодисасининг топонимик деривация жараёни оқибатида ономастик лексика сатҳига кўчиб, топонимга айланган: *она+ўланг* > *она ўланг* > *онаўлган* > *она-ўлган* > **Онаўлган**. Ундаги *она* сўзини *она-Ватан* бирикмасидаги *она* сўзига қиёсланса, «*макон*», «*юрт*», «*жой*» деган маъноларни ифодалашга аён бўлади. Демак, топоним «*ўт-ўлангга макон*, *ўт кўп ўсадиган жой*» деган маънода қўлланган. У ҳақидаги биринчи фараз синхрон планда қаралган. Иккинчи фараз эса диахрон планда кўрилган.

Топоним ҳақидаги иккинчи тахминда асос бор. У фонетик ўзгаришга учраб, салбий маънони ифодалайдиган ҳолатга келиб қолган:

<sup>1</sup> Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981. 68-бет; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981. 1-жилд. 537-бет; 2-жилд. 504-бет.

<sup>2</sup> Древнетюркский словарь. Л., 1969. С.383; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1988. 229-бет.

<sup>3</sup> Древнетюркский словарь. С. 383.

<sup>4</sup> Нафасов Т. Кўрсатилган асар. 228-229-бет.

она + ўланг > она ўланг > онаўланг > онаўланган > Онаўланган. Демак, топоним «ўт-ўлангга макон», «ўт кўп ўсадиган жой» деган маънода қўлланган. Унинг луғавий асоси ва унга таъсир қиладиган турли фанларнинг далиллари мажмуи бу таҳлилнинг ҳақиқатга яқинлиги муаммосига ойдинлик киритган.

Демак, топонимларнинг этимологик таҳлили баҳсли ва кизиқарлидир.

З.Т. Холманова  
ЎзМУ, доцент

### «БОБУРНОМА»ДАГИ ҚАРИНДОШЛИК-ЯҚИНЛИК ТЕРМИНЛАРИ

«Бобурнома»да кўплаб соҳага доир маълумотларнинг мавжудлиги асар лексикасининг қомусий характери билан белгиланади. Унда халқ тарихи, маданияти, турмуш тарзи, дунёқарashi, урф-одатларига оид муҳим жиҳатлар ёритилган. «Бобурнома»да халқнинг тарихий тараққиёт даражасини акс эттирувчи лексикадан бири қариндошлик-яқинлик терминларидир.

Қариндошлик терминлари лексиканинг энг қадимги архаик қатламларига мансубдир. Тарихий қариндошлик-яқинлик муносабатларини акс эттирувчи бундай лексик-семантик гуруҳлар ҳар бир тилнинг асосий луғат фондига киради.<sup>1</sup>

Туркий тиллардаги қариндошлик-яқинлик терминлари Н.П. Диренкова, В.А. Мошков, Л.П.Потапов, С.П. Толстов, А.Н.Берншгам, А.П. Дульзон, Т.А. Жданко, К.Л. Задихина тадқиқотларида лексик-семантик жиҳатдан тадқиқ этилган. Бу изланишларда қариндошлик-яқинлик терминларининг этногенетик хусусиятларини ёритиш тил тараққиёти ва халқ тарихини акс эттирувчи лингвистик маълумотлар билан таъминлаши таъкидланган. Маълум бўладики, қариндошлик-яқинлик терминларини ўрганиш халқ тилининг энг қадимги луғат фонди ҳақида муаян илмий хулосалар беради.

Халқ тарихий тараққиёти давомидаги қариндошлик-яқинлик терминлари тарихий, бадий манбаларда ўз ифодасини топган. «Бобурнома»да эски ўзбек адабий тилининг дастлабки шаклланиш даврида кенг истеъмолда бўлган қариндошлик-яқинлик терминлари келтирилган.

<sup>1</sup> Покровская Л.А. Термины родства в тюркских языках. // Историческое развитие лексики тюркских языков. М., 1961 стр.11



Асардаги қариндошлик – яқинлик терминларининг 98 %ини қадимги туркий тил даврида қўлланган атамалар ташкил этади.

«Бобурнома»даги қариндошлик – яқинлик терминлари лексик – семантик хусусиятларига кўра икки гуруҳга ажратилди:

I. Умумий тарзда «қариндош» тушунчасини ифодаловчи лексемалар: уруғ–қаяш (152)<sup>1</sup>, уруқ(152), уруғлуғ(80), мутааллиқ (127), хеш, хонавога, туққан ( опа – сингил, ака – укага нисбатан), бола–чақа, ўғлан–ушақ.

«Қариндошлик» тушунчасини умумий тарзда ифодалаш учун туркий уруқ, уруғ–қаяш, форс – тожикча хеш лексемалари фаол қўлланган: *Бариб уруқни Дахкатга қўюб..(152); ..бу хатуннинг уруғ–қаяшигин бири..(153); ..хешлиғи ҳам бизга бор эди (458)*. Бу тушунча «ота–оға» жуфт сўзининг грамматик маъноси орқали ҳам англатилган: *Ложарам ота–оғадин ҳар яхшилиқ ва ёмонлиқким шойиъ: эди, тақрир қилдим..(264)*.

«Қариндошлик» тушунчасини умумий тарзда ифодаловчи «туққан» лексемаси куйидаги маъноларни ифодалаб келган:

а) «қариндош» маъносида: *..туққанларни кўргали Тошкандга мутаважжиқ бўлдилар (152); б) "бир онадан туғилган» маъносида:..менинг онаминг туққан эгачиси эди (76); в)»жиян», «ака ёки уканинг фарзанди» маъносида: ..балки ўзининг кўкалдашигин туққанга дағи бу хизматни буюриб эрди. (82)*

«Туққан» термини ҳозирги туркий тилларда турли фонетик вариантларда сақланиб қолган: олтой тилида – *тууган*; бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ тилида – *туған*; туркман тилида – *доган*; шор тилида – *туған*. Бу термин деярли барча туркий тилларда умумий, ноаниқ тарздаги «қариндош» тушунчасини англайди. Фақат айрим туркий тилларда фарқли ҳолатларни кузатиш мумкин. Жумладан, шор тилидаги *туған* ота томонидан қариндош бўлганлар учунгина қўлланади. Туркман тилида эса *доган* термини аниқ қариндошлик тушунчасини ифодалайди: 1) ака; 2) опа.<sup>2</sup> «Бобурнома»дан келтирилган мисоллар *туққан* терминининг эски ўзбек адабий тилида умумий тарздаги «қариндошлик» тушунчасини ифодалоганини кўрсатади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *туққан* сифатдош шаклида қўлланиб, термин ҳисобланмайди. Мазкур терминнинг маъноси *туғишган* сўзи билан ифодаланади. *Туғишган* бир ота – онадан

<sup>1</sup> Мисоллар «Бобурнома»нинг 1960 йилдаги нашри асосида берилди.

<sup>2</sup> Покровская Л. А. Термины родства в тюркских языках. // Историческое развитие лексики тюркских языков. М., 1961 стр.44-45

туғилганларга ва яқин қариндошларга нисбатан ишлатилади. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II, 1981,241)

«Қариндошлик» тушунчасини умумий тарзда ифодаловчи терминлар шу соҳага оид лексемаларнинг, даставвал, тўпلام ҳолида шаклланигандан, кейинги даврларга келиб синфлар (гуруҳ)ларга ажратилганидан далолат беради.

II.«Қариндошлик» тушунчасини индивидуал тарзда ифодаловчи лексемалар: улуғ она (буви,) улуғ ота; она, сингил, оға, ака, амма, биродарзода, қайнота, куёв, язна, янга, эммзода, хонзода. Иккинчи гуруҳга мансуб лексемаларни шахс ёшига нисбатан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. «Шахсдан катталиқ» семасини ифодаловчи лексемалар: ота, она, ака, ока, эгачи, оба, қайнота, хон бобо; биродарзода.

«Обоға» асарда ака тушунчасини аңлатган:..танбалнинг туққан обағаси эди (129).

«Ока» сўзи ёши катта аёлларга нисбатан мурожаат ифодаси сифатида қўлланган: Махфий кишилар бориб окам била янга била, Поянда Султанбегимни ака дер эдим (255Ғ2002)..бир кун мен акамни кўра келганда онаси била келиб..(255).

Асардаги «амми» сўзи «амаки» тушунчасини ифодалаган: Менин амми Улуғбек мирзо замонида Вайс атка мирзонинг аткаси бу тоғнинг доманасига бир ариқ чиқарибтур (185).

2. «Шахсдан кичиклик» семасини ифодаловчи лексемалар: уни, сингил, куёв.

III. Яқинликни билдирувчи лексемалар: умаро, атка, бойру, валинеъматзода, эмалдош, кўкалдош, ҳарам.

“Бобурнома»даги қариндошлик – яқинлик номларини шаклланиш даврига кўра ҳам иккига ажратиш мумкин: 1. Шахснинг дунёга келиш давридан мавжуд бўлган қариндошликни билдирувчи лексемалар: ота, она, ака, эгачи, оба, хон бобо), уни, сингил..

2.Шахснинг маълум ёшидан (оилавий муносабатлардан) кейин юзага келадиган қариндошлик терминалари: қайнота, куёв, язна, янга, биродарзода, хоҳарзода.

«Бобурнома»даги қариндошлик – яқинлик терминлари шаклланиш генезисига кўра, асосан, туркий сўзлардан иборат: ота, она, ака, эгачи, оба, қайнота. хон дода, эмалдош, кўкалдош.

Форс — тожик тилидан ўзлашган лексемалар 4та: *хеш, хонвода, бирогарзога, хоҳарзога. Хонавода* (хонвода) «оила» (аниқроғи «сулола») тушунчасини ифодалаган: *Юз қирқ йилга явуқ Самарқанд пойтахти бизнинг хонаводага эди (141)*. Баъзи ўринларда *хонвода* шаклида келтирилган: *..анин ханводалари ул вилоятшта маржиъ ва шайхулислом йўсунлуқ бўла келгандур (72)*.

Араб тилидан ўзлашган *умаро* барча сўзи амир ва бекларнинг умумий номини англатган. Арабча *мутааллик* сўзи «яқинлар» тушунчасини билдириб келган: *..Султан Аҳмад қоровул Қучбекнинг отаси, оға—униси ва кўч ва мутааллиқлари била..(127)*.

*Харам* лексемаси метонимия асосида «никоҳдаги аёллар» тушунчасини ифодалаган: *эғачимни ва ҳарамларни бот чақуриб..(431)*.

Асарда қариндошликни билдирувчи сўзлардан кейин *бегим* — таъкидлаш сўзи келтирилади; «Амма» — қариндошлик атамаси «бегим» сўзи билан келган: *..қалъа бориб, аммабегимларни хўргум (449)*. «Кичик» сўзи «бегим» билан бирга қўлланиб «қариндош сингиллар» тушунчасини ифодалаган: *кичикбегимлардин..(417)*.

«Бобурнома»даги қариндошлик ва яқинлик терминларидан *ота, она, ака, оға, уни, опа, сингил, қайнота, янға кабилар* ҳозирда қўлланади. *Улуғ она, аба, обоға, эғачи, бирогарзога, хоҳарзога, амми, хеш, хонавода, эмалдош, кўкалдош, ҳарам* терминлари архаизмга айланган. *Бек атка, атка, умаро* кабилар историзм сифатида қаралади.

«Бобурнома» тилидаги қариндошлик — яқинлик терминларини таҳлил қилиш терминология тарихи ва тараққиёт хусусиятларига доир муҳим маълумотлар бериши билан аҳамиятлидир.

Н.Мамадалиева,  
ЎзМУ, ф.ф.н.

## ГУЛХАНИЙ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР ҚИРРАЛАРИ

Халқ ҳамма моддий ва маънавий бойликларнинг, хазиналарнинг яратувчиси бўлиш билдан бирга, уларнинг тўпловчиси ҳамдир. Фақат халқдаги бойликни кунт ва чидам билан ўрганиш ва ижодий лабораториядан ўтказиб, халқнинг ўзига яна тақдим қила билиш керак.

Халқ оғзаки ижодиётида энг аввало воқеа-ходисаларни олдинроқ кўрувчи халқ тафаккурининг ажойиб хусусиятлари мужассамлашган бўлади.

Халқ оғзаки ижоди дурдоналари ўзбек классик ёзма адабиётига кўрсатган таъсири нихоятда катта бўлганлигини айтиб ўтиш керак. Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» дostonларининг яратилишида халқ ривоятлари катта роль ўйнаганлиги маълум. Дарвоқе, Лутфий «Гул ва Наврўз» дostonида халқ ривоятларидан фойдаланиб, вайроналик келтирувчи урушларни қоралайди, кучли ва марказлашган давлат тузиш ғоясини илгари суради, дўстликни улуғлайди. Диний ривоятларни қайта ишлаш натижасида Дурбек ҳам ўзаро қиргин урушларни, тож-тахт учун олиб борилган қонли курашларни, газаргўйликни, номардликни лаънатловчи «Юсуф ва Зулайхо» дostonи сингари даврга хизмат қилувчи ўлмас асар кашф эта олди. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» «Сабъан сайёр», «Сади Искандарий» дostonларига ҳам халқ афсоналари асос бўлган.

Ушбу мақолада биз XVIII аср ахири ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек адабиёти вакилларида бири бўлиб, ўз ижодий фаолиятида хажв ва масал жанрини янги босқичга кўтарган шоир ва масалнавис Муҳаммад Шариф Гулханий ижодида, жумладан «Зарбулмасал» асарида фольклор қирралари ҳақида сўз юритамиз. «Зарбулмасал»нинг биринчи литографик нашри 1890 йилда Қозон университети босмаҳонасида Н.П.Остроумов томонидан амалга оширилган.<sup>1</sup> «Зарбулмасал»нинг «Қозон босмаси» деб аталган бу нашри асарнинг шундан кейинги ҳамма нашрлари учун манба ва намуна бўлиб хизмат қилди.<sup>2</sup> Бирок асарнинг маълум вариантги асосида рус тилига қилинган мазкур таржимаси кейин қайта нашр қилинмади, унинг намунаси ўша тўплам ичида архивда қолиб кетди.<sup>3</sup>

Гулханийнинг адабий мероси «Зарбулмасал ва ғазаллар» номи билан 1958-1960 йилларда икки марта нашр этилди.<sup>4</sup>

Гулханий ўзининг муҳим ижтимоий қарашларини, халқи тақдирига бўлган муносабатини адабиётнинг адабиётнинг ғазалдан бошқа жанрида яхшироқ ифода эта олиши мумкинлигини назарда тутиб, «Зарбулмасал» асарини ёзди. Чунки Гулханий ўз турмуш тажрибасида, ижодий фаолиятида ғазалнинг воқеа-ходисаларни атрофлича тасвирлашга қулай эмаслигини, унинг маълум адабий анъаналар билан белгиланишини, ғазалнинг бош мавзуси ишқ ва охиқлик эканлигини яхши тушунди.

Гулханий «Зарбулмасал» асарини ёзиш учун анча вақт тайёргарлик кўриб юрди, масал жанрининг хусусиятларини яхши ўзлаштирди. Бир неча вақт давомида жамиятнинг турли табақа кишилари билан муомала-

<sup>1</sup> Н.П.Остроумов. Сова, сўчи ва Филли. «сартъ» (этнографические материалы). Вып. № 1895.

<sup>2</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. Жамоа. Беш томлик. IV том. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1978. -127-6.

<sup>3</sup> Г.Гафурова. Развитие перевода в Узбекистане. Т.: -Изд-во «Фан». 1973. Стр. 123-125.

<sup>4</sup> Гулханий. «Зарбулмасал ва ғазаллар». Ўздадабийнашр. Т.: -1958. Гулханий. «Зарбулмасал ва ғазаллар». Иккинчи нашри. Ўздадабийнашр. Т.: -1960.

муносабатда бўлиб, халқ мақолларини, ҳикматли сўзларни тўплади. Ана шу жиҳатдан Гулханийни халқ оғзаки ижодининг энг ихчам намуналаридан бири саналган зарбулмасал ва мақолалар тўпловчи ёки адиб-фольклорист дейиш мумкин. Шу билан бирга, Гулханий меҳнат аҳли орасидан чиққан вазир у тоифага мунсуб бўлган шоир - тўла маънодаги халқ санъаткори эди.

«Зарбулмасал»да турмуш воқеалари, турли тоифадаги турлича феъл-атворли кишиларнинг ўзаро муносабатлари кушлар ҳаётига кўчирилиб баён қилинган том маънода оригинал бўлган мажозий маъно берувчи бадий асардир. Асар сюжети - Бойқушларнинг ўзаро қудачилик муносабатлари, уларнинг киз учун қалин эвазига минглаб бузук чордевор талаб қилиши воқеалари баён қилинади. Гулханий асарда кушларни зарбулмасал йўли билан сўзлатиш орқали халқ донишмандлиги дурларини яхлит бир сюжет ипига чизиб берди.

Асар таркибида етакчи мазмун билан мантикий мазмун узвий боғланиб кетган 15 дан ортик катта-кичик мустақил сюжетли масал, ҳикоятлар келтирилган. Бу масал, ҳикоятларнинг ҳар бири алоҳида олинганда мустақил адабий-бадий парча кўринишига эга, бир бутун ҳолда эса мураккаб бир композицияни ҳосил қилади. Бу мўъжаз бадий асарлар, асосан, ахлоқий-таълимий йўналишда бўлиб, халоллик, тўғрилик, олижаноблик, меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат ғояларини олға суради, ҳасидлик, манманлик, бефаросатлик, жожиллик, соткинлик каби салбий белгиларни қоралайди.

«Зарбулмасал»нинг бош ғояси тарихан ниҳоят даражада муҳимдир, - деб ёзади академик В.Зоҳидов асар ҳақида сўз юритаркан. - Ёлғиз Фарғона вилоятидагина эмас, умуман Мовароуннаҳрда вайронагарчиликнинг ҳукмронлигини кўрсатиш ва уни қош этиш; ҳоким ижтимоий гуруҳларнинг ярамасликларини, разликларини кўрсатиш ва уларни фоз клиш; халқ оммасининг ниҳоят даражада оғир аҳволини, виждон, номус ва ақл эгаларининг поймол қилинганлигини кўрсатиш, ватанпарварлик ва халқпарварлик - мана шулар асарнинг бош ғоясини ташкил этади».<sup>1</sup>

Гулханий «Зарбулмасал»да мақол, афсоналардан усталик билан фойдаланган, улардан фойдаланишда мазмунига катта эътибор беради. Халқ мақолларидан фойдаланиб, давр учун хос бўлган илғор ғояларни ташувчи айрим мақол ва ҳикматли сўзларни ишлатади, бу билан у фикрий ихчамликка эришади.

Шунингдек, Гулханий санъаткор сифатида халқ оммаси ўртасида кенг тарқалган масал, фразеологик иборалар, бадий тасвир, сифатлаш ва ҳикматли сўзларни усталик билан ишлатади, улардан санъаткорона фойдаланади. Уларнинг барчаси асарнинг бадий қимматини ошириш учун хизмат қилади, «Зарбулмасал» тилининг содда ва жонли, образли

<sup>1</sup> В.Зоҳидов. Ўзбек адабиёти тарихидан. 204-бет.

бўлишига ёрдам беради. Чунончи, зикр этилган масалларнинг бирида Маймун билан Нажжор образлари ёрдамида ҳаётий лавха оркали «билмаган, ўрганмаган ва ақлинг етмайдиган ишга ховлиқиб уринма, аввал хунарни яхшилаб эгалла, шунда панд емайсан» деб ўғит берилади; иккинчисида ҳаётда дўст танлашда ниҳоятда эҳтиёт бўлишликка, ёмонга асло яқинлашмасликка даъват этилади. Яна бир мисол. «Тошбақа билан Чаён» масалида «Яхшилик қил - сувга сол; сув билмаса, балиқ билур: балиқ билмаса, холик билур» деб барчани яхшилик қилишликка даъват қилади, яхшилик қилганда ҳам миннат қилмасликка чакиради. Ушбу масалда бугунги кунимизда ҳам истеъмолда бўлган қуйидаги мақоллардан фойдаланган: «Ишонмагил дўстинга, сомон тикар пўстинга», «Жилижили сўзласанг, илон инидан чиқар» ёки «Ошнангдан топ» каби.

Асар тилида халқ оғзаки ижодининг мақолга яқин яна бир тури - маталлар ҳам кенг қўлланган. Япалоққушнинг ўғлига «Кулангир султон подшо» деб ном қўйилганини эшитиб Кўркўш ажабланади ва Чапалоқнинг баландпарвозлигини қатор маталлар келтириш билан мазах қилади:

«Масалдурки, Аёз, ҳаддингни бил, барчани қўй, ўзингни бил! Номи калон, шаҳри вайрон, оти улуг, суфраси қуруғ, уйида чакса уни йўқ, томини бошида қўш танур»; Итини оти - Маржон, эгасини оти Калжон; Сичкон инига иғмас, думига ғалвир боғлар».

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, Гулханий ижоди, «Зарбулмасал» ҳақида бугунги кун талабларига тўла жавоб бера оладиган махсус тадқиқотлар бўлмагани учун, ушбу масалани илмийлик ва тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганиш вақти етди. Чунки Гулханий ижодининг бугунги кунимиз, тарихимиз, тилимиз, маънавиятимиз учун ўрни бекиёсдир.

М.Абдурахмонова  
ЎзМУ, ф.ф.н.

## ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ ТУШУНЧАСИ

Грамматик категория муаммо сифатида кўп тилшуносларни қизиқтириб келган (Бондарко Л.В., Головин Б.Н., Смирницкий А.И., Ярцева В.Н.). Олимлар ўртасида грамматик категория кенг ва тор маънода тушунилади. Масалан, грамматик категорияни кенг маънода тушунган Л.В. Шчерба бундай дейди: “Под грамматической категорией я разумею, те группы однообразия в языке, под которые подводятся единичные явления...”. Ҳатто сўз туркумларини ҳам грамматик категория деб ҳисоблашмоқда. Сўз туркумларидан ташқари эргаш гапни, феълнинг функционал турларига ҳам грамматик категория деб қарашади. Кўпчилик тилшунослар бундай қарашларга қарши чиқадилар. Масалан, морфологик

категория устида кўп ишлаган ва бир қатор илмий ишлар яратган Л.В. Бондарко бу фикрга қуйидаги асосни келтиради: “Выражение «грамматическая категория» в таком истолковании охватывает настолько широкий круг разнородных явлений, что оказывается невозможным определить совокупность тех черт, которые объединили бы их и отличили от иных объектов грамматической системы языка”.

Бугунги кунда грамматик категорияни тор маънода тушуниш кенг тарқалган. Қуйида биз грамматик категорияга берилган айрим таърифларни келтирамиз. (Фикрни аниқ етказиб бериш мақсадида уларни ўзбек тилига таржима қилмадик).

1. Грамматическая категория – это объединение группы совокупности однородных грамматических явлений и прежде всего совокупности однородных грамматических слов при различии их форм. Единство той или иной категории обусловлено не способом выражения, а общим грамматическим значением. (Реформацкий А.А.).
2. Грамматическая категория – это реальное языковое единство грамматического значения и средств его материального выражения. (Головин Б.Н.).
3. Такие категории языка, которые образованы сочленением самых общих категорий плана содержания, с одной стороны и кратчайших комбинаций предельных единиц плана выражения, с другой стороны, в соответствии с особыми для каждого языка правилами составляют грамматические категории языка. (Степанов Ю.С.)
4. Каждый отдельный элемент грамматического значения называется граммемой: ...каждая граммема входит в ряд однородных и противопоставляющихся элементов... Совокупность однородных граммем называется грамматической категорией. (Кочергина).
5. Грамматическая категория представляет собой единство грамматического содержания и грамматического выражения. Наличие грамматической категории можно констатировать только тогда, когда в языке существует регулярное соответствие между данными грамматическим значением и формальным способом его выражения и при этом имеется противопоставление (оппозиция) по крайней мере двух членов – двух классов слов для классифицирующей категории им двух форм для формообразующей категории. (Касевич В.Б.)
6. Грамматическая категория – объединение двух или более грамматических форм, противопоставленных или соотносенных по грамматическому значению. (Иванов В ва бошқ)
7. Грамматическая категория представляет собой единство формы и содержания. Ее содержание проявляется в оппозиции двух или более общих значений. (Гак В.Г.)

8. Множество взаимоисключающих категориальных форм одних и тех же лексем содержащих противоречашие друг другу по значению словоизменительные морфемы называются грамматической категорией. ( Бархударов)

Агар бу таърифларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг айримлари, бизнингча, ҳақиқатдан йироқроқ эканлигини, айримларида эса грамматик категориянинг белгилари етарли акс эттирилмаганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, учинчи таърифта “грамматик форма” ўрнига энг кичик бирликлар композицияси жумласи ишлатилганки, бу энг кичик бирликлар бирдан ортик бўлади деган хулосага олиб келади. Маълумки, тилнинг энг кичик маънодор бўлаги морфемадир. Грамматик форма биргина морфема билан ҳам, морфемалар бирикма йиғиндиси билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, кўплик грамматик маъноси ўзбек тилида биргина морфема билан ифодаланилади: *китоблар*, замон грамматик маъноларнинг айримлари эса бирқанча морфемалар комбинацияси ёрдамида ифодаланилади: *ўқийётган эдим (-ёт, -ган, эди, -м)* морфемалари қатнашяпти. Маълумки, бундай морфемалар тилшуносликда аналитик формалар деб аталади.

- Биринчи ва иккинчи таърифларда грамматик категорияда нечта грамматик форма бўлиши ва бирлик (единство) нима асосида бўлиши айтилмаган.

- Тўртинчи таърифта бир хил тоифалик (однородность) асосида гуруҳга бирлаштирилган. Бир хил тоифали тушунча, бизнингча, анчагина субъектив нарса. Масалан, “замон” билан “тус” бировга бир тоифадаги нарса бўлиб туйилиши мумкин, аммо “замон” билан “кўплик” ҳеч кимга бундай туйилмайди.

- Бешинчи, олтинчи, еттинчи ва саккизинчи таърифлар ҳам грамматик формаларни бир грамматик категорияга бирлаштираётган нарса тилга олинган.

Ҳамма таърифларда сўзларнинг грамматик категорияга эга бўлиш даражаси ҳисобга олинмаган. Ваҳоланки, бу белги, бизнингча, грамматик категориянинг муҳим белгиларидан биридир. Биз бу белгини аҳамиятга эга эканлигини куйидаги мисолларда кўришимиз мумкин: *шоир-шоира, олим-олима, муаллим-муаллима*. Бу жуфтликларнинг биринчисида “эркак” жинси иккинчисида эса “аёл” жинси ифодаланган. “Аёл” жинси *-а* морфемаси орқали, “эркак” жинси эса ноль морфема билан ифодаланган. Агар биз грамматик категорияга юқоридаги келтирилган таърифлардан келиб чиқсак, унда ўзбек тилида жинс грамматик категорияси борлигини тин олишга тўғри келар эди, чунки ўзбек тилидан келтирилган бу тил ҳодисаси юқоридаги таърифларда келтирилган ҳамма талабларга жавоб беради. Лекин биз бу ҳодисани жинс грамматик категорияси деб айта олмаيمиз, чунки *-а* кўшимчаси фақатгина бир нечта сўзларгагина



кўшилиши мумкин. Масалан, уни шахс ифодаловчи “ўқувчи”, “тадбиркор”, “врач” каби мингларча сўзларга кўшиб бўлмайди. -а морфемасининг ишлатилиш доираси чегараланган. Шунинг учун биз грамматик категорияга таъриф беришда грамматик шаклнинг (форма) кўпгина сўзлар билан ишлатилишини ҳам кўрсатишимиз керак. Демак, бизнингча, грамматик категория кўп сўзларда ишлатиладиган бир абстракт умумий маъно асосида бирлашган ва маънолари бир-бирига зид бўлган икки ва ундан ортик грамматик формалар йиғиндисиدير. Грамматик формалар ноль, синтетик, аналитик бўлиши мумкин. Масалан, *китоб* (ноль форма), *китоблар* (синтетик форма), *келаятган эдим* (аналитик форма).

Z.Q.Narimanova, NUU

## TEACHING LISTENING COMPREHENSION

Listening, unlike other language skills is an internal process that cannot be directly observed. Nobody can say with certainty what happens when we listen to and understand another person. Psycholinguists have, however, put forward some theories as to what they think happens when one listens to language. One theory suggests that as a person listens he is constructing a parallel message based on the sound clues he receives from his interlocutor and verifying whether his message corresponds with what he hears. According to this theory, listening is an active process in which the listener plays a very active part in constructing the overall message that is eventually exchanged between listener and speaker.

We can point out some of the factors that come into play when we listen. Among them is knowledge of the phonology or sound system of the language in question. Although we may not consciously analyze and identify the sounds that occur in the language we speak, we have as part of our linguistic competence an ability to say what sounds and sound combinations are typical of it. The degree to which we understand our interlocutor also depends on the knowledge of the world we share with him: The more the interlocutors have in common, the more they understand each other. The third factor that comes into play when we listen is our familiarity with the subject of discussion: if we are in familiar domain, we understand much more than we do when it is a strange field to us.

When people speak, the sounds uttered usually convey only a certain percentage of the message; a good proportion of the message is conveyed through such things as facial expression, gestures, and loudness and tone of voice. In addition, the personal attitudes and interests of the speaker, if known to the listener, can help the latter interpret what is said, just as the context in which an utterance is made helps the listener to decide on the meaning of what he hears.

Listening comprehension is considered by most language-teaching methodologists as a fundamental and important skill in language learning. Some regard it as the first among the four essential skills and have focused on finding appropriate techniques to teach it. They have also emphasized the necessity of making available suitable materials to help students acquire the skill.

Some scientists point out that, in learning to listen, there are two basic levels to be considered: 1) the level of *recognition* and 2) the level of *selection*. When first confronted with a foreign language, the student hears only a barrage of meaningless noise. Gradually, after continued exposure to the language, the student begins to recognize elements and patterns such as phonemes, intonation, words and phrases. When she/he is able to recognize the phonological, syntactic and semantic codes of the language automatically, she/he has reached the first level, that of *recognition*. The next goal is to be able to sift out the message bearing units for retention and comprehension without conscious attention to individual components. This is the level of *selection*.

Many language specialists say that to teach the speaking skills we must begin by teaching the listening skills. And I believe that listening is one of the best ways to teach pronunciation, because it familiarizes students with the sounds and with features of pause, stress, rhythm and intonation, especially when the instructor can motivate them to give their full attention to the material.

To achieve this purpose, the teacher should, if possible, expose the students to real-life situations in which native speakers of English use the language in a spontaneous, conversational, communicative way. One way to do this is to ask the students to prepare some appropriate questions with which to interview a native speaker or a group of native speakers of English, and then bring to class clear answers to the questions. It is also useful to teach students to listen by teaching them how to take or to leave messages, make appointments, and get information via the telephone.

Also, from time to time, you should have your students listen as you relate anecdotes about personal experiences, your family, friends, funny incidents, or even details about current events or controversial issues, because in so doing you not only expose them to natural language with its infinite variety of structures, new vocabulary and idiomatic expressions, but you also add a lot in terms of meaningful cultural exchange.

Another useful technique for teaching listening comprehension – adopting real everyday situations – is using short taped segments of radio or TV news and weather reports, talk shows, even cooking programs.

It is good, too, use short taped conversations between native speakers in unrehearsed, typical situations where natural language, with its pauses and fillers, false starts, idioms and national intonation patterns with emotional overtones and other variations is clearly reflected. You can even tape yourself or others in various situations, e.g., ordering food in a restaurant, making an

appointment by phone, buying gas at a station, cashing a check in a bank and so on.

If we accept the argument that it is necessary to teach listening, we are still faced with the problem of which variety of the language we should expose our learners to. As far as speaking is concerned, the choice is often made for the teacher, since he can only teach the variety that he himself has learned. When it comes to listening the teacher cannot make the same easy choice because, although one can choose what variety of English to speak, one generally has no influence over what variety is spoken to him. It would of course be impossible to make our learners competent listeners to all the dialects of English. The teacher should however, try to get his students to listen to the British and American varieties, and, of course, the local variety.

С. Тошалиева,  
ТДШИ

### ЎЗБЕК ВА ТУРК ТИЛЛАРИДА АНАЛИТИК ФЕЪЛ ШАКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Истиқлол маънавиятимиз, илм – фаннимиз истиқболи учун мустаҳкам замин яратиб берибгина қолмай, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар доирасини ҳам белгилаб берди.

Собиқ шўролар даврида ўзбек тили, рус, инглиз, немис, француз тиллари билан кўпроқ қиёслаб ўрганилган. Туркий тиллар, хусусан, турк тили билан муқояса қилиб тадқиқ этишга у қадар эътибор берилмаган. Ҳолбуки, юртбошимиз И.А.Каримов тўғри таъкидлаганларидек, «Қадим – қадим замондан Турон замин деб аталган поенсиз кенгликларда қозоғу ўзбек, қирғизу туркман – барчамизнинг ота – боболаримиз от суриб ўтганлар. Бинобарин, бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган»<sup>1</sup>.

Истиқлол бу муаммоларни ижобий ҳал этиш учун зарур миллий – лисоний муҳитни яратиб берди.

Ўзбек ва турк тилларидаги феълнинг аналитик шакллари қиёсий ўрганиш шундай масалалардан ҳисобланади.

Ҳақиқатан, ўзбек ва турк тилларини ўрганиш ва ўқитишда ҳам, таржима қилишда ҳам феъл аналитик шакллarning мувофиқ кўринишларини топиш ва қўлланиш хусусиятларини тўғри белгилаш ниҳоятда мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Зеро, одатдаги луғавий

<sup>1</sup> Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент.: «Ўзбекистон», 1994, 136 – 6.

бирликларни луғатлар орқали қиёслаб мақсадга мувофиқ сўз ва ибораларни аниқлаш унча қийин иш эмас. Аммо, феълнинг аналитик шакллари қиёсан ўрганишнинг ўзига хос мураккаблиги бор. Чунончи:

1. Феълнинг аналитик шакллари луғатларда алоҳида сўзлик сифатида қайд этилмайди. Бинобарин, уларнинг ҳар икки тилдаги муқобилини аниқлашнинг ўзи бутун бир изланишни талаб қилади. Бундай изланиш эса мукамал луғатлар тузиш учун ниҳоятда зарур.

2. Ўзбек тилшунослигида феъл аналитик шакллари маълум даражада ўрганилган. Аммо турк тили феъллари аналитик шакллари деярли ўрганилган эмас, турк тилшунослигида ўрганилган бўлса ҳам, бизга номаълум. Икки тилни қиёслаш учун эса чоғиштирилаётган грамматик ҳодисалар маълум даражада ўз илмий тавсифини топган.

3. Турк тили дарсликларида феъл аналитик шакллари оид баъзи фикрлар мавжуд. Лекин улар аксарият қўшма феъллар доирасида қаралган. Демак, феъл аналитик шакллари ўзбек ва турк тилларида бир – биридан фарқли талқин этилмоқда.

Тўғри, туркий тилшунослиқда, рус тилшунослигида, ғарб, шарқ тилшунослигида ва ўзбек тилшунослигида бу йўналишда қилинган ишлар анчагина. Уларда у ёки бу тилга мансуб феъл шаклининг ифодаси, маъноси, вазифалари, грамматик воситалари, адабий тил ва шева материаллари асосида ўрганилган. Аксарият ишлар аниқ бир тил материалига асосланган. Феълшунослик ботида фундаментал асарлар яратган олимлар профессор А.Ф.Фуломов, А.П.Ҳожиев, туркийшунослардан А.Н.Кононов, А.А.Юлдашев, Ф.Ганиев, Н.А.Баскаков, М.С. Михайловларни, шунингдек, Д.Г.Тумашева, М.Содиқова, Х.Байлиев, А.Т.Тибикова, С.Акбаров сингари олимларнинг алоҳида нашрлари ва мақоаларини эслаш шунини кўрсатадики, бу баҳс бўйича яратилган ишлар бўлса ҳам, аммо улар орасида қиёсий таҳлил йўналишида олиб борилган ишлар деярли йўқ.

Мавжуд ишларнинг баъзилари ҳам турк – ўзбек тили қиёси эмас, балки бошқа туркий тиллар қиёсига бағишланган.

Шундай ишлар қаторига К.А.Турсунқуловнинг «Перифрастические формы глагола в узбекском и казахском языках»<sup>1</sup>, Ф.Р.Байрамовнинг «Деривационный элемент аналитического глагола в тюркских языках»<sup>2</sup>, М.С.Михайловнинг

<sup>1</sup> Қўрасти: Турсунқулов К.А. Перифрастические формы глагола в узбекском и казахском языках, АКД, Ташкент, 1972 г.

<sup>2</sup> Ф.Р. Байрамов Деривационный элемент аналитического глагола в тюркских языках «Система и принцип языка», М, 1969 г.

«Перифрастические формы турецкого глагола»<sup>1</sup>, А.А.Юлдашевнинг «Аналитические формы глагола в тюркских языках»<sup>2</sup> номи тадқиқотларини киритиш мумкин. Фёльнинг аналитик шакллари бир тил мисолида ўрганилган ишлар эса нисбатан кўпроқ. Булар: Х.Байлиевнинг «Сложные глаголы в туркменском языке» (1952), А.Т.Тибикованинг «Составные глаголы в алтайском языке» (1969), С.Акбаровнинг «Ўзбек тилида қўшма феъллар» (1969), Ш.Кибировнинг «От отыменных сложных основах глагола в современном уйгурском языке» (1959) каби ишлардир.

Булардан ташқари, тилшунослиқда у ёки бу феълни семантик – грамматик жиҳатдан махсус тадқиқ қилиш йўналишида яратилган ишлар ҳам анчагина: уларнинг айримлари номзодлик ишлари бўлса, баъзилари илмий тўплам ва алоҳида нашр қилинган мақолалардир. Шундай ишлар сирасига О.А. Азизовнинг «Особенности глагола қилмоқ», К.А. Рахмонбердиевнинг «қара» феъли ҳақида», А.А. Цалкаламанидзеининг «Система значений и функционирование глагола бўл – в современном узбекском литературном языке», Д.А.Аликулованинг «Функционально – семантическая характеристика глагола – ол в современном узбекском языке», Е. Дауеновнинг «Глагольные словосочетания и способы их образования в современном каракалпакском языке» номи номзодлик диссертациялари ва мақолаларини<sup>3</sup> киритса бўлади. Шунингдек, мазкур мавзуга дахлдор ишлар қаторига К. Сулаймоновнинг «Перифрастические формы узбекского глагола», Турсункул Алмаматовинг «Вспомогательные глаголы в узбекских народных говорах» деб номланган номзодлик ишлари ҳам мансуб<sup>4</sup>. Ўзбек ва турк тилларида нашр қилинган ўзбекча ёки туркча дарсликларда ҳам бу ҳил қарашлар бор. Жумладан, профессор Др.Мухаррем Эргиннинг «Турк дил билгиси»<sup>5</sup>, Тахсин Бангуўглининг «Туркченин граммери»<sup>6</sup> асарлари шулар

<sup>1</sup> М.С. Михайлов. Перифрастические формы турецкого глагола («Исследования по грамматике турецкого глагола, М., 1965»)

<sup>2</sup> А. А. Юлдашев. Кўрсатилган иш., М., 1965.

<sup>3</sup> О.А. Азизов. Курсатилган иш / «Труды ТашГУ, вып. 12, Т., 1964; К.А. Рахмонбердиев. Кўрс. иш F «Ўзбек тили ва адабиёти» журналы, 1966 йил, 5 – сон; А.А.Цалкаламанидзе. курс. иш., АҚД, Ташкент, 1973; Д. А. Аликулова Курсатилган иш, Т., 1978; Е. Дауенов. Курсатилган иш, АҚД, Ташкент, 1966.

<sup>4</sup> К. Сулейманов. Курсатилган иш, АҚД, Ленинград, 1968; Т. Алмаматов. Курсатилган иш, Тошкент, 1978 й.

<sup>5</sup> Др. Мухаррем. Эргин. Кўрсатилган иш, Истанбул, 1972

<sup>6</sup> Тахсин Бангуўгу. Курсатилган иш, Анқара. 1990. Яна қарант: Ўзбек тили грамматикаси, Т. ФАН, 1 – жид, 1975 й., 2 – жид (библиография қисми)

жумласидандир. Бу борада яратилган ўзига хос йўналишдаги тадқиқотлардан яна бири В. Г. Гузевнинг «Очерки по теории творческого словоизменения. Глагол» номида рус тилида нашр этилган иши бўлиб, бу тадқиқот мавзуга доир фикрларининг ингичалиги билан диққатни тортади<sup>1</sup>.

Юқорида санаб ўтилган ишларнинг мазмун йўналишига, мақсадига эътибор қилинса, аслида уларнинг барчасида ҳам туркий тиллар табиатига мос бўлган феълларнинг луғавий — семантик табиати, грамматик хусусиятлари тавсифлаб берилган. Албатта, кўпроқ у ёки бу феълнинг қўшма шакл ҳосил қилишдаги хизмати, бошқача айтганда, кўмакчи, ёрдамчи вазифаларини ёритиш диққат марказида туради. Лекин шунга қарамай, ҳар бир нашр муаллифи илгари сурган ўзига хос қарашлар бир — биридан фарқ қилади. Чунончи, ўзбек тилида яратилган деярли ҳамма дарсликлар ва қўлланмаларда қўшма феълларнинг таърифи, унинг морфологик таркиби, турлари, бу турлардан ҳар бирининг грамматик тавсифи, қўшма феъл, қўшма шаклнинг асосий компоненти — бўлаги ҳисобланмиш кўмакчи // ёрдамчи феълларнинг семантик — грамматик табиати ёритилади. Аммо ёритилиш даражаси, ҳажми, мисолларнинг берилиши бир оз фарқли деса бўлади.

Баъзи монографик йўналишдаги тадқиқот ишларида эса бундай феълларнинг у ёки бу хусусиятигагина кўпроқ эътибор қаратилган. Масалан, М. Содиқованинг «Феъл стилистикаси» деб номланган ишида<sup>2</sup> асосий мақсад бу категориянинг услубий томонига қаратилганлиги сабабли, ҳам содда, ҳам қўшма феъллар шу нуқтаи назардан баҳоланган.

Турк тилида нашр қилинган грамматикалар мазмуни, хусусан, ҳодисанинг номланишида у қадар фарқ қилмаса ҳам, туркча ифодасида таснифу ёндашишларда ўзига хос жиҳатлари билан ўзбек тилидаги ишлардан фарқланади ҳам. Таҳсин Бангуўғлининг юқорида номи тилга олинган грамматикасида<sup>3</sup> феълларнинг бириктириш имкониятлари улар олдидан қўлланадиган сўз ва сўз шакллариининг ифодаси, синтактик вазифаси, маъноси, якка, қўшма, жуфт ҳолда қўлланишига кўра баҳоланган ва шу жиҳатдан тасниф қилинган: мустақил феъл, ёрдамчи феъл, ярим ёрдамчи феъл каби феъллар фарқлаб изоҳланган; эга вазифасидаги, тўлдирувчи вазифасидаги, ҳол вазифасидаги отлар билан қўлланувчи мустақил феъллар алоҳида — алоҳида таҳлил қилинган. Муаллифнинг ёрдамчи

<sup>1</sup> В. Г. Гузев. Кўрсатилган иш, Ленинград, изд — во ЛГУ, 1990.

<sup>2</sup> М. Содиқова. Кўрсатилган иш, Ташкент, «Фан» нашриёти, 1975 йил.

<sup>3</sup> Таҳсин Бангу ўғли. Кўрсатилган грамматика, Анқара, 1990, 310 — б.

феълларнинг ўзлашма сўзларга қўшилиб, янги феъл ясашдан кўра туркий – туркча асосга туркча қўшимча қўшиб, содда ясама феъл ҳосил қилишнинг афзаллиги ҳақидаги қарашни ҳам эътиборни тортади. Бу ишда от + феъл таркибли қўшма феъллар таркибидаги иккинчи қисмга нисбатан «ярим ёрдамчи феъл» ифодаси қўлланган<sup>1</sup>.

Бундай ифодаланишни эса ўзбек тилидаги грамматикаларда учратмаймиз.

Туркийшунос олим В.Г. Гузевнинг бу ҳақдаги қарашлари номи юқорида кўрсатилган тадқиқот ишининг 5– ва 6– бобларидан ўрин олган<sup>2</sup>. Бундай феъллар мазкур ишда аспектиаллик категорияси нуқтаи назаридан баҳолашга ҳаракат қилинган. Бу ишда феълнинг перифрастик ва аналитик шакллари алоҳида – алоҳида таҳлил қилинган; ўндан ортиқ конструкциянинг маънолари изоҳланган.

Ўзбек тилшунослигида эса бу йўналишда қилинган ишлар салмоқлидир<sup>3</sup>.

Турк тилининг грамматик тузилишини ўрганган рус шарқшуносларининг ишида қўшма феъл тушунчасига кенгроқ маъно юкланган Н.А. Баскаковнинг «Каракалпакский язык», А.Н. Кононовнинг «Грамматика турецкого языка», «Грамматика современного узбекского литературного языка», Н.К. Дмитриевнинг «Грамматика башкирского языка» каби ишларида шундай ёндошиш устунроқ.

Демак, «қўшма феъл», «аналитик феъл» деб номланувчи тушунчаларга оид қарашлар ранг – баранг ва улар кўпчилик тилшуносларнинг таҳлил объекти бўла олган. Бироқ бу борадаги қарашларда ҳали яқдиллик йўқ. Феълнинг аналитик шаклларини ҳосил қилишда иштирок этувчи – зарурий компонент – кўмакчи // ёрдамчи феълларнинг табиати қиёсий планда ўрганилмаган. Бу айниқса, турк ва ўзбек тилларини солиштириб ўрганишга оид ишларнинг деярли қилинмаганлигида кўринади. Шундай экан, умуман, феълларни, хусусан, феълнинг аналитик шаклларини 2 қондош, қардош тил мисолида ўрганиш ва бу борадаги терминологик ҳар хилликларни аниқлаш ҳозирги туркийшуносликнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

<sup>1</sup> Муаллиф бу ўринда асосан куйидаги феълларни назарда тутган ()

<sup>2</sup> В.Г. Гузев. Кўрсатилган иш. 132 – 143 – бетлар.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: А. Ҳожиев. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. Т. «ФАН», 1966, Яна қаранг: А.Ф.Ғуломов. Феъл, Т. Фан, 1954

## ЛЕКСИК БИРЛИК - ТИЗИМ ЭЛЕМЕНТИ

Сўзлар тизими бирлашмалари тилшунослик фанининг "Лексикология" бўлимида ўрганилади. Ўзбек тилшунослигида сўзларга гизим сифатида ёндашиш масалалари Х.Неъматов ва Р.Расуловнинг "Ўзбек тили систем лексикологияси асослари" кўлланмасида кенг ўритилган. Ушбу кўлланма систем тилшуносликнинг асосий тушунчалари, таҳлил усуллари ҳақида чуқур ва тушунарли тарзда берилган маълумотлари билан ажралиб туради.

Систем лексикология муаммолари қатор ўзбек олимларининг илмий ишлари (макола, рисола, диссертация, монографиялар)да ўз аксини топган.

Кўлланмада<sup>1</sup> тил ҳодисасига берилган таъриф бўйича, уларнинг барчаси учун тайёр, мажбурий бўлган бирликлар *сўв* сўзи мисолида содда қилиб тушунтирилган. Тил бирликларини шахс ясамайди, балки тайёр ҳолда жамиятдан қабул қилиб олади ва белгиланган шакл ҳамда вазибаларда қўлланилади. *Сўв* сўзи ўзбек жамияти учун хос, шунинг учун маълум хилдаги суюқликни, яъни сувни "*сўв*" деб аташи шарт. *Сувчи* сўзини олиб қарасак, [от+вчи=шахс оти] қондаси бўйича ясалган ва шундай қабул қилинган.

Тил бирликлари мазмун, вазиба томонига ва моддий (шакл) томонига ҳам эгадир. Моддий томон (субстанция) тўғрисидаги тасаввур фикрни, онг бирликлари тушунча ва тасаввурларни шакллантиради, бир моддий "қобикқа" жойлаштирилади ва моддий шакл нутқда ҳар хил кўринишларда, ёзма нутқда ҳарфлар, тиниш ва турли бошқа белгилар (математик, физик, кимёвий ва бошқа шартли белгилар) орқали юзага келади. Бу моддий шакл фикрни шакллантирибгина қолмай, балки унинг маълум бир масофага етказилишига, ўзгаларнинг қабул қилишига, таъсир этишига имкон беради (масалан қоронғи хонада имо-ишора нутқи жоиз эмас, балки сўзлашиш афзалроқ ва бошқалардир). Демак, ҳар бир бирлик ҳам фикрни шакллантиради ва уни ифодалашга хизмат қилади.

Тилнинг қурилишида учта асосий бирлик бор:

1. Фонема;

2. Морфема;

3. Қолип (ёки конструкция, қурилма, модел).

Мана шу бирликлар ўзаро муносабатларда бўлади ва бунда бир бутунликнинг таркибий қисмлари-бирликлари орасидаги ўзаро алоқалар, боғланишлар тушунилади. Систем лексикология тил бирликлари орасида уч хил муносабатларни-ўхшашлик (пардигматик), поғонали (иерархик) ва

<sup>1</sup> Ноймнтова Г.Х. "Ўсимлик номлари лексемаларининг маъновий қиймати" УТА-1996 №6.



кўшничилик (синтагматик) муносабатларни фарқлайди. "Систем лексикология нуктаи назаридан бевосита кузатишда берилган матн ва луғатларда қайд этилган сўз нутқ бирликлари ҳисобланади". Тилнинг асосий бирликлари қаторида луғавий бирлик алоҳида ажратилмаган. Морфеманинг бир тури сифатида ўзақ ва луғавий морфемалар ажратилган. Луғавий морфемаларни умумлашган маъноли грамматик кўшимчалардан-аффиксал морфемалардан фарқлаш зарур экан. Шунинг учун ҳам систем тилшуносликка лексема тушунчаси ва атамаси киритилган. Лексемага қуйидагича таъриф берилган: "Жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган, воқеликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шаклантирувчи, нутқ ва луғатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема тури лексемадир". Лексема икки шакл ва мазмун томонларига эга рамздир. Лексеманинг шакл томони (моддий қобиги, ташки томони) номама деб, мазмун томони (маъноси ички томони) эса семема деб аталади. Яъни семема бу номама билан боғланган маъно, мазмун ва вазифалардир. Семема лексеманинг ички томонини ташкил қилади. Демак, атрофимиздаги ҳар бир нарса, ҳосила, ҳодисалар бир-бири билан узвий боғлиқ ва уларнинг ҳар бири ўзича алоҳида бир тизимни ташкил қилади. Бу тизимлар, ўз навбатида, бошқа тизимлар билан муносабатда бўлади. Шунга ўхшаш ҳар бир фан ҳам, хусусан, тилшунослик фани ҳам системани ташкил этади. Ҳар бир тизим умумий ва ўзига хос хусусиятларга эга. Шунингдек, ҳар бир тил бирлигининг турли қирралари бор. Масалан, ёши, касби ташки кўриниши, маънавияти, ақли ва бошқа хусусийликларини ифодалаш ва лексик гуруҳларга ажратиш мумкин. Умуман, лексик системалар ҳақида маълумотлар, таҳлиллар ўзбек тилшунослари Э.Бегматов, И.Кўчқортоев, Ҳ.Ғ.Неъматов, Ш.Раҳматуллаев, Р.Расулов, М.Нарзиева, Ш.Орифжонова, Г.Неъматова, З.Юнусовалар<sup>1</sup> томонидан ишланган.

Юқорида номлари тилга олинган олимларимиз тадқиқотларини ўқир эканмиз, *идиш* лексемасининг маъно қирраларининг айримлари билан қизиқдик.

*Идиш* семасини ифодаловчи сўзларни "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"дан олдик.

<sup>1</sup> Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. "Лексик микросистема ва унинг тадқиқи" ЎТА.1987 №6, Б.35-40. Неъматов Ҳ., Расулов Р., "Ўзбек тилининг систем лексикологияси асослари"-Т.:Ўқитувчи,1995; Неъматова Г.Ҳ. "Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими,баддий қўлланилиши: Фил.фан.ном.диссерт.,автореф.- Т.,1998; Нарзиева М." Шахсни ёш белгисига кўра атовчи сўзлар группасининг ички классификацияси ҳақида " Т., 1987; Орифжонова Ш."Даражаляниш (градунимия)Республика ёш филология олимларининг тантанали илмий анжумани материаллари" Ш. Т.,1991; Юнусова З.Қ "Ўзбек тилида луғавий микросистеманинг таркибий ва ривожланиши"(Самовий ёриткичлар луғавий гуруҳи асосида) Фил фан ном.дис.автореф )Т.,2005. Кўчқортоев И. "Сўз маъноси ва унинг валентлиги" Т.,1977.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да идишлар сони 62 тани ташкил этади. Луғатда «идиш» сўзига қуйидагича изоҳ берилган:

**Идиш** – турли нарсалар солиб қўйиладиган уй-рўзгор ёки хўжалик буюми. Масалан, *дон идиш ,сув идиш, тунука идиш ,чинни идиш.*

Аслида эса **идиш** дейилганда, кенг маънода, яъни уй-рўзгор буюмлари назарда тутилади. Кўп ҳолатларда бу сўз жуфт сўз идиш-товок тарзида қўлланилади. Мана шу жуфтликнинг ичидан **идиш** сўзини ажратиб олдик ва унинг хусусиятларини кўриб чиқамиз.

**Идиш** - лексик бирлиги кўп кирралидир ва у бир мавзу тўдасини ташкил қилди, **идиш** луғавий гуруҳи мавзувий тўдаси (ЛМТ) ўз моҳиятига кўра қуйидагича бўлинади:

### ХЎЖАЛИК БУЮМЛАРИ

#### уй-рўзгор буюмлари

#### идиш-товок буюмлари

#### уй жихозлари

#### декоратив безаклар

Буларнинг ҳар бири яна алоҳида турларга бўлинади. Диққатимизни тортган **идиш** туркуми ҳам ўз ичида анчагина турларга эга. Масалан,

А) хонадонда ишлатиладиган идишлар-челак, тоғора;

Б) тиббиёт соҳасида ишлатиладиган идишлар-бикс, ампула;

В) заргарлик соҳасидаги ишлатиладиган идишлар-футляр, қутича;

Г) кимёвий моддалар олишда ва уларга ишлов беришда ишлатиладиган идишлар-автоклав, қолба;

Д) ўсимлик ва ҳайвонот оламида ишлатиладиган идишлар-гултувак, аквариум, қафас;

Е) қурилиш ишлари жараёнида ишлатиладиган идишлар-замбил, челак;


Ж) автомобил ва темир йўлларида ишлатиладиган идишлар-бочка, яшик, бак;

Ҳар бир тур яна, ўз навбатида, бошқа турларга бўлинади ва улар чексиз.

**Идиш** луғавий бирлиги бошқа бирликлардек кўп кирралидир. Уни тўзлиши, вазни ва ҳажми жиҳатдан бир неча тур, яъни гуруҳларга бўлиш мумкин.

Қуйида келтирилган ҳар бир банднинг мана шу тарзда бўлиниши ва бундай кўринишларнинг кўплиги яна бир бор лексик тизимнинг қанчалик бойлигини кўрсатмоқда. Бу лексик бирликнинг ўзи ва унинг ички тўзлиши ҳақида кичик бир мулоҳаза билдирилди. Ўрни келганда, уларнинг материали, қўлланиши, қандай кўчма маъноларда кела олишини ва бошқа катор хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ўрганиш давомида идиш луғавий бирлигининг камрови жуда кенглигини ва кизиқарли маълумотлар кўи эканлигини кўрдик.

*Тузилиши-вазни-ҳажми*



**Ш.Эгамова,  
ТВДПИ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИДА  
ҚўЛЛанилган феъл-лексемалар хусусида**

Туркология ва ўзбек тилшунослигида феъл туркумининг категориялари атрофлича (ҳам диахрон, ҳам синхрон, ҳам киёсий-тарихий аспектларда) ўрганилган<sup>1</sup>. Биз ушбу мақоламизда эски ўзбек тилига қадимги туркий тилдан мерос сифатида етиб келган феъл-лексемаларни туб ҳамда ясама сўзларга тақсимлаш ва улар ифодалаган маъно-мазмунни келтириш билангина чекланамиз. Биз томондан қайд этилган 557та феълнинг 183 таси (тахминан 30%) туб, қолган 374 таси эса ясама эканлиги маълум бўлди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Севортян Э.В. Аффиксы словообразования в азербайджанском языке.-М., 1962; Шербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков.(глагол).-Л.,1981; Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Қўрсатилган асар.-Б.115-186; XIII-XIV асрлар...-Б.121-123; Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология.-М.,1988.-Б.269-490; Кучкартаев И. Семантика глаголов речи в узбекском языке (Компонентный и валентный анализ): Автореф. д-ра. ... дисс.-Т., 1978; Нигматов Х. Морфология тюркского глагола по материалам Словаря Махмуда Кошгарского. Автореф. канд. ... дисс. -Л., 1970. Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти.-Т., 1976; Ўзбек тилида феъл майллари тараққиёти.-Т., 1980; Фозилов Э.И. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси.-Т., 1965; Ҳожиев А. Феъл.-Т., 1973; Расулов Р. Ўзбек тилидаги қолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. -Т.,1989. Ўзбек тили феълларининг семантик структураси.1-қисм. -Т., 1991 ва бошқалар.

<sup>2</sup> Лексемаларни туб ҳамда ясамаларга таснифлашда Севортян Э.В ҳамда Раҳматуллаев Ш. томонидан тузилган этимологик лугатларга мурожаат қилинди. Қаранг: Севортян Э.В. Этимологический словарь.

Мазкур феъл-лексемаларни куйидаги мазмун гурухларига ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Нутқ феъллари. Бу феъллар ўз навбатида яна бир қанча мавзуий гурухларга тақсимланади:

1) дэ=/тэ= “демоқ, айтмоқ” феъли;

2) сўзлов феъллари: алда= “ёлғон сўзламоқ”, сўзла= “сўзламоқ”, алқа= “мақтамоқ” ва ҳ.к;

3) талаффуз феъллари: бозла= “ҳазин овоз билан йиғламоқ”, инра= “йиғламоқ, нолимоқ”, йиғла= “йиғламоқ”, қычқыр= “қичқирмоқ”, сёк= “ҳақорат қилмоқ” ва ҳ.к;

4) ифодалов феъллари: айт= “айтмоқ”, йалын= “ялинмоқ”, йалбар= “ёлвормоқ” ва ҳ.к;

5) субъектив ҳукм феъллари: бағышла= “бағишламоқ”, йазгур= “айбламоқ” ва ҳ.к;

6) нутқий даъват феъллари: буйур= “буюрмоқ”, ўндят= “ундатмоқ; кўндирмоқ”, чорлат= “чақиртирмоқ” ва ҳ.к;

7) симметрик нутқ феъллари: сўзлаш= “гаплашмоқ, гапиришмоқ”, айтыш= “баҳслашмоқ, сўзлашмоқ”, улуш= “нола чекмоқ” ва ҳ.к.<sup>1</sup>

## II. Ҳолат феъллари.

Мазкур феъллар ҳам ўз навбатида бир қанча кичик мавзуий гурухларга ажралади<sup>2</sup>:

1) давомли ҳолат феъллари: йат= “ётмоқ”, йаша= “яшамоқ, ҳаёт кечирмоқ”, ағна= “ағнамоқ”, туш= “тушмоқ”, ёрнаш= “жойлашмоқ” ва ҳ.к;

2) ҳаракат натижаси ҳисобланмиш ҳолат феъллари: йит= “йўқ бўлмоқ”, йайыл= “тарқалмоқ”, йарыл= “йиртилмоқ”, бўқул= “энгашмоқ”, йықыл= “йиқилмоқ”, йығыл= “йиғилмоқ”, тэрил= “тизилмоқ”, сён= “ўчмоқ, сўнмоқ” ва ҳ.к;

3) ижро ҳолати феъллари: аяа= “аямоқ, эҳтиёт қилмоқ”, аргада= “пойламоқ, сақламоқ”, йашур= “яширмоқ, бекитмоқ”, тўзат= “созламоқ, тузатмоқ”, қайтар= “қайтармоқ”, ва ҳ.к;

4) ҳаракатнинг ҳолати феъллари: арыт= “покламоқ, тозаламоқ”, балала= “бола туғмоқ”, иси= “исимоқ”, аз= “адашмоқ” ва ҳ.к;

5) малака ҳолати феъллари: ынан= “инонмоқ, ишонмоқ”, ёрган= “ўрганмоқ”, сығын= “топинмоқ, сажда қилмоқ” ва ҳ.к;

6) образли ҳолат феъллари: йалқы= “безамоқ”, көкря= “гулдирамоқ”, мшна= “яшнамоқ, ялтирамоқ”, янша= “эзмаланмоқ”, ва ҳ.к;

<sup>1</sup> Ўзгич: Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Т., 1977. –168 б

<sup>2</sup> Ўзгич: Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари...

7) биологик ҳолат феъллари: кэкир= “кекирмоқ”, куру= “қуримоқ”, улғай= “улғаймоқ”, той= “тўймоқ”, йықыл= “қуламоқ, ағдарилмоқ”, йазыл= “очилмоқ, гулламоқ” ва х.к;

8) физиологик ҳолат феъллари: иглән= “бетобланмоқ, касалга чалинмоқ”, уйукла= “ухламоқ”, эмгән= “машаққат, азият чекмоқ”, тын= “тинчланмоқ”, ёл= “вафот этмоқ”, ва х.к;

9) руҳий ҳолат феъллари: кўл= “қулмоқ”, йығла= “йиғламоқ”, қуван= “қувонмоқ”, қорқ= “қўрқмоқ”, сэвўн= “севинмоқ, шодланмоқ”, ёксўн= “хафа бўлмоқ, ўксинмоқ” ва х.к.

III. Ҳаракат феъллари: Ушбу мавзуй гуруҳга қарашли лексемаларни куйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда таснифлаш мумкин<sup>1</sup>:

1) горизонтал ҳаракат феъллари: бар= “бормоқ”, йан= “қайтмоқ” ақ= “оқмоқ”, кэт= “кетмоқ”, тарқа= “тарқаб кетмоқ”, тэрил= “сафланмоқ, қаторга турмоқ”, ва х.к;

2) тик ҳаракат феъллари: йағ= “ёғмоқ”, мин= “минмоқ”, йўкўн= “таъзим қилмоқ”, ас= “осмоқ”, сэкри= “сакрамоқ”, сэкрит= “сақратмоқ” ва х.к;

3) айланма ҳаракат феъллари: чэврўл= “айланмоқ”, ағна= “думаламоқ, ағнамоқ” боғлат= “ бекитмоқ”, кэз= “айланиб юрмоқ, кезмоқ, сайр қилмоқ”, эвўр= “айлантирмоқ”, эврўл= “айланмоқ, чарх урмоқ”, эврўш= “бирга айлантирмоқ, бериб юбормоқ, қайтармоқ” ва х.к;

4) тебранма ҳаракат феъллари: тэбрән= “тебранмоқ”, тэбрә= “кимирламоқ, тебранмоқ”, тэбрәт= “тебратмоқ, кимирлатмоқ”, тэврән= “кимирламоқ, тебранмоқ”, толған= “тўлғанмоқ” ва х.к.

IV. Юмуш феъллари сирасига кирувчи лексик бирликлар<sup>1</sup>: тара= “тарамоқ”, тақ= “тақмоқ”, тэр= “йиғмоқ, термоқ”, тők= “тўкмоқ”, арт= “артмоқ, покламоқ”, сағ= “соғмоқ”, сува= “сувамоқ, бўямоқ”, супур= “супурмоқ, тозаламоқ”, сурт= “суртмоқ”, сөй= “сўймоқ, шилмоқ (терини)” ва х.к.

V. Сизги феъллари гуруҳига тегишли феъл - лексемалар<sup>2</sup>: сэз= “сезмоқ”, агры= “оғримоқ”, қабар= “қавармоқ, шишмоқ”, ачыт= “ачитмоқ” ва х.к.

<sup>1</sup> Ҳаракат феълларининг синхроник таққийи хусусида қаранг: Солиқова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (семантик аспектда): Филол. фан. д-ри. дисс...-Т., 1991; Халиков К. Глаголы движения в современном узбекском литературном языке: Дисс. ... канд. филол. наук -Самарканд, 1967; Оразов М. Ўзбек тилида ҳаракат феъллари. Совет мактаби. -1983.-№12.-Б.30; Мухаммедова С. Йўналма ҳаракат феълларининг ўзига хос валентлиги ЎТА. 1999. -№4, -Б.65-66; Шабанов Д. Турк ва ўзбек тилларида фаол ҳаракат феълларининг семантикаси: Филол. фан. номзоди... дисс. автореф.-Т., 2003; Мухаммедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. -Т.: Фан, 2005. -Б.3-9.

<sup>1</sup> Қаранг: Шарипова Ў. Ўзбек тилида юмуш феълларининг маъно валентлиги: Филол. фан. номзоди дисс... автореф. -Тошкент, 1996. -21 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Мусаев Т. Ўзбек тилида сезги феъллари: Филол. фан. номзоди. дисс... -Т., 1992. -167 б.

ҮІ. Кўрув феъллари<sup>3</sup>: бақ= “назар ташламоқ, карамок”, кўр= “кўрмоқ”, кўрўли= “кўрилмоқ, назардан ўтказилмоқ”, тик= “қарамок, кўз тикмоқ”, тлимўр= “термулиб қарамок ва ҳ.к.

ҮІІ. Ейиш-ичиш маъносига алоқадор феъллар: йут= “ютмоқ”, тойғар= “тўйғизмоқ, тўқламоқ”, сўмўр= “симираммоқ”, ич= “ичмоқ”, йэ= “емоқ, овқатланмоқ”, тат= “татиб кўрмоқ” ва ҳ.к.

ҮШ. Тақлид асосида вужудга келган феъллар: инрў= “инграммоқ”, мўнўлан= “қайгуга тушмоқ”, бўзла= “қаттиқ йиғламоқ” ва ҳ.к.

ІХ. Эшитиш феъллари: таңла= “таажжубланмоқ, ажабланмоқ”, эшит= “эшитмоқ, кулоқ солмоқ”, эшитил= “эшитилмоқ”. Илк марта “Қутадғу билиг” да қўлланган (ДТС, 568) ва хозирги ўзбек тилида фаол ишлатилаётган тиңла= феъли Навоий асарларида қайд этилмайди.

Х. Давомли ҳаракат феъллари: олтур= “ўтирмоқ”, чал= “чалмоқ”, ойна= “ўйнамоқ”, бол= “бўлмоқ, мавжуд бўлмоқ”, қал= “қолмоқ” ва ҳ.к.

ХІ. Ҳаракатнинг тўла бажарилишини ифодаловчи феъллар: бас= “яқсон қилмоқ”, басыл= “яқсон қилинмоқ”, булган= “ифлос қилинмоқ”, ўт= “кечмоқ, ўтмоқ”, ййбар= “юбормоқ, жўнатмоқ, йўлламоқ” ва ҳ.к.

ХІІ. Ҳаракатнинг субъект томонидан бажарилишини ифодаловчи феъллар:

а) –т (ыт / ит // -ут / -ўт) аффиксли феъллар: агнат= “агнатмоқ”, қабарт= “қавартирмоқ, шиширмоқ”, қарарт= “қорайтирмоқ”, қызарт= “қизартирмоқ”, тарқат= “тўзитмоқ, тарқатмоқ” ва ҳ.к;

б) –р (-ар / аър // -ур / -ўр) аффиксли феъллар: қайтар= “қайгармоқ”, қачур= “қочирмоқ”, тэгўр= “тегизмоқ” ва ҳ.к;

в) –ғыз / -гиз // -қыз / -қиз аффиксли феъллар: турғуз= “тургизмоқ”, йутқуз= “юттирмоқ” ва ҳ.к;

г) –дур / -дўр // -тур / -тўр аффиксли феъллар: атландур= “отландирмоқ, сафарга тайёрламоқ, йўқўндўр= “таъзим қилдирмоқ” ва ҳ.к;

д) –з аффиксли феъллар: ақыз= “оқизмоқ”, тамыз= “томчилятиб қўймоқ, томизмоқ” ва ҳ.к.

е) –қар / қар // -ғар / -ғар аффиксли феъллар: ўтқар= “жўнатмоқ, кузатиб қўймоқ”, кўнғар= “тўғриламоқ, ағдармоқ”, тойғар= “тўйдирмоқ” ва ҳ.к.

ХІІІ. Иш-ҳаракатнинг субъектлар томонидан бажарилишини ифодаловчи феъллар: тоқуш= “урушмоқ”, талаш= “талашмоқ”, уруш= “савашмоқ, урушмоқ”, кўрўш= “кўришмоқ”, ўчаш= “ўчакишмоқ, душманлашмоқ” ва ҳ.к.

<sup>3</sup> Сиддиқов З. Ўзбек ва турк тилларида кўрув лексемалари семантикаси: Филол. фанлари. номзоди. дисс.-Г., 2000. -166 б.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, адиб асарлари тилида қўлланилган кадимги туркий сўзларнинг негизини (тахминан 50%)ни нафақат нарса-предметни номини атовчи, балки нарса-предмет харакати белгисини ифодаловчи лексик бирликлар ташкил этади.

С.Юсунова,  
ТДШИ

### БОҒЛОВЧИЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ҲАҚИДА

Ўзбек тилшунослигида сўз туркумлари, уларнинг моҳияти ва хусусиятлари тадбиқ этилган. Ёрдамчи сўз туркумларидан бўлмиш боғловчилар ҳақида махсус илмий ишлар мавжуд,<sup>1</sup> аммо бу бирликларнинг вазифаси, тутган ўрни ҳали ҳам таҳлил талабдир. Ёрдамчи сўзлардан боғловчи ва юқламалар қўшимча гап ҳосил қилишда муҳим мавкега эга. Эргаш гап турларини аниқлашда анъанавий синтаксисда асосий омил мазмун бўлганлиги учун бир хил қурилмалли, аммо маъно бўёғи билан фарқланувчи гаплар қўшимча гапларнинг ҳар хил турларига киритилар эди. Масалан, *Салима келса, дарс бошланади* гапида шарт бўёғи мавжуд бўлса, шарт эргаш гапли, пайт бўёғи мавжуд бўлса пайт эргаш гапли қўшма гап сифатида баҳоланиб келган эди. Фақат 80-йиллардан кейин, содда гап асосига кесим олингандан кейингина бу масалага жиддий қаралди: синтактик тасниф қурилишга асосланиши керакми ё мазмунгами?! Ахир, биз «Бола туғилди» гапини пайдо бўлиш гаплари, «Бола ўлди»ниўлиш-йўқолиш гаплари деб тасниф этмаймиз-ку.

Бу ҳодиса - мазмун омили қўшма гап қисмлари (компонентлари) бири бири билан турли-туман боғловчилар воситасида боғланиб келганда яққол кўзга ташланади. Қуйидаги қаторларни солиштиринг:

Биринчи гап	Боғлаш воситаси	Иккинчи гап
1. Ўқитувчи келди	,	дарс бошланди
2. Ўқитувчи келди	-ю,	дарс бошланди
3. Ўқитувчи келди	, чунки	дарс бошланди
4. Ўқитувчи келди	, шунинг учун	дарс бошланди
5. Ўқитувчи келди	, натижада	дарс бошланди

Жадвалда келтирилган гаплар синтактик нуқтаи назардан тўрт хил баҳоланади (боғловчисиз қўшма гап, боғланган қўшма гап, сабаб эргаш гапли қўшма гап, натижа эргаш гапли қўшма гап).

Жадвалда акс этган гапларда синтактик ҳодиса - гап парадигмаси акс эттирилганми ёки морфологик ҳодиса - боловчилар парадигмаси ўз аксини

<sup>1</sup> Ўзбек тилига оид академграмматика, дарслик, ўқув қўлланмаларга қар.

топганми? Агар бу ерда боғловчилар парадигмаси ўз аксини топган бўлса, нима учун бу боғловчилар хусусиятларини қўшма гап турларига қўчиришимиз керак экан?

Мен келдим, аммо уни қўрмадим қурилишли гаплар синтаксисимиз тиликига қўра содда гап, уюшган лексемали содда гапдир. Ҳақиқатда ҳам келдим ва қўрмадим бўлаклари бита эга мен атрофида бирлашади ҳамда бу каби синтактик талқинда ҳеч қандай карама-қаршилик йўқ. Бу гап туркибида аммо зидлов боғловчиси мавжуд. Бу боғловчиларнинг вазифаси ўзбек тили грамматикаларида қуйидагича белгиланган:

1. «Гапнинг уюшиқ бўлақларини ва содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар боғловчи дейилади».

2. «Гап бўлақларини ёки қўшма гап ичидаги содда гапларни ўзаро бир-бири билан боғлаш учун хизмат қилувчи сўзлар боғловчи дейилади».

3. «Боғловчилар гап бўлақлари ва айрим-айрим содда гапларни боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлардир».

4. «Боғловчилар қўшма гап составидаги айрим содда гаплар ва уюшган бўлақлар орасидаги турли муносабатларни ифода этиш учун қўлланадиган ёрдамчи сўзлардир» ва бошқалар. Бевосита зидлов боғловчилари ҳақида қуйидаги фикрлар бор:

а) Боғловчилар тилимизда уюшган бўлақларни боғлаш вазифасида жуда кам қўлланадилар. Бу боғловчилар, қўнинча, айрим гапларни бир-бирига боғлаб келиб ёки гапнинг бошида келиб, ўзларидан олдин келган гапга нисбатан кейинги гапнинг зид, карама-қарши қўйилганини кўрсатиш учун ишлатиладилар;

б) «Зидловчи боғловчилар. Бундай боғловчилар содда гап ва боғланган қўшма гапларда қўлланиб, ҳодиса, иш-ҳаракат ёки бирор предметни бошқасига зид қилиб, уларнинг орасидаги карама-қарши муносабатни билдиради»;

в) «Зидловчи боғловчилар. Булар маъно жиҳатидан бир-бирига зид, карама-қарши бўлган уюшиқ бўлақларни ёки гапларни боғлашга қўлланади».

Мана шу таърифларда бир фикр ажралиб туради: бу боғловчилар «зид, карама-қарши бўлган уюшиқ бўлақларни ёки гапларни боғлашда қўлланади». Бу фикрни жуда тўғри дейиш қийин. Негаки зидловчи боғловчи баъзан маъно жиҳатдан карама-қарши бўлмаган гап бўлақларини ҳам ўзаро боғлаши мумкин, чунончи, ... «гапираман, аммо ... ёзаман ҳам», - гапираман, аммо ёзмайман» каби бир қатор гапларни келтириш мумкинки, бу каби (биринчи)ларда зиддият ва мазмунда ва на шаклланишда бор. Шу каби гаплар «...гапираман ва ...ёзаман ҳам» каби тузилмаларнинг бир қўриниши деб ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, шунинг эса тутиш керакки, бошқа боғловчилардан фарқли равишда шунингилари ҳукм билан боғлиқ, шунинг учун улар уюшиқ кесим (кенг



маънода) -лар билан қўлланади. Бизнинг синтаксисимизда, юқорида кўргансимиздек, зидлов боғловчилари уюшиқ бўлақларни, гап бўлақларини ...боғлайди<sup>1</sup> деб қайд этилган-у, аммо шу каби таърифларга аниқлик киритилмаган: қайси уюшиқ бўлақларни, ҳаммасиними? Бу ўринда зидлов боғловчилари уюшиқ кесимларни ўзаро боғлашга хизмат қилиши, аммо бошқа гап бўлақларини боғлашда роли йўқлигини қайд этиш лозим эди. Бу фикр, жумладан аммо боғловчисининг гап бўлақлари - уюшиқ кесимларни боғлаши вазифаси ҳақидаги фикр анъанавий грамматикамизнинг морфология бобида ҳам ҳеч қаерда қайд этилмаган. Кўриниб турибдики, грамматикамизнинг морфологик талқини билан синтактик талқини орасида зиддият юзага келган. Демак, илмий грамматикамизда ҳанузгача шу каби масалаларга конкрет ёндашилмаган, умумий фикрлар баён этилган, холос, натижада юқоридаги каби ноаниқликлар вужудга келган. Умуман, «Боғловчилар билан боғлиқ масалаларни тўғри ва тўла ҳал этиш учун бевосита ўзбек тили фактларидан келиб чиқиш, боғловчиларнинг турларини белгилаш, уларни номлашда ўзбек тили боғловчиларининг маъно ва бошқа хусусиятларига асосланиш керак бўлади.<sup>2</sup>

Д.М. Тешабаева  
ЎзГУМЯ, доцент

## СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ В ЯЗЫКЕ ПРЕССЫ

В прессе все языковые средства служат задачам убеждения и агитации. Иначе говоря, использование языковых средств определяется во многом их социально-оценочными качествами и возможностями с точки зрения эффективного и целеустремленного воздействия на массовую аудиторию.

В лексике воздействующая функция осуществляется, прежде всего в новизне знаний, возникающей благодаря расширению лексической сочетаемости слов. Эта типичная черта связана, со стремлением выразить мысль броско, экспрессивно.

Социальная оценочность языковых средств выступает как главная особенность газетного стиля, выделяющая его среди других функциональных стилей и проявляющаяся на всех «уровнях» его языка, но особенно явно и ярко в лексике.

<sup>1</sup> Аскарова М., Абдурахмонов Х. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. Т. 1972; Грамматика современного русского литературного языка. Под ред. Шведовой Н.Ю. М., 1970; Синтаксис сложного предложения /Устойчивые структуры русского языка, Казань, 1985; Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Хозирги ўзбек адабий тили. Т., 1075; Мелданинов И.И. Предикативность, сказуемость и глагольность //Вестник ЛГУ. Л., 1946.

<sup>2</sup> Хожиев А. Хозирги ўзбек адабий тили боғловчилари ҳақида мулохазалар//Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, 2-сон. Б.-51-56

Экспрессивную функцию в области синтаксиса реализуют в средствах так называемого поэтического синтаксиса – антитезы, инверсии, единоначатия, параллелизма конструкций. Примеры антитезы: *леса много денег мало*. (АиФ март 2003г., № 11); *Человек скорее мертв, но на самом деле жив* (Т. февраль 2003г. № 32).

Инверсия: *Учиться ему всегда хотелось, потому и отправился в Ташкент, чтобы стать студентом*. (В.Т, 5февраля 2003г. № 16).  
Параллелизм конструкций: *Радость, которой делятся – двойная радость, проблема, которой делятся – половина проблемы* (В.Т. март 2003г. №25)  
Единоначатие: *Он посвятил себя литературе, он посвятил себя стихам* (Т. февраль 2003г. № 55).

Разнообразны особенности использования в стилистических целях однородных членов предложения (употребления их парами, повторение, градация; использование их с усилительными местоимениями, наречиями, частицами); обособления; расчленения главных членов в именных предложениях: *Здесь каждый день особенный* (В.Т. 10 апреля 2003г. №41)  
*Уют в доме – прежде всего*. (Т. март 2003г. № 61)  
вопросительных предложений, содержащих проблемные вопросы: *Кого выберет Чечня?* (Н.У. апрель 2003г. №14) *Так ли уж страшен азиатский грипп?* (Н.У. апрель 2003г. № 14); *Как оценить результаты научной мысли?* (В.Т. 15 мая 2003г. №94); *восклицательных – призывных – предложений; именительного представления в зачинах: победа! Каким трудом она дается?* (М.У. апрель 2003г. № 10); цепей номинативных предложений в целях изобразительности, а также вообще разговорных конструкций.

Социальная оценочность, коммуникативная общезначимость обуславливают и другие специфические свойства газетного стиля в частности, особый характер его экспрессивности. По сравнению с другими функциональными стилями, доля средств и способов достижения экспрессивности оказывается в газетной речи весьма высокой.

Экспрессия газетной речи может осуществляться в разных формах, конечно не только готовыми вне контекстуальными языковыми паразитическими средствами. Следует помнить, что и форма сдержанного, спокойного доказательства способна быть выразительной, т.е. экспрессивной, оказывается воплощением той же воздействующей функции.

Особенной экспрессией и специфичностью обладают заголовки. Они выполняют ещё и рекламную функцию. От него зависит то, прочтет ли читатель данную публикацию. В них активизируется новизна выражения, используются те разновидности словосочетаний и синтаксических конструкций, которые не являются широкоупотребительными в других сферах общения: *Не стучите – дверь открыта.*; *С кем будем надеждать?;* *Протрезвели – прослезилась;* *Трижды – по экватору!;* *Кто*

*же нажал кнопку?; Россия: показатели растут. В моргах. ; И я – не я; Пустые кинозалы – не повод расстаться с жизнью; Осторожней на поворотах!; Все претензии – к погоде; Кошилка: да здравствует свиное богатство!*

Экспрессивность, выразительность газетного стиля не сводятся к образности и не ограничиваются ею. Это лишь один из возможных компонентов, одно из слагаемых выразительности газетной речи.

«Экспрессия газетной речи – экспрессия целенаправленная, избирательная, оценочная».<sup>1</sup> Например, тропы в газете имеют ценность не сами по себе, как украшение слова, средство оживления материала а, прежде всего с точки зрения оценочного эффекта, который они производят. Газетный стиль с одной стороны, налагает определенные ограничения на использование тропов, с другой, как бы специализирует их. В рамках газетного стиля метафоры, сравнения метонимии и т.д. выполняют специфические функции, обусловленные задачами газетного стиля. Речь, изобилующая тропами труднодоступна, нарушает принцип коммуникативный общезначимости, а потому представляется и эстетически неприемлемой.

С другой стороны, надо иметь в виду и характер самих тропов. Сложные, искусственные, изощренные метафоры, метонимии, уместные в поэзии или некоторых прозаических жанрах, противоречат природе массовой коммуникации. Эстетическим критерием служат здесь простота и ясность метафоризации, а также её контрастность и неожиданность переноса.

В рамках каждого стиля метафоры трансформируются, видоизменяются в соответствии с внутри стилевыми факторами и потребностями, имеют разную направленность. Например: клюнули на приманку, или сделали вид, что клюнули; набил себе руку и карман; летала по его пятам; говорят на разных языках; вынул идею у меня буквально изо рта.

Весьма показателен и избирательный характер источников метафоризации. Материал для сравнений и метафор черпается из областей, обладающих популярностью, само обращение к которым уже вызывает оценочный эффект.

С оценочным характером тесно связаны и такие особенности газетной метафоры, как обобщенность. Такие метафоры, как например: старт, финиш, прелюдия, финал передают идею начала, конца. Локальный, текстовый, речевой характер; стереотипность, социально-закрепленный, моделированный характер метафор, которые создаются серийно, по определенным семантико-синтаксическим моделям, - все эти особенности и дают в совокупности то, что мы можем назвать газетной метафорой.

<sup>1</sup> Язык и стиль средств массовой информации и пропаганды. /под ред. Д.Э.Розенталя М., 1980. с.14

Если же говорить в целом об экспрессивности газетного стиля, то она, как образность художественной литературы имеет системный характер и не сводится к метафорам, сравнениям, эпитетам и т.д. Экспрессивно значимыми оказываются все языковые средства.

Газетная речь – это, прежде всего речь, призванная воздействовать и потому максимально учитывающая интересы и удобства аудитории.

В лексике для языка газетной массовой коммуникации не характерны, хотя и возможны, узкоспециальные слова и выражения: *производить алюминиевый профиль; развитие операций инвестиционного кредитования и проектного финансирования; иммиграционная квота; юридическое лицо* и т.д.

То же в морфологии, фонетике, словообразовании, синтаксисе. Исключаются крайности – все, что может вызвать затруднения в понимании сообщения. Язык газеты должен быть коммуникативно-общеупотребительным, т.е. ясным, кратким и выразительным. Это требование четко обрисовывает и эстетический идеал языковой газетной формы.

К газетизму можно отнести языковые явления и единицы, широкоупотребительные именно в этой сфере и в то же время мало или почти не употребительные в других сферах речи; например, книжные слова приподнятой стилистической окраски, которые, будучи употребительными, в других сферах речи, несут на себе печать газетности: *неуклонный, единодушно, начертан, свершения, обуздание, бесчинства.*

В области морфологии, характерное для газеты значение настоящего времени, называемое настоящим репортажа. Его своеобразие заключается в выражении отрезка времени «вокруг» момента речи, т.е. момента речи настоящего расширенного и с акцентом на актуальности сегодняшнего прогресса состояния. Оно передает действие как бы совершающееся «на глазах» у воспринимающего это действие автора речи, и определяет оно не столько действие, сколько его признак, качество действия. Если же обратиться к собственно функционально-стилистической стороне газетной речи, то её специфика обнаружится ещё более ярко и определённно.

Газета рождает и свою фразеологию. Устойчивые сочетания входят в газетный арсенал газетных стандартов и часто переходят в штампы.

Подчеркнутая установка на выбор грамматических средств языка, а также особые социально-культурные условия, в которые поставлена газета – все это приводит к тому, что привычные и основные типы газетной информации строятся по готовому шаблону, обусловлены выработанными уже в процессе газетного производства речевыми штампами: *на данном этапе, на сегодняшний день, деловая дружба, резкая критика, широкий*

размах, проведенное мероприятие, горячая поддержка и т.д.; языковыми клише: соревноваться за., каждая минута.

Следует учитывать, что газета отличается существенным своеобразием условий языкового творчества; она создается в кратчайшие сроки, порой не дающие возможности довести до идеала обработку языкового материала.

«Стандартизации способствуют оперативный характер журналистской деятельности, повторяемость, периодичность тем, ситуаций».<sup>1</sup>

Одной из важных причин порождения стандартов, а иногда и газетных штампов является и стремление к экспрессивности высказывания. А поиски способов экспрессивности в особых условиях, газетного творчества, вызывают быстрый переход экспрессии в стандарт, когда даже оборот, удачный с точки зрения критериев выразительности, будучи подхваченным многочисленными корреспондентами во многих газетах, очень быстро «стирается», превращаясь в штамп.<sup>2</sup> «Омоложение» газетной фразеологии может быть всякий раз лишь частичным, но оно должно быть постоянным и интенсивным. Поэтому по большей части оно проходит в пределах уже ограниченных средств выражения, опираясь на их системность, создаваемую «синонимизацией» и «отоминимизацией». Например, с одной стороны складываются соотношения между *прописаться получить прописку – стать новоселом – справиться новоселье*, а с другой стороны, соотношения между людьми в *белых халатах – врачи и продавцы*.

В наше время, когда массовый читатель обладает высоким уровнем образования и культуры, сами средства и характер выразительности оказываются иными, чем раньше. В чем состоит стилистическое мастерство пишущего, исходя из требований конкретной коммуникации, выбрать наилучшие в данном контексте языковые средства воздействия на читателя.

Н. Ахмедова,  
ТДПУ

## ПРОПОЗИТИВ МУРОЖААТ БИРЛИКЛАРИ

Хозирда анъанавий синтаксис назариясидан фаркли гапнинг мазмуний ва курилиш маркази кесим деб қаралмоқда ва гап бўлақлари кесимга бўлган муносабатига қараб белгиланмоқда. Демак, гапнинг таркибидан кесимни ажратиш бўлинишнинг биринчи босқичи саналади. Иккинчи босқичда эса кесим билан бевосита муносабатга киришган ва унинг

<sup>1</sup> Балли Ш. Французская стилистика М., 1961. с.109

<sup>2</sup> Винокур Г.О. Культура языка. М., 1928 с.181-182

маълум бўш ўрнини тўлдириб келиш учун хизмат килган бўлақлар ажратилади. Бу бўлишнинг иккинчи даражаси ҳисобланади.

Ғап бўлақлари бошқа сўзлар билан кенгайиб, улар билан биргаликда кесимга нисбатан битта синтактик вазифада келиши мумкин. Бундай кенгайтирувчи бўлақлар ғапнинг тузилиш бирлиги сифатида эмас, балки бўлақнинг бўлаги сифатида ажралади ва бўлишнинг учинчи даражасини ташкил қилади. Шунингдек, ғапнинг умумий мазмунини мураккаблаштириш учун хизмат қиладиган ундалма, кириш, киритмалар ҳам ажратиладики, бу бўлишнинг тўртинчи даражасини ташкил қилади.

Ғар қандай ғап мазмунида уч аспект иштирок этади: 1) пропозитив (номинатив) аспект; 2) модал (объектив муносабат)аспект; 3) коммуникатив (рематематик) аспектлар. Пропозиция ғапнинг мазмуний маркази, яъни ғап семантикасида ўз ифодасини топган объектив мазмун, унинг денотатив томонидир.

Пропозитив қурилишнинг марказий элементи предикатдир. Ғап таркибида предикатлар бир ёки бирдан ортқ бўлиши мумкин. Кўп предикатли содда ғапларда аргумент позициясида келувчи предикативлик белгисига эга бўлмаган предикатлар маълум пропозицияни ифодаласа ҳам, ammo ғап бўлиб шакллана олмайди. Бунда предикат орқали ифодаланган пропозиция асосий, предикативлик белгисига эга бўлмаган предикатлар орқали ифодаланган пропозиция иккиламчи пропозиция ҳисобланади. Иккиламчи пропозицияни ифодаловчи предикат “иккинчи даражали предикация”<sup>1</sup>, “полупредикативлик”<sup>2</sup>, “қўшимча предикация”<sup>3</sup>, “иккиламчи предикация”<sup>4</sup>, тобе предикация, боғли предикация ва имплицит предикативлик каби терминлар билан номланади. Иккинчи даражали предикативлик сифатдош, равишдош ва ҳаракат номили ўрамлар (оборотлар) орқали шаклланади.

Мурожаат бирликлари таркибида ҳам маълум пропозиция ифодаловчи сифатдошлар орқали иккинчи даражали предикация ифодаланади. Асосий предикат ифодалаган пропозицияга қўшимча тарзда мурожаат бирлигидаги пропозиция ҳисобига ғапнинг семантик таркибида мураккаблашиш, яъни семантик-синтактик асимметрия юзага келади.

Мурожаат бирлиги таркибида иккинчи даражали предикацияга эга бўлган сифатдош ўрамлар таркибида субъект бўлаги мавжуд ёки мавжуд эмаслигига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

<sup>1</sup> Мухомудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда ғапларда семантик-синтактик асимметрия. Т.: “Ўқитувчи” 1984, 111 б.

<sup>2</sup> Абдурахмонов Ф. Синтаксис осложненного предложения. – В сб.: «Структура и история тюркских языков», М.: 1971, стр. 139-140; Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Синтаксис. Т.: 1976, 206-207-б.

<sup>3</sup> Долопова Г. А. Очерки функционального синтаксиса русского языка. М.: 1973, стр. 260

<sup>4</sup> Сак Н. Г., Ройзенблит Е. Б. Очерки по сопоставительному изучению французского и русского языков. М.: 1965, стр. 243-248.

1. Субъект бўлаги мавжуд сифатдош ўрамли мурожаат бирликлари. Бундай гапларда иккинчи даражали предикатга эга бўлган сифатдош ўрамлар яхлитлигича предикат субъектига қўшимча тавсиф беради, сифатдошнинг айна семантикасига кўра асосий предикат субъектининг доимий бўлмаган белгисини, хусусиятини билдириб келади.<sup>1</sup> Асосий предикатнинг субъекти айна пайтда сифатдошдан иборат предикатив бўлак ифода этган ҳаракатнинг воситасиз (ҳаракатнинг бевосита ўтадиган) объектини ҳам ифода этади. Бу ҳолат ўрамдаги предикатив бўлак ўтимли сифатдошдан иборат бўлгандагина кузатилади: *Қайдасан, эй шамол олиб кетган гул?* (И. Мирзо). Бу гаптаги сифатдош ўрамнинг (*шамол олиб кетган*) предикатив бўлаги бўлмиш *олиб кетган* – ўтимли шаклдор, шунинг учун ҳам асосий предикатнинг субъекти сифатида катнашаётган *гул* сўзи мазкур сифатдош ўрам трансформациядан олдинги тузилмада воситасиз тўлдирувчи ўрнида бўлганлигини қайд этиш мумкин. Қиёс: *Шамол гулни олиб кетди // шамол олиб кетган гул*. Бунда сифатдош ўрамдаги иккинчи даражали предикат асосида ётувчи пропозиция асосий гаптаги пропозицияга қўшилиб, мазкур содда гап мазмуний таркибини мураккаблаштирган.

2. Субъект бўлаги синтактик жиҳатдан бевосита ифодаланмаган сифатдош ўрамли мурожаат бирликлари. Бунда сифатдош ўрамдаги иккинчи даражали предикатнинг синтактик жиҳатдан ифодаланмаган субъект бўлаги сифатдош ўрамга нисбатан аниқланмиш вазифасида, сифатдош ўрам эса аниқловчи вазифасида бўлиб, яхлит ҳолда мурожаат бирлиги бўлиб келади. Масалан: *Ўн бешдан ошган ўғлоним*, ҳамшиша акли ва феъли кучлиларга яқин юр. (Т. Содиқова) Ушбу содда гапта асосий предикат (юр) орқали маълум пропозиция ифодаланган, бироқ гаптаги мурожаат бирлигида ҳам иккинчи даражали предикат (сифатдош) мавжуд бўлиб, у ҳам асосий пропозицияга қўшимча муайян пропозицияни билдирипти. Асосий мурожаат сўзи (ўғлоним) ва сифатдош ўрами (ўн бешдан ошган) аниқловчи + аниқланмиш муносабатида бўлиб, *Ўғлоним ўн бешдан ошган* гапининг трансформацияси натижасида ҳосил бўлган. Маълумки, сифатдош ўрамлар сифатдошда бошқа сўзларни бошқариб кела олишдан иборат имкониятнинг (потенциянинг) мавжудлиги ҳисобига ҳосил бўлмайди, балки ана шу сўзлар иштирокидаги гапнинг трансформацияси натижасида шаклланади<sup>2</sup>. Мустақил гаплар трансформациясидан иборат бўлган бундай сифатдош ўрамлар айна сифатдошнинг семантик ва грамматик табиатига кўра, кўпинча, адъективацияга учраган бўлади<sup>3</sup>. Юқоридаги гап аслида шундай ҳолатда

<sup>1</sup>Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т.: "Ўқитувчи", 1995, 118-б.

<sup>2</sup>Гаджиева Н. З. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. М.: 1973, стр. 236-237.

<sup>3</sup>Гаджиева Н. З. Кўрсатилган асар. 235-б.

бўлган: *Ўзлоним*, ўн бешдан ошдинг, хамиша ақли ва феъли кучлиларга яқин юр. Маълум пропозицияни ифодаловчи биринчи гап трансформацияга учраб, сифатдош шаклида иккинчи даражали предикатга айлانган ва аргументлари билан биргаликда мурожаат бирлигининг аниқловчиси бўлиб келган. Ҳар икки ҳолда ҳам бир хил пропозиция ифодаланмоқда: ҳар икки тизимда ҳам бир хил субъект ва бир хил предикат (ўн бешдан ошмоқ) ҳақида гап боради. Шунга қарамай, бу икки конструкция ўртасида муҳим, принципиал фарқ бор. Иккиламчи пропозиция ифодаловчи иккинчи даражали предикатнинг мурожаат бирлигининг аниқловчиси вазифасида келиши мурожаат бирлигининг таъсирчан бўлишини таъминлайди. Бунда сифатдош ўрам асосий предикациядаги субъектнинг логик жихатдан таъкидлаш, сифатлаш, таъсирчанлик мақсадига қаратилган бўлади.

3. Предикатив белги билдирувчи сўзлар билан ифодаланган мурожаат бирликлари:

*О, менинг қалби пок биродарларим,*

Қонингиз не учун бемаҳал тинди. (А. Орипов)

Бунда предикатив бўлак вазифасини белги ифодаловчи сўзлар баъжариб келяпти, яъни пок сўзи иккинчи даражали предикацияли тизимни шакллантирган. Бу тизимга кўра ушбу содда гапда семантик-синтактик номунвофиклик юзага келган, яъни битта содда гапда иккита мазмун муносибати жойлашган. Уларнинг семантик-синтактик хусусиятлари ҳам иккинчи даражали предикацияли сифатдош ўрамларнинг семантик-синтактик хусусиятлари билан бир хил. Ҳатто уларда сифатдош шаклида бўлишини мумкин бўлмоқ боғламасининг ўрни ҳам сезилиб туради. Қиёс: *Қалби пок (биродарларим) - қалби пок бўлган (биродарларим)*

Иккинчи даражали предикат ўз субъекти билан яхлит ҳолда мурожаат бирлиги асосий сўзининг аниқловчиси вазифасида келган ва муайян пропозицияни ифодалаган: *Биродарларим*, сизнинг қалбингиз пок, қалбингиз не учун бемаҳал тинди.

Демак, мурожаат бирликлари таркибида иккинчи даражали предикацияли сифатдош ўрами маълум пропозицияни ифодалаб, мурожаат бирлигининг таъсирчанлигини, эмоционал-экспрессивлигини таъминлайди.

Д. Шодиева,

ЎзМУ

## МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРЛАРИДА ТАКРОРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Шеърнинг жозоба кучи, бадиийлигини оширишда такрор алоҳида ўрин тутади. «Ўрни билан такрорланган сўзлар кўпинча



бадий таъсирчанликнинг, гоъвий бақувватликнинг ҳам муҳим шартини бўла олади»<sup>1</sup>. Шоир ва ёзувчилар тасвирлаётган воқеа ҳодисанинг назарда тутилган томонига ўқувчининг диққатини тортиш, уни бўртгириброқ кўрсатиш учун ёки маълум нарсаларни санаб кўрсатиш ниятида кўпроқ шеърини асарларда айрим товуш ёки товушлар бирикмасига, гапларга атайми алоҳида урғу беради, такрорлайди.<sup>2</sup>

Сўз санъаткори Муҳаммад Юсуф ҳам бадий такрордан жуда унумли фойдаланган эди. Қуйида шоир шеърларида учрайдиган такрорларни бадий ҳамда лисоний нуқтаи назардан таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Таҳлил жараёнида Эркин Воҳидов шеърлари билан ҳамоҳанг, ўзига хос мисраларга кўпроқ эътибор берилди. Зеро, бошқа тасвирий воситалар каби такрор ҳам ҳар бир ижодкоргагина хос тарзда қўлланиши мумкин.

*Бешикларни қучиб айланади Ер,*

*Оқар юзларидан маржон—маржон тер.*

Нима қилсак экан атомни.

Нима қилсак экан атомни?.. («Савол»)

Ушбу ўринда такрор орқали икки ҳолат — ҳарем давомийлиги ва сўроқ оҳангининг уйғунлашуви кўзга ташланади. Кейинги икки мисрадаги такрор саволга жавоб излаш ҳам у давом этаётган жараёни ифодалашга қаратилган. Шу ўринда уш мисраларга ҳамоҳанг бўлган Э.Воҳидовнинг «Инсон» қасидасида куйидаги парчани келтиришни лозим топдик:

*Заррани ижод этиб,*

*Даҳшат бало бунёд этиб.*

*Оқибатни ёд этиб*

Хайрон ўзинг, хайрон ўзинг.<sup>3</sup>

Кўринадикки, Эркин Воҳидов ҳам айнан такрор орқали юқоридаги фикрга жавоб излашга ҳаракат қилади. Демак, иккита парча бир—бирини манتيқий тўлдиради, давом эттиради. Эркин Воҳидовнинг ушбу шеърда такрор жуда кўп қўлланганлигини назарда тутиб, яна бир ўринга тўхталмоқчимиз:

*Мулки олам ичра бир*

*Ҳоқон ўзинг, султон ўзинг.*<sup>4</sup>

«Ҳар мисрада ўзинг сўзшакли такрорланади. Сўзларнинг такрор ҳолда қўлланиши маънони таъкидлайди, кучайтиради.

<sup>1</sup> Тўхлиев Б. Ўзбек адабиёти. Т.: «Ўқитувчи», 2000, 268— бет

<sup>2</sup> Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т.: «Фан», 1977, 127— бет

<sup>3</sup> Воҳидов Э. Умрим дарёси. Сайланма. Учинчи жилд. Т.: «Шарқ» нашриёт—матбаа концерни бош таҳририяти, 2001, 7— бет.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 6— бет

шеърда ўзинг сўзшакли ёрдамида инсон феноменига урғу берилади, унга эътибор қаратилади, унинг қадр – қиммати, оламдаги, жамиятдаги ўрни таъкидланади».<sup>1</sup>

Кейинги парчадаги мисрада кесим бўлиб келган ўзлик олмоши такрор қўлланишига диққат қилиб, Муҳаммад Юсуфдан қуйидаги парчани келтирмақчимиз:

*Мен дунёни нима қилдим,*

*Ўзинг ёруғ жаҳоним,*

*Ўзим ҳоқон.*

*Ўзим султон,*

*Сен тахти Сулаймоним. («Ватаним»)*

Юқоридаги парча билан солиштирилганда такрор эгага кучанлигини ҳамда бу кўчиш таъкидни кучайтирганлигини кўрамыз. Ўрин алмашиш натижасида *жаҳон–ҳоқон–султон–Сулаймон* қофиялар қатори ҳосил бўлади, такрор ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлади: *ўзинг–ўзим–ўзим*. «Эга анафора бўлиб келганда, ўзининг типик хусусиятларини тўлиқ намоён этиб, вазифаларини одатий ҳолдагидек бажараверади. Бунда эга, кўпинча, олмон туркумидаги сўз билан ифодаланиб, гапнинг субъектини акс эттиради.»<sup>2</sup> Кейинги мисраларда ўзим олмошининг эга вазифасини бажариши, такрор қўлланиши ҳамда сўз тартиби ўзгармаганлиги натижасида мантиқий урғу ва таъкид айнан шу сўзга тушади.

*Мен сени ўйлайман*

*Ўзимдан кўпроқ,*

*Лола, лолажоним.*

*Лолақизғалдоқ! («Лолақизғалдоқ»)*

Дастлаб бу мисралар ўқилганда такрор икки марта қўлланган деган тасаввур ҳосил бўлади. Чунки *лола* ва *лолақизғалдоқ* икки хил гул номини билдиради. Лекин шеърнинг «Лолақизғалдоқ» деб номланиши ҳамда *лолақизғалдоқ* Муҳаммад Юсуф шеърлятида энг кўп учрайдиган рамз эканлигига эътибор берсак, *лола* (**йирик** (таъкид бизники – Д.Ш.) чиройли гулли баҳорги ўсимлик ва унинг ечили, сариқ ёки тарғил гули; ЎТИЛ, I, 435) ҳақидаги дастлабки тасаввуримиз йўқолади. Энди ЎТИЛдаги *лолақизғалдоқ* сўзининг маъносига эътибор берайлик: баҳорда очиладиган **доласимон** (таъкид бизники – Д.Ш.) гулли ёввойи ўт ва унинг гули. (ЎТИЛ, I, 435) *Лолақизғалдоқ*нинг айнан таъкидланган *доласимон* сифати унинг шеърда аввал *лола* шаклида қўлланиши учун асос бўлган деб

<sup>1</sup> Бекдирова Г. Ўзбек бадий нутқида антитеза. Фил.ф.номз... дисс. Т.: 2000, 93– бет  
<sup>2</sup> Бекдирова Г. Шеърятдаги гапларнинг актуал бўлинишида анафораларнинг ўрни. Т.1999, 45– бет

ҳисоблаймиз. Кейинги такрорда уни янада қаҳрамонга яқинлаштириш учун эркалаш қўшимчаси — жон ҳамда эгалик қўшимчасининг бирликдаги биринчи шахс кўрсаткичи — им қўшилади. Шу ўринда таҳлил жараёнида қиёслаганимиз — Эркин Воҳидов шеърларига яна мурожаат этамиз:

*Ёлвориб мен настда дердим:*

*бир нафас ёнимга туш,*

Азгануш, ҳой, Азганушим,

Азганушжон, Азгануш.<sup>1</sup>

Кўряпмизки, такрорда худди юқоридаги каби эркалаш ва эгалик қўшимчалари қўлланмоқда. Кейинги бандларда эса бу қўшимчалар ўрин алмашиб боради ва Азганушим, Азганушжон, ҳой, Азгануш; Азганушжон, Азгануш, ҳой, Азганушим, Азгануш қабилда такрорлар қатори ҳосил қилинадик, бу шеърдаги оҳангдорликни оширади. Муҳаммад Юсуфдаги лола, лолажоним, лолақизғалдоқ такрорида йириқдан майдага қараб даражаланиш поғоналарини ҳам кузатиш мумкин. Шу билан бирга, шоир эркалаш маъносини кучайтиришни лолажоним ва лолақизғалдоқ сўзларига юклаган. Бу шеър ўйноқчилигини таъминлаган. Худди Азгануш, Азганушим, ҳой, Азгануш каби ҳолат юзага келтирилади: оддий мурожаат — эркаловчи муносабатда — суйиб муносабатда бўлиш.

Кўряпмизки, такрор «кечинмалар, туйғулар мавжини, эҳтирослар оламининг бениҳоялигини акс эттиришга»<sup>2</sup> ёрдам беради. Лисоний нуқтаи назардан эса «такрор ҳодисаси тил стилистик ресурсларининг бойиш манбаларидан биридир».<sup>3</sup> Икки буюк шоир ижодидаги такрорлар ҳамоҳанглиги ҳам бу фикримиз далилидир.

Н. Янгибоева,  
Нукус ДУ

## 20-ЙИЛЛАР ЎЗБЕК МАТБУОТИДА ТУРКИЙ ОЙ НОМЛАРИНИНГ ИЗОҲЛАНИШИ

«Маориф ва ўқитғучи» журналининг 1926 йил март (1 - сон) сониди Аҳмад Аҳмадийнинг «Туркча ой отлари» номли мақоласи эълон қилинган. Унда оз, ўт ёқмас, кукук, чилла, сорча, қир қуяк, мезон, қорача, қозон, қангөр, окпон, наврўз сўзларига қисман лингвистик, асосан, экстралингвистик таҳлиллар берилган. Ушбу мақоламизда ана

<sup>1</sup> Воҳидов Э. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жид. Т.: «Шарқ» нашриёт— матбаа кондери бош таҳририяти, 2000, 69— бет

<sup>2</sup> Ҳожааҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. «Шарқ» нашриёт— матбаа кондери бош таҳририяти, Т.: 1998, 100— бет

<sup>3</sup> Рижсиева Г. Шеърятдаги гапларнинг актуал бўлинишида анафораларнинг ўрни. Т.1999, 12— бет

шу сўзлар кандай изоҳланганлиги, ҳозирги ўзбек тилидаги муқобилларига муносабат билдиришни лозим кўрдик.

**Оз.** (Йаз) Бу сўзни “ёз (йоз)” сўзидаги *э* (ё) ва *ў* (о) товушларининг ўзгаришидан ҳосил бўлганлигини кўрсатади ва ҳозирги март ойига тўғри келишини айтади.

**Ўт ёқмас.** Бундай номланишини апрель ойи кириб, уйларга ўт ёқилмайдиган (иситилмайдиган) кунлар келиши билан изоҳлайди.

**Кукук.** Бу сассикпопушак номидан олинганлигига ишора қилади. (Ўзбек тилининг Туркистон шеvasида ишлатиладиган варианты). Унингча, май ойида бу қуш келиб сайрай бошлайди. Ўзбек тилида какку («Девону лугатит турк»да кэкун)га тўғри келади.

**Чилла.** Бу сўзни “ўрта” сўзи билан боғлайди. Унингча, кўклам ва ёз мавсуми, олти ой бўлиб, шу икки мавсумнинг ораси чилладир. Бу сўзнинг “чилла” варианты борлигини ҳам кўрсатади. Бу июнь ойига тўғри келади.

**Сорча.** Уни кўкатларнинг сарғая бошлаганидан олинган деб ҳисоблайди. «Яшиллик тугайдир, Ер юзида ҳар нарса сарғая бошлайдир» (Ахмадий Аҳмад).

**Қир куяк.** Бу сўзни август ойида қўй - эчкиларни қочираш(кўпайиши) мавсумидан сақлаш, қўчқор ва такаларга кўпак (тўскок) боғлаш билан боғлиқ қилиб қўяди.

**Мезон.** Айрим ўсимликларнинг сентябрь ойида пахтага ўхшаган бир ок нарса чиқариши билан боғлайди.

**Қорача.** Қир-адирда юрадиган хашоратларнинг (унингча, қорача, қўнғиз) октябрь ойида совуққа чидолмай иссиқ томонларга кетиб қолиши билан изоҳлайди.

**Қозон.** Ноябрь ойида сигирлар сутдан қолгандан сўнг хонадонларда қозон осилиши билан бу ойнинг отини қозон дейилганлигини айтади.

**Қиштар.** Ҳориган отларнинг қантариб қўйилишидан олинганлигига ишора қилади. Бу декабрь ойига тўғри келади.

**Оқсон.** Январь ойида қорнинг кўп ёғиши билан боғланган.

**Инварўз.** Уни февраль ойига нисбатан қўллайди ва форс тилидан олинганлигини айтиш билан чекланади.

Бу ой номларидан ҳозирги ўзбек тилида фойдаланилмаслик аён, лекин қозоқ халқи ва қорвадор ўзбек аҳолиси бу сўзларни ҳамон ишнатиб келмоқда. Албатта, бу ой номлари лингвистик таҳлилга

тортилиши мумкин. Шу билан бирга экстралингвистик таҳлилларнинг айримлари ҳақиқатдан йироқ эмас. Масалан: **мезон, қангтар**. Лекин **наврузнинг** февраль ойига нисбатан қўлланишини муаллифнинг ўзи бошқача изоҳ билан тўғрилаб кетади, яъни уни «эски эрон тилида **мартнинг оти эди**» (Аҳмад Аҳмадий) деган жумлани келтиради.

Аҳмад Аҳмадий **тўрт фасл** ҳақида ҳам (уларни **мавсум** деб атайти) куйидагиларни ёзади:

**Кўклам**, Март, апрель, май ойларида «Дуне ёлиниб, ерда кўк чикиб, мол болалаб, ҳар нарсанинг ёпилган, қисилган холидан кенгайиш вақти **кўкламда бўлади**. Шу муносабат билан бу мезгил **кўклам дейилади**»(Аҳмад Аҳмадий).

**Ёз**, Унингча, июнь, июль, август ойлари чорванинг жайлови (яйлов), шунингдек, бекор, ишсиз юриш – «жай юриш» билан изоҳланади. Буни козок, қирғизларнинг **жайув** деб аталадиган мавсум номи билан ҳам боғлайди.

**Куз**. Қўйларнинг август охири ва сентябрь бошларида олиниси кузов дейилиши билан боғлайди.

**Қиш**. Декабрь, январь, февраль ойларида «эркчилик», «кенгчилик»лар камайиб, «**юрт - рўзгор қисилади**». Шу муносабат билан қис дейилган, козоклардан бошқалар «с» ўрнида «ш» келтириб ишлатган» деб изоҳ беради.

Албатта, **кўкламнинг** изоҳидан бошқалари илмий аниқликни талаб қилади. Тилшунослигимизда фасл, ой, кун номлари бошқа туркий тиллар билан тарихий - қиёсий аснода ўрганиши туркийшунослик учун қимматли маълумотлар бериши аниқ.

**Б.Абдушукуров,**  
**ЎЗР Президенти хузуридаги**  
**Давлат ва Жамият Қурилиши Академияси**

## **«ҚИСАСИ РАБҒҒУЗИЙ» АСАРИ ЛЕКСИКАСИНИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИГА МУНОСАБАТИ**

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мустақилликни мустаҳкамлаш, халқнинг онгини аста – секин янги замонга қараб ўзгартириш негизида давом этмоқда. Миллий ўзликни англаш, миллий ҳамжихатлик, маънавий кадриятларни тиклаш соҳасида қўпгина ишлар амалга оширилди. Айтиш

қўмкинки, Ватанимиз қиёфаси истиклол йилларида тубдан ўзгариши мумкин. Улуғ аждодларимиз номи оқлашиб, уларнинг тарихий, маънавий мероси ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда. Ислом дини имон — эътиқодимиз рамзи сифатида қайта тикланди, ўзбек тили давлат тили мақомини олди. Улар замирида халқимиз қалбида ўз ўтмиши, буюк ватани билан фахрланиш туйғуси шаклланимоқда. Миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси ватан тирақчиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун кураш туйғуси билан уйғунлашиб, маънавиятимиз асосини беатқиламоқда. Ана шундай маънавий меросимизнинг ажойиб дурдоналаридан бири, азалдан севиб ўқилиб, қиссаҳонлардан шигитлиб келинган «Қисаси Рабғузий» асари ҳисобланади. Бирок шўролар даврида пайғамбарлар қиссаларидан иборат ушбу обида аниқ мун — моҳиятига кўра, ислом маърифатига мансуб бўлганлиги боис, асар устида дурустрок изланишлар олиб борилмади.

Мавлумки, XIII—XIV асрлар туркий халқлар ҳамда туркий тиллар тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу даврда Ўрта Осиё ва Осиёнинг ўрда музофотида тил хусусиятлари жиҳатидан бир — биридан фарқ қилувчи нодир асарлар яратилдики, уларнинг барчасида туркий тилларнинг ўғуз — қипчак, қарлук — уйғур гуруҳларига хос бўлган лексик, фонетик ва морфологик хусусиятлар ўз аксини топган.<sup>1</sup> Зикр этилган асарларнинг вужудчилиги эски ўзбек адабий тилининг шаклланишида замин таърифасини ўтаган. Ушбу ёдномалар сирасига барча туркий халқлар учун бирдек қимматли бўлган, 72 та қиссани ўз ичига олган, халқ сўзлашув тили асосида ёзилган «Қисаси Рабғузий» обидасини ҳам киритиш мумкин. Мазкур ёдгорлик рабўғузлик вази Носируддин Бурхонуддин Рабғузий томонидан Работи Рабғузийнинг беги, мўғул бекларидан ҳисобланган Носируддин Тўқбуғабек (буға — «доно»)нинг илтимосига биноан ҳижрий 709 — 710 (1309 — 1310) йилларда битилган. Муаллиф Хоразмнинг ўғузлар арасида тутган Работи ўғуз деган жойидан бўлиб, XIII аср охири — XIV аср бошларида яшаган. Унинг Рабғузий таҳаллусини олиши ҳам тугилиб ўсган жойи номи билан боғлиқ: «Бу китобни тязгдн, тавт йолўнда тизгдн, ма'сийат йобонўнў кэзгдн, аз азуғлўқ, қцп йатўғлўғ, Рабат Оғузлуғ, Бурхон оғлў қози Носир...». Пўлат Абдиқодировнинг ёзишича, «Рабўғуз номи пайдо бўлиши исломият

<sup>1</sup> Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. I (Нашрга тайёрловчилар: Э. Фозилов, А. Зайнолла, Х. Далабоев). Тошкент, «Ёзувчи», 1990-1991. 6-бет.

даври билан боғлиқ. Дастлабки работ(карвонсарой, мудрофаа учун мосланган қалъабанд манзилгоҳ)лар ислом йўлида курашчи ғозийларга мудрофаа қалълари вазифасини бажарган. Мазкур манзилда эса асосан ўғузлар истикомат қилганига ҳеч қандай шубҳа учун ўрин қолмайди. Нихоят, энг муҳим хулоса: Работи ўғузда яшаб келган ўғузлар эски ўзбек тилининг ўғуз шеvasида гаплашгани маълум бўлади. Бундай хулосанинг исботи учун «Қисаси Рабғузий» ҳар жиҳатдан далолат манбаидир».<sup>1</sup> Алломанинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти ҳақида жуда кам маълумот сақланиб қолган ва унинг бизгача фақатгина «Қисаси Рабғузий» асари етиб келган.

Ёдномлада «ривоят қўлурлар», «хабарда андағ кэляр», «баъзи ривоятларда кэлмиш», «аймўшлар», «хикойатда андағ кэляр» каби халқ оғзаки ижодига хос ибора ва сўз бирикмалари кенг қўлланган.<sup>2</sup> Айниқса, ҳаётий воқеалар, руҳий кечинмалар тасвирида халқ оғзаки ижодига оид услубий воситалар, мақол ва хикматлар кўп учрайди. Бу эса, ўз навбатида, ёдгорлик тилининг ўз даври учунгина эмас, балки кейинги асрларда ҳам тушунарли бўлишини, шунингдек, унинг халқ бахшилари томонидан севиб ўқилиши ва қўлинишини таъминлаган.

Сир эмаски, тил узок даврлар давомида, турмуш талабларига мос равишда аста-секин ривожланадиган энг муҳим алоқ қуроли ҳисобланади. Шу боис ҳам тил тарихини ўрганиш нафақат тил фактларининг тараққий этиш усуллари аниқлаш, айни пайтда, уни яратган халқ тарихини тадқиқ қилиш учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Демак, ҳар бир тилнинг тарихи шу тилги мансуб халқнинг ўтмиши билан боғлиқ. Халқ тарихида нимаики юз берса, у тилга озми-кўпми ўз таъсирини ўтказди. Бу, энг аввало, тилнинг луғат бойлигида содир бўлади. Шу нуқтан назардан, «Қисаси Рабғузий» асарининг лексик хусусиятлари тўғрисида гап кетганда, шуни таъкидлаш жоизки, обида сўз бойлигида ўша давр халқининг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданий-маънавий тараққиёти ўз аксини топган. Характерли томони шундаки, ёдгорликда қўлланилган атамаларнинг аксариятини туркий сўзлар ташкил этади. Асарни мутолаа қилиш жараёнида аён бўлдики, матнда қадимги туркий адабий тилда истифода этилган сўзлар билан бирга, уларнинг эски туркий тилга оид фонетик вариантлари ҳам ишлатилган.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 22 февраль 2002 йил.

<sup>2</sup> А. Мухторов, У. Санакүлов. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент, 1995. 73-бет.

кыздгя-кяйдгя-кяйдв «куёв», кэдин-кэзин-кэйин, бирлд-бирлдан-билд, азрулқ-айрулқ. Шунингдек, астрономик жисмларнинг ҳам туркий номлар билан юритилганлигига гувоҳ бўламиз: **Оғлак(Жадий), Балўк(Аут), Сэвит(Зухра), Арслан(Асад).**

Мутахассисларнинг эътирофича, тил тарихини ўрганиш, унинг эски ҳолатидан бохабар бўлиш қадимги қўлёзмаларни киёсий жихатдан тадқиқ этиш ҳамда кўҳна манбалар тили билан ҳозирги тил орасидаги яқинлик ва фарқларни аниқлаш ёрдамида олиб борилади. Шу маънода, асар тилининг замонавий ўзбек адабий тилига муносабати ҳақида, айтиш мумкинки, обида яратилган давр билан ҳозирги давр орасида салкам етти асрлик узоқ муддат этади. Шу боис, тилда катта ўзгаришлар юз бергани табиий. Чунки XIV асрдан то бугунги кунгача тил ўзининг тараққиёт қонуниятларига мувофиқ фонетик, лексик, морфологик, синтактик жихатдан ўзгаришларга учраган, ривожланган, бойинган. «Қисаси Рабғузий» асари лексикаси бўйича олиб борган мулоҳизаларимиз у давр тили билан ҳозирги ўзбек адабий тили ўртасида яқинлик ва баъзи фарқлар борлигини, лекин бу уларни бир-биридан айирувчи эмас, балки яқинлигини ифодаловчи тифовутлар эканини кўрсатди. Масалан, обида луғат таркибининг баъзи қисмини ҳозирги туркий тилларда фаол қўлланувчи сўзлар тинкил этади: **ата, ана, баш, кцз, йяз, кямяш, йакут.** Улар орасида фонетик ўзгаришларга учраганлари ҳам талайгина: **кццмал-кўнгил, қарлугач-қалдирғоч, кццлдук-кўйлак, орғак-ўрок.**

Ёдгорлик тилини ҳозирги ўзбек адабий тили билан ёндошлаганда яна шу нарса кўзга ташланадиги, бир қатор сўзлар замонавий адабий тилимизда ишлатилмаса — да, бироқ улар ҳозир ҳам ўзбек тили шеваларида ўша маъно ва шаклда қўлланиб келинмоқда: **оғлак-улоқ** (Паркент, Сойлиқ шевалари, ЎХШЛ, 171), **сичд-чумчук** (Урганч, Хива, Хонқа шевалари, ЎХШЛ, 234), **шидк-сигир** (Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд шевалари, ЎХШЛ, 116), **қарўнча-чумоли** (Жанубий Хоразм шевалари, ЎХШЛ, 157).

Баъзи бир сўзларда маъно торайиши ва маъно кенгайиши ҳақидаги рўй берган.

**Сўз маъносининг торайиши.** Там сўзи замонавий ўзбек адабий тилида(том) уйнинг, бинонинг устини беркитиб турувчи тана қисмини билдиради(ЎТИЛ, II, 199). Мазкур атама биз тадқиқ қилган манбада «уй»; «девор» маъноларида қўлланган:



Қарабашу Зулайхо илкин тутуб чукарду, йол башинда бир там тябинда олтурду(108v6); Ул там башуға чуқту эрсд, киргднин айтмай цзин нару салду(173v11).

Аш истилохи Рабғузийнинг ёзишича, «озик—овкат, егулик» маъносини ифодалаган: **Айдулар: идиш бизиң аш бизиң (88v1).** Сўнгра бу сўзнинг маъноси торая бошлаган ва ҳозирга келиб, озик—овкатларнинг бир туригагина хосланиб қолган (ЎТИЛ, I, 554).

Тон атамаси эски туркий адабий тилда кийим—кечакнинг барча турига нисбатан истифода этилган: **Қачон Довуд ямри охир болди эрсд баласи тон кэйиб мэхробда йалаң баш олтуруб йиғлайур эрди(136v17).** Замоनावий ўзбек адабий тилида эса кийим—кечакнинг ягона тури — «чапон» ни билдиради (ЎТИЛ, II, 199).

Сўз маъносининг кенгайиши. Ёдгорликда келтирилган бош сўзи: 1) «бош, калла»: **Тцрт йяз кару бозлару баш язд сэкриб азақларун тэпсэддр тизлдриңд тэги қцмяляр эрди(29г16);** 2) «йўлбошчи»: **Ишорат ул турурким Расул алайхис—салом бизиң нафсимиздин болса, ул бизга баш болур, биз аяқ болурбиз(207v20);** 3) «қисм, ғужум»: **Малик уларға бир баш язям бэрди азук ячян(118г7);** 4) «илк, биринчи, бош(бармоқ)» маъноларини англатган: **Анас ибн Молик айтур: Расул алайхис—салом айди: баш бармақун чичала бармақ ичинда қойуб мянчд эрди (121v1).** Бугунги кунга келиб, мазкур атама «энг муҳим, асосий»(ЎТИЛ, I, 136), «тик нарсаларнинг тепа қисми, учи, чуққиси»(ЎТИЛ, I, 137), «карра, ҳисоб» (ЎТИЛ, I, 137) сингари янги маънолар билан бойиган.

**Тиш** термини ўрганилаётган манбада инсон ва ҳайвонлар тишига нисбатан қўлланган бўлса(Тэвд, ит уларға тэпяндилдр, илик бирлд урдўлар, тиш бирлд тишлдилдр, қцтяряб йэрга тоқўйу ццтярдилдр(58г17), кейинчалик қурол—асбоб, машина қисмлари ва шу қабиларнинг ўткир, учли қисмига нисбатан ҳам ишлатила бошлаган: арранинг тиши, тарокнинг тиши каби (ЎТИЛ, II, 189).

**Ин** истилохи Рабғузийнинг таъкидича, йиртқич ҳайвонлар ётоғини ифода этган: **Бир қян Исо йазўга чуқту, бир тьяки қцрди инидин чукар(172г11).** Ҳозирда эса «қуш ва ҳайвонларнинг яшаш, бола очиш учун қурган жойи» маъносини билдиради(ЎТИЛ, I, 326).

Бундан ташқари, асардаги бир қатор лексемалар ўша даврга хос турмуш шароитларига боғлиқ бўлиши натижасида замон ўзгариши билан кейинги даврга мос келмаслиги, ортиқчалиги боис, истеъмодан чиққан: **бялндди** – «асир олди», **ағ** – «тўр», **асўғ** – «фойда», **олўн** – «пешона», **цтдчи** – «табиб».

Шундай қилиб, маълум бўладикки, лексика тарихини ўрганиш, бир томондан, ҳар бир сўзнинг тадрижий ривожланиш йўлларини очиб берса, иккинчидан, тилнинг айрим даврлардаги лугат бойлигини ва муайян даражада фонетик, морфологик жиҳатларини ёритишга хизмат қилади. Демак, лексика тарихини тадқиқ этиш, умуман, тил тарихини ўрганиш учун ҳам муҳимдир. Шу маънода, «Қисаси Рабғузий» асарининг тил хусусиятлари «ўн асрлик тарихга эга бўлган туркий тиллар лексикасининг, шунингдек, ўзбек адабий тилининг тараққиёт қонуниятларини аниқлашда бениҳоя қимматлидир.

Сурхон Бўриев  
(СамДУ аспиранти)

## ТОПОНИМЛАРНИНГ МАЪНОВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Топоним ҳам лингвистик бирлик саналар экан, унинг муайян бир маъно касб этиши ҳеч қимда эътироз туғдирмайди.

Г.Д. Томаҳинининг таъкидлашича, топоним лексик бирлик сифатида ўзида минимал ва максимал ахборот ташийди. Маълум географик объектни номлаши, нега объект айнан шу ном билан номланишини кўрсатиши унинг минимал ахборот ташиши бўлиб ҳисобланади. Ахборотнинг диахроник ва функционал типлари эса максимал ахборот бўлиб ҳисобланади. Бу ахборотларни махсус лингвистик тадқиқотлар ёрдамида аниқлаш мумкин бўлади. Ахборотларнинг функционал типлари индивидуал ва беқарор характерда бўлади ва объектнинг ижтимоий статуси ва инсоннинг объектга муносабати ўзгариши билан вазифаси ҳам ўзгаради.

Айни пайтда, топонимик бирликдаги лексик-семантик маъно оддийдаги бошқа лингвистик бирликларнинг маъносидан ўзининг қандайдир тарихий, географик ёки этнографик мазмунга эгаллиги билан фарқланиб туради. Бу хусусда Т. Эназаров қуйидагиларни ёзади: "...ўзининг асл маъносидан ташқари яна тарихий вақт ва тарихий ижтимоий жараёнлар томонидан юкла(н)ган қўшимча маънолари билан ҳам мавжуд бўлган жой номлари ҳам бор. Бу ўринда топонимларга хос тарихийликни ўзини жамлаган тарихий-тадрижийлик тамойили терминини қўллаш ўрнини". Яна бир фарқ шундаки, "топонимика нафақат аниқ бир тилнинг

одатдаги сўз яшаш моделлари ва сўз бирикмалари типларидан фойдаланади, балки уни ярагувчилар тилида амалда бўлмаган ўз моделлари ва сўзларини яратишга ҳам қодирдир”<sup>1</sup>.

Бу маъноларни аниқлаш ҳамма вақт ҳам осон кечавераслиги мумкин. Унинг бошқа тилларга дахлдорлиги, яъни субстрат характерда эканлиги, ёки бўлмасин, узоқ замонлар ўтиб, сўз қурилиши ўзгаришларга юз тутганлиги, маъноси англаб бўлмайдиган даражага келганлиги ҳамда орада ўтган вақт мобайнида халқ тилининг ўзида содир бўлган ўзгаришлар бунга сабаб бўлади. Бу каби қийинчиликларнинг бўлишидан қатъий назар, топонимик бирликлар этимологиясини аниқлаш бу йўналишдаги тадқиқотларнинг пираворд мақсади бўлиб қолаверади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай тилнинг топонимик тизимида субстрат топонимлар ўзига хос ўринга эга. Асрлар давомида ижтимоий-сиёсий жараёнлар силсиласида араб, мўғул, форс-тожик, рус, туркий ва бошқа халқлар билан маданий-маиший алоқадорликда бўлиб келган ўзбек халқининг луғат бойлигида эса топонимларнинг бу тури алоҳида ўрин тутди. Афсуски, ўзбек тилшунослигида субстрат топонимларнинг лингвистик характери тўғрисида ҳозиргача илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Ваҳдаланки, А.К.Матвеев “топонимикаопономастика ўзининг айнан мана шу жабҳасида нафақат тил эволюциясининг деталларини аниқлаштириш ёки кузатишлар йўналиши кўрсатиш, балки мутлақо янги фактларни очишга ҳам қодир”<sup>2</sup> эканлигини кўрсатиб ўтган эди.

А.К.Матвеев юқоридаги фикрлар олинган ва субстрат топонимларни тадқиқ этишга бағишланган “Субстрат топонимлар этимологизацияси ва топонимик тизим компонентларини моделлаштириш” номли мақоласи топонимларнинг катта бир қисмини ўрганишда назарий ва методик манба бўлиб хизмат қилади. Чунки топонимлар этимологизацияси билан шуғулланиш бевосита субстрат топонимларни тадқиқ этиш билан боғлиқдир.

Мақола муаллифи тадқиқотларнинг бу йўналишида изчиллик йўқлигини таъкидлар экан субстрат топонимларни этимологик ўрганишга бўлган изчил муносабатни тадқиқ этишнинг икки йўли борлигини кўрсатади:

“Биринчидан, бу - топонимлар фонетикаси, семантикаси ва сўз ясалишидаги коррелятив, яъни ўзаро алоқада, боғлиқликда бўлган аъзоларни излаш, шунингдек, ареал оппозицияларни тиклашдир. Иккинчидан, топонимлардан эмас, балки реалияларни, аниқроғи

<sup>1</sup> Эназаров Т. Топонимларни этимологик тадқиқ қилишнинг илмий-назарий ва амалий-усулий асослари (Туркий топонимлар мисолида). I китоб, 47-б.

<sup>2</sup> Матвеев А.К. Этимологизация субстратных топонимов и моделирование компонентной топонимических систем // Вопросы языкознания, 1976, 3, с.58.

топонимлар компонентларини моделлаштириб, тушунчаларни ўрганиш йўлидан бориш мумкин”.<sup>1</sup>

Ушбу фикрни баён этиш билан А.К.Матвеев ономасиологик виланишга асосланган бу йўлда географик номларнинг аталиш принциплари ва уларни номлаш тўғрисидаги тавсияларнинг бирлашишини кўрсатиб беради ва субстрат топонимларни ўрганишнинг истиқболли эканлигини таъкидлайди.

Хар қандай ишни амалга оширишда кам вақт сарфлаб, кўп натижа олиш истаги кучли бўлади. Илмий кузатишларда ҳам ана шу истакни инокор қилиб бўлмайди. Масалан, камроқ ҳудуднинг топонимик материални ўрганиб, тезроқ илмий натижаларни қўлга киритиш майли бўлмас. Аммо унга осонлик билан эришиб бўлмайди. Топонимист олимларнинг фикрича, бунинг учун тадқиқотнинг қатъий ва ишончли методикаси ишлаб чиқиши лозим. Шу маънода А.К.Матвеев маълум ҳудудда ҳукмрон бўлган семантик моделларга таяниш имконияти кўмуқудингидан келиб чиқиб, ономасиология топонимик семасиологияни ўрганишга қўмаклашиши мумкинлигини қайд этади ва ана шу методикани тавсия қилади: “Турли тиллардаги “мос келадиган” жарангдорлик ва маънони танлаб олиб, топонимдан апеллятивга қараб эмас, балки қриёс учун жалб этилаётган тил (диалект) материали асосида ономасиологик йўл билан ушбу топонимик тизимда асос қилиб олинган апеллятив компонентлар (кесишадиган чизиқлар) жадвалини тузиб, ундан топонимларга қараб бориш, яъни топонимияда амал қилиши лозим бўлган семемалар рўйхатини тузиб, субстрат топонимлар доирасида этимологизацияга йўналтирилган, топонимдан тилга эмас, балки тилдан топонимга қараб изчил изланишлар олиб бориш методик жиҳатдан маънада мувофиқдир”.<sup>2</sup>

Ушбу методиканинг афзаллигини А.К.Матвеев, биринчидан топонимик лексиканинг тематик жиҳатдан чегараланганлиги, иккинчидан, топонимик тизим, маълум маънода, тил тизимини фонетика, сўз исалиш ва лексика соҳаларида ўзида акс эттириш, учинчидан топонимик ясалишларда ҳам тилнинг ономасиологик моделларига таяниш ҳолда топонимиканинг ўз тизимини яратиш мумкинлиги билан асослайди.

Мақоланинг илмий-амалий аҳамияти шундаки, унда юқорида ўзи тавсия этган методикани амалиётга тадбиқ этиш йўллари ҳам кўрсатиб берилади. Жумладан таҳлил уч босқичда: 1) маълум ҳудуддаги субстрат топонимлар таркибида қўлланиладиган муҳим семемалар лугатини моделлаштириш; 2) уни тил-намуна (язык-эталон) шаклига келтириш; 3)

<sup>1</sup> Павлов В.П. Топонимические исследования в Таджикистане, ВЯ, 1977, 4, с.129.

<sup>2</sup> Павлов В.А. Состояние и задачи ономастических исследований Кавказа // Вопросы языкознания, 1979, с. 108.

олинган тил-намуна лексемаси жадвалини субстрат топонимлар устига жойлаштириш тарзида олиб борилди.

В.А.Никонов эса ушбу фикр айтилишидан 12 йил аввал бу борада куйидаги мулоҳазаларни билдирган эди: “Бу йўл биз одатда юрган йўлга принципиал қарама-қаршидир. Топонимкани тил орқали эмас, балки тилни топонимика орқали изоҳлаш лозим” (НВА. Язык неизвестен // Сб. “Топонимика Востока. Новые исследования”).<sup>1</sup>

Бир-бирига мутлақо зид фикрлар бўлишидан қатъий назар, уларда топонимлар этимологизацияси методикаси тавсия этилган. Усуллар ва йўллар қандай бўлишидан қатъий назар, мақсад битта топонимлар этимологиясини аниқлаш. Бу жараёнда, биз ҳоҳлаймизми-йўқми, топонимга сўз, топонимик бирликка лексик бирлик сифатида қарашга, лексик маънодан топонимик маънога қараб боришга мажбурмиз. Зеро, топонимнинг *апеллятив-топоформант-топоаниқдагич* занжирнинг ибтидосида ҳам ҳали топоним даражасига кўтарилмаган, топонимик мазмун касб этмаган турдош сўз-апеллятив туради. Шундай экан топонимнинг этимологик маъносини аниқлашни апеллятивнинг маъносини аниқлашдан бошлаш назарий жиҳатдан хато ҳисобланмайди. Тилдаги ҳар қандай бирлик ҳам ўзини апеллятив сифатида тавсия эта олмайди ва топонимга айланмайди. Бу ерда апеллятив қандайдир маънода ўзбек тили сўз ясалиши ва турдош отларнинг атоқли отларга айланиш қонуниятларига бўйсунди. А.К.Матвеев методикаси ёрдамида ана шу қонуниятлар очилиши мумкин. Лекин, олим ўз методикасини субстрат топонимларга нисбатан тавсия этаётганлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Айни пайтда, таҳлилда В.А.Никонов тавсия этган топонимикдан тилга қараб бориш методикасини ҳам инкор этиб бўлмайди. Чунки ўзбек тилида сўз ясалиши, хусусан, атоқли отларнинг ясалиши, метафоризация ва метонимизация ҳодисаларининг юз беришидаги умумий қонуниятлар топонимизация жараёнида амал қилиш билан биргаликда бу жараённинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Топонимлар ясовчи махсус грамматик кўрсаткичларнинг мавжудлиги, географик ландшафтнинг топонимлар ясалишига таъсири, географик атамаларнинг топонимлар ясалишидаги қатнашиши, топонимик аниқлагичларнинг топокомпонентлар таркибидаги иштироки каби ўзига хосликлар топонимларни алоҳида лексик бирликлар сифатида қарашни тақозо қилади. Шундай экан, таҳлилда топонимдан сўзга қараб бориш методикасини ҳам амалий жиҳатдан яроқсиз деб бўлмайди. Бу методикаларни бир-бирини тўлдирувчи усуллар сифатида қараб, ҳар

<sup>1</sup> Мурясов Р.З. Топонимы в словообразовательной системе современного немецкого языка // Вопросы языкознания. 1986. №4, с. 78-79.

иккаласидан ҳам шароитдан келиб чиқиб, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш мумкин бўлади.

Биз А.К.Матвеевнинг мақоласидаги фикрлар орасидан диққатимизни субстрат топонимлардан кўра топонимик маънонинг изоҳланишига ва этимологизациясига хизмат қиладиган омиллар таҳлилига кўпроқ қаратдик. Чунки бу борадаги қарашлар топонимик таҳлилнинг ҳар қандай босқичларида ҳам бемалол хизмат қилавериши мумкин.

Субстрат топонимларни ўрганиш борасида А.Л.Хромов ҳам диққатга сазовор фикрларни айтган. У “Тожикистондаги топонимик тадқиқотлар” номли мақоласида Ўрта Осиё субстрат топонимларини ўрганишдаги баъзи бир юзакиликларни танқид қилади. Жумладан, ҳисор “қалъа” ёки ақба “довон” атамаларининг арбча топоним деб изоҳланишига қаршилик билдиради ва ўз фикрини бу сўзларнинг эроний ва туркий тилларга топонимик вазифани бажаргунга қадар тўлақонли лексик бирликлар сифатида кириб келганлиги билан далиллайди. “У ёки бу топонимнинг арабий қатламга мансублигини исботлаш учун, - деб ёзади у, - этимологиянинг қандайдир бошқа асосда эмас, балки айнан араб тили негизида ва араб тили грамматикаси қоидаларига кўра амалга оширилганлиги ҳақида мутлақо ишончли билим керак”.<sup>1</sup>

Унинг куйидаги фикри ҳам муҳим аҳамиятга эга: “XII-XIII аср араб ва форс-тожик тилларидан ўрганиш учун олинган материаллар шундан дилолат берадики, VII-VIII асрларда арабларнинг Ўрта Осиёга келиши билан топонимларда жиддий алмашинишлар содир бўлган эмас. В.В.Бартольднинг таъкидлашича, X аср мусулмон географлари V аср манбаларидаги номларни келтирганлар (Бартольд В.В. Соч., 11, ч.1.М., 1963, стр.188). Араб тили негизида шаклланган топонимлар жуда ўзгичиликни ташкил қилади”.

Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар қандай кузатиш ва тадқиқотларнинг пираворд мақсади топонимик маънони аниқлаш, топонимик бирликларнинг этимологизациясини амалга ошириш экан, *ителлятив-топоформант-топоаниқлагич* тизимида ҳар бир лингвистик бирликнинг қайси тилга мансублигини аниқлаш, хронологик жиҳатдан ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу масалада ҳам биз диалектик қонуниятларга риоя қилиш, яъни олдийдан мураккабга қараб бориш тарафдоримиз. Тадқиқотлар микроҳудудлардан макроҳудудларга ўтиши, бу тадрижийлик топонимларнинг семантик типлар доирасида ҳам амал қилиши ва бунда, энг муҳими, материални тўплаш ва таҳлил этишда изчиллик тамойилига қўлғий амал қилиниши лозим бўлади. В.А.Никоновнинг “яхшиси бир мўчуммони ёки бир қатламни олиш керак; тематик мақсадга интилиш

<sup>1</sup> Кривен С. Географик номлар маъносини биласизми?-Т., 1970, 9-б.

худудий чегараларни ҳам оқлайди”,<sup>1</sup> деган фикри назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам асослидир. Шунинг учун ҳам В.А.Никонов “агар тадқиқотлар асосига маъноларнинг уч йўналиши [сўзнинг топонимга айлангунга қадар бўлган маъноси (дотопонимический), топонимик маъно (топонимический), топонимдан ўсиб чиққан кейинги маъно (оттопонимический)] ўзаро муносабатидан келиб чиқадиган илмий принцип қўйилмаса, барча баҳслар самарасиз, тавсиялар беҳудадир”, деб масалани кескин қўйган эди.

Томахин Г.Д. Юқорида “Топонимы как реалии языка и культуры (на материале географических названий США)” номли мақоласида бу уч йўналишини қуйидагича изоҳлаган эди:

*Сўзнинг топонимга айлангунга қадар бўлган маъноси* топонимнинг ички шакли, унинг этимиолигиеси, жумладан “халқ этимологияси”, воқеликка ҳамма вақт тўғри келавермайдиган маъноси бўлиб, тил эгаларининг қўшимча (фоновые) билимлари доирасига киради.

*Топонимик маъно* минимал ахборотдан-объектни кўрсатишдан ташқари объект ҳақида муайян миллий маданий жамоага яхши маълум бўлган қўшимча маълумот ҳам беради.

*Топонимдан ўсиб чиққан кейинги маъно*, яъни белгиланган объектнинг қандайдир алоҳида белгисини биринчи ўринга олиб чиқиш натижасида туғиладиган маъно тил эгалари оммавий (обыденный) онгида долзарб бўлган объект образининг мантикий давоми ва топонимдан ўсиб чиққан кейинги маънони ифодаловчи сўз ясалиш ижтимоий *детерминлашувининг* ёрқин намоиши бўлиб ҳисобланади. Бироқ миллий онгда топоним “унадиган” топонимдан кейинги коннотатив маъно бирмунча қизиқиш уйғотади.

С. Қораевнинг “Географик номлар маъносини биласизми?” (Т., 1970) асарида келтирилган *қўқон арава, чўст пичоғи, академия, вулқон, кофе, жерси-олимпиада, роман*, каби сўзлар ҳам топонимлардан ўсиб чиққан элементлардир, яъни оттопонимлардир. Уларни *омонхона суви – омонхона, марғилон атласи – марғилони, ироқи дўппи – ироқи, боғизогон виноси – боғизогон* каби сўзлар ҳисобига бойитиш мумкин.

Қўринадики, лингвистик бирликларлардаги маъновий ва шаклий ўзгаришлар улар топонимик маъно англатгандан кейин тўхтаб қолмайди, балки кейинчалик ҳам давом этиши мумкин. Шунинг учун ҳам В.А.Никонов фанга *оттопоним* атамасини олиб кирган. Бу атаманинг маъноси сўзнинг топонимик атамалик доирасидан чиқиб, айти пайтда ушбу топоним асосида янги маъно англатувчи сўз-атамаларнинг юзага келиши юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўлиб турибди.

<sup>1</sup> Хасанов Х. Урта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965.

Р.З.Мурясов ана шу каби оттопонимлар доирасида қуйидаги семантик туркум (разряд)лар мавжудлигини кўрсатган эди:

1.Миллий вакиллари, давлатларда яшовчилар, шаҳарлар, аҳоли пунктлари, ороллар ва бошқа географик раёнларни ифодаловчи шахслар;

2.Касб-хунар, мутахассислик, бирор машғулотга қизиқишини ифодаловчи шахслар;

3.Салбий хусусиятларга мойил бўлган шахсларни ифодаловчи;

4.Илмий оқимларга, динларга дахилдор шахсларни ифодаловчи;

5.Шахснинг ирқий дахлдорлигини ифодаловчи;

6.Билим соҳаси, ижтимоий ва диний оқимлар, таълимотларни ифодаловчи;

7.Абстракт тушунчаларни, кишиларнинг сифатини, мавқеи ва характерини ифодаловчи;

8.Машиналарни, асбоб-ускуналарни, техник воситалар ва бошқа предметларни ифодаловчи;

9.Озиқ-овқат турларини ифодаловчи;

10.У ёки бу жойларда ишлаб чиқилган ичимлик турларини, ўсимликларни (кофе, тамаки), меваларни ифодаловчи;

11.Жониворларни ифодаловчи;

12.Қўшиқ ва рақсларни ифодаловчи;

13.Гидамлар, матолар, кийим турлари ва бошқа маҳсулотларни ифодаловчи;

14.Пул бирликларини ифодаловчи;

15.Жамловчи отларни ифодаловчи;

16.Геологик жинслар ва кимёвий элементларни ифодаловчи.

Оттопонимларни топонимлардан ясалган янги сўз сифатида эътироф этиш мумкинлиги уларнинг ўзбек тилида, унинг сўз ясалиш тизимида шохда мавқега эга эканлигидан далолат беради.

Хуллас, топонимлар негизида янги маънодаги сўзларнинг пайдо бўлиши ижтимоий-иқтисодий ва тарихий-маданий омиллар билан боғлиқ экан, келажакда бу муаммолар ўзбек тилшунослигида ҳам ўрганилиши шурур.

Илёсова М.Э.

Ўз МУ, тадқиқотчи

## ПРОФ. А.Ғ.ҒУЛОМОВ ВА СЎЗ ЯСАЛИШИДА МОТИВАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб сўз ясалишининг асосий масалалари бўйича муҳим тадқиқотлар юзага кела бошлади. Бу тадқиқотлар орасида проф.



А.Ф.Фуломовнинг асарлари ўзининг теран фикрлар, янги илмий хулосаларга бойлиги билан ажралиб турар эди. Жахон тилшунослигида қўлга киритилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда, бой илмий-тарихий манбаларимиз, бадиий асарлар, халқ оғзаки ижоди ва шева далилларини ўзига хос илмий услуб ва тафаккур, заковат билан тадқиқ этган олим умумтилшунослик ривожига улкан ҳисса қўшганлиги кейинги йиллардагина эътироф этилмоқда. Бу эътироф тилшуносликнинг бошқа соҳалари қатори тўлиқ маънода сўз ясалиши соҳасига ҳам тааллуқлидир.

Проф. А.Ф.Фуломов сўз ясалишининг марказий тушунчаларидан бири-сўз ясалиши мотивацияси тушунчасига алоҳида, махсус эътибор қаратган. Маълумки, сўз ясалиши назарияси ўз тараққиётида морфологик, сўнг структур – семантик, XX асрнинг 70-йиллардан бошлаб синтактик-трансформацион, номинатив-опомасиологик, струқциопал-семантик каби босқичлар ўтади (1, ...)

Морфологик босқич доирасида сўз ясалиши масалалари морфемалар ўринлаши, ўзаро боғланиши нуқтан назаридан қаралиб, ўзак, негиз тушунчаларидан кенг фойдаланилган. 2-босқич – структур- семантик босқич доирасида. Ясама сўзда шакл (ташқи томон) ҳамда мазмун (ички томон) муносабати кенг муҳокама қилинди, сўз ясалиши тахлили, морфем тахлил кенгрок морфологик тахлил тамойиллари кўрсатилди (бу ўринда С.Усмонов, Ш.Рахматуллаев, А.Хожиев каби етакчи олимларимизнинг хизматларини ҳам таъкидлаш жоиз деб биламиз).

Проф. А.Ф.Фуломов асарларида сўз ясалиши тизим сифатида қаралиб, мотивация масалаларини изохлаш учун махсус «сўз ясалиш» муносабати тушунчаси ишлатилади: «ясалган сўз билан ясовчи сўз ўзаро ясалмалик муносабати билан боғланган бўлади: буларнинг алоқаси сўз яшаш муносабати синалади...

Сўз ясалиш структураси деганда, шу икки элемент орасидаги формал ва симантик муносабатларининг биргалигини, йиғиндисини тушунамиз... Ясама сўзнинг маъноси ясовчи сўзнинг маъносига асосланади: ясалма сўзнинг маъносини ривожлантиради, ўшандан келиб чиқади... Шунга кўра: биринчи элемент асословчи (мотивланувчи), иккала элементнинг орасидаги муносабат мотивация (мотивлаш), асослаш муносабати синалади» (2,14 бет).

Қиёсий-тарихий тилшунослик тизимида сўз ва шакл ясалишининг муҳим масалаларини ривожлантирган, ўзини «Янги тилшунослик» деб эълон қилган айрим йўналишларда анча олдин бу масала бўйича қатта ютуқларга эришган И.А.Бодуэн де Курженэ, В.А. Богородицкий, И.В.Крушевский, М.М.Покровский, А.А.Потебня каби олимларнинг ишларида ясовчи ва ясалмалик муносабати, ясама сўздаги шакл ва мазмун муносабати атрофлича ўрганилган эди.

Ясама сўз таркибидаги маъно алоқаларининг сусайиши фонетик ўзгаришларнинг эса маъно сусайишларини янада мустахкамловчи омил эканлиги бу олимларнинг тадқиқотларида белгилаб берилган. Айни ҳодисага нисбатан «аналогия» (И.А.Бодуэн де Курженэ) «соддаланиш», «морфологик қайта бўлиши» (В.А.Богородский), «семантик ип узилиши» (А.А.Потебня) каби атамалар хосланган.

Проф. А.Ғ.Ғуломов бу хил ҳолатларга нисбатан қуйидагича баҳо бериши: «сўзнинг маъноси унинг таркибидаги қисмларнинг семантик хусусияти билан боғлиқ» деган фикр ҳамма вақт ҳам шу қисмларнинг маъноси йиғилиб, ўша сўзнинг маъносини ҳосил қилади, шунга тенг бўлиши, деган мазмунни англата бермайди» (2,14 бет). Масалан, сувоқ, сувоқчи, сувоқчилик каби ҳолатларда ясалманинг маъноси қисмларининг маъносидан туғилса, андаваламоқ («хаспўшламоқ» маъносида) сўзида «сўзлардан англашилган маъно бошқачароқ қўрилиши олган.

Сўз ясалиши, олимнинг фикрича, «бир вақтлик» (синхроник) муносибатга таянади, «ҳар вақтлик» (диахрония) эса даврлар бўйича ўзгариш, тараққиётни тушунтиришда ишлатиладиган тамойиллар маънудан иборат:

«Ҳар қандай ясалма (ҳосил қилинган-ясалиб чиққан элемент) «бирламчи» («бирламчи») эмас, балки кейинги («иккиламчи»), ҳодисадир: у бошқа бир ҳодисага тобе (маъно ва бошқа жиҳатлардан), унинг семантик ва структурал хусусиятлари ўша дастлабки ҳодиса орқали аниқланади. Сўз шунини таҳлилида тарихий, диахроник фактлар зарур бўлиб қолган ўзгаришларгагина, қиёс учун келтирилади, ҳисобга олинади, лекин асосга олинмайди» (2,21-22-бет).

Проф. А.Ғ.Ғуломовнинг ишларида умумий тилшуносликдаги «сўзнинг ички формаси (шакли)» (В.фон Гумбольдт), «сўзнинг ички формаси (шакли)» (А.А. Потебня) ҳодисаларга ҳам муносабат билдирилиб, «ама сўзнинг пайдо бўлиш сабаблари, унинг мотивация асослари қайд эканиди: «Янги сўз ҳаётнинг талаби билан туғилади. Бу талаб-жамиятнинг шу билан алоқадор ҳолда-онгнинг тараққиётига боғлиқ... у ҳамма аниқликларнинг, динамиканинг, ҳамма ўзгаришларнинг туғилиш манбаидир» (2,9-бет).

Демак мотивланган сўз, ясалма моҳияти жиҳатидан онгдаги ўзгаришлар олами билан борлиқ, ташқи олам ўртасида турлича боғлиқлиқлар борлигини кўрсатиб турувчи муҳим номинатив-семантик бирликлардир. Жамият ва онг тараққиёти эҳтиёж туфайли янги ясалмаларнинг пайдо бўлишига имкон яратади. Бу сўз ясалмаларнинг социолингвистик, прагматик томонини кўрсатадиган асосий белгилардан ҳисобланади.

Ясама сўзлар онда-сонда, тасодифий пайдо бўладиган ҳодисалар эмас, уларнинг пайдо бўлиши мантикий-лосоний асосланган бўлиб, бу

асосланиш маълум йўл-усул, воситаларга таянади. Шу сабабдан, проф. А.Ф.Ғуломов «сўз яшаш моделлари» тушунчасини қўллайди: сўз яшаш моделлари, умуман ҳосил қилиш, яратиш схемаси-андазаси маъносидаги умумлашган, абстрак ходисадир. Бунинг айрим хусусиятлари: 1) яшалиш модели бир хил бўлган сўзлар структура ва маъно томонидан ўхшаш бўлади; 2) сўз яшаш моделларининг унумли ё унумсиз бўлими структурадаги моделнинг янги ясалма ҳосил қилиш ё ҳосил қилмаслигидандир: «сўзнинг яшалиш структурасини аниқлаш билан умумлаштириш натижасида сўз яшалиш моделлари белгиланади, бу моделлар тилнинг сўз яшалиши системасини ташкил қилади» (2,13- бет). Шунингдек моддалар доирасида ясалмалар икки қисмдан тузилади, яъни бирор оппозития тусида бўлади.

Келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, проф. А.Ф.Ғуломов ясалмалардаги мотивация муносабатларини кенг доирада олиб қараб, муайян даврдаги синхрон сўз яшалишининг тадқиқи учун зарур бўлган тушунчалар тизимини яратган. Бу тушунчалар тизими ўзбек тили сўз яшалишининг ўзига хос моҳиятини тадқиқ этишда олимлар томонидан қўлланилган йўл-усулларининг самарали эканлигини кўрсатиб, бошловчи тадқиқотлар учун муҳим ўрганиш мактаби ҳисобланади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Большой энциклопедический словарь. Языкознание. М., 2000 йил
2. Ўзбек тили грамматикаси. 2 томлик, 1 том, Тошкент, 1975 . «Сўз яшалиши» бўлими проф. А.Ф.Ғуломов томонидан ёзилган (матнда қавс ичидаги 1 – ракам адабиётлар рўйхатидаги манбани, 2-ракам унинг бетини билдиради).
3. Гулямов А.Ф. Проблемы исторического узбекского языка. 1, Аффиксация, ч. 1. Словообразующие аффиксы имен. Ташкент, 1955.
4. Айюб Ғуломовнинг илмий мероси. Тошкент, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, 2005.
5. Абдуазизов А. Айюб Ғулом ва ўзбек тилшунослиги. Тошкент, 2004
6. Айюб Ғуломов (таваллудига 90 йил тўлиши муносабати билан). Тузувчи ва сўз боши муаллифи доцент М.Жўрабаева. Масъул муҳаррир: проф. Р.Сайфуллаева. Ўз.МУ, 2004

## МУНДАРИЖА

Ё.Тожиёв. Туркий тилларда гап бош бўлақларининг кенгайиш имкониятлари ва қонуниятлари	3
М.Қодиров. Алишер Навоий ва замонавий ўзбек тили	9
Ҳ.Шамсиддинов. Турли хотира тасаввурлари ассоциациясининг номлашга муносабати	16
Р.Расулов, О.Содиқова. Ҳолат валентлиги реализаторининг агенс ҳолатининг кечиш тарзиди ифодаланиши	20
Ҳ.Дадабоев. “Қисаси Рабғузий”да қўлланилган <i>сал</i> = феълнинг осмалари хусусида	22
М. Наримонова. Феъл шаклларининг қўлланилишидаги бир хусусияти ҳақида	25
Dr. Aziz B. Djuraev. The social lie as a central concept for research topic “politics, power, and speech”	39
Н.Сайфуллаева, С.Ирназарова. Ўзбек тили грамматикаси тилқилинидаги айрим муаммолар ҳақида	45
А.Рафиев. 20 – йиллар ўзбек тили лексикасидаги таркибий ўзгаришларнинг моҳияти хусусида	49
М.Жўрабоева, С.Тошалиева. Баъзи феъл шаклларининг қиёсий тилқили ва номланишига доир	53
Н.Қаримжонова. Классемаси <i>юза</i> билдирувчи феъл бошқарувидаги ўрин кеншикли бирикмалар ҳақида	56
Т.Ўназаров. Топонимларнинг этимологиясидан намуналар	58
Э.Г. Холманова. «Бобурнома»даги қариндошлик – яқинлик терминлари	63
Н.Мамадалиева. Гулҳаний ижодида фольклор кирралари	66
М.Абдурахмонова. Грамматик категория тушунчаси	69
Z.O.Narimanova. Teaching listening comprehension	72
С. Тошалиева. Ўзбек ва турк тилларида аналитик феъл шаклларининг ўрганилишига доир	75
Н.Юнусова. Лексик бирлик - тизим элементи	79
Ш.Ўғамова. Алишер Навоий асарлари тили лексикасида қўлланилган феъл лексемалар хусусида	82
С.Юсулова. Богловчиларнинг қўлланиши ҳақида	86
Д.М. Тешабасва. Специфические особенности в языке прессы	88
Н.Аҳмедова. Пропозитив мурожаат бирикмалари	92
Д. Шодиева. Муҳаммад Юсуф шеърларида такрорнинг қўлланиши	95
Н. Янгибоева. 20-йиллар ўзбек матбуотида туркий ой номларининг қўлланиши	98
Виктор Абдушукуров. «Қисаси Рабғузий» асари лексикасининг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати	100
С. Бўриев. Топонимларнинг маъновий хусусиятлари	105
Ниссова М.Э. Проф. А.Ғ.Фулмонов ва сўз ясалишида мотивация масалалари	111

Босишга рухсат этилди 15.11.2006. Ҳажми 7,25 босма табоқ.  
Бичими 60×84 1/16. Алади 150 нусха. Буюртма 449.  
М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
босмахонасида чоп этилди.